

The background of the cover is a complex abstract composition. It features a large grid of squares in shades of grey and white, which is partially obscured by various geometric shapes. These shapes include large, bold arches in red and blue, and smaller, more intricate forms in yellow, orange, and dark blue. The overall style is reminiscent of mid-20th-century abstract art, possibly influenced by Cubism or Constructivism. The colors are vibrant and saturated, creating a strong visual impact.

Н. Т. ҒАФУРОВА, Л.Э.МАХМУДОВ

КОМПОЗИЦИЯ АСОСЛАРИ

ТОШКЕНТ- 2013

АННОТАЦИЯ

Ушбу ўқув қўлланма 5140900 - Касб таълими “Енгил саноати маҳсулотлари технологияси ” ва 5540600 “Енгил саноати маҳсулотлари технологияси”, ҳамда 5111000 - Касб таълими (5150900 – Дизайн (Либослар) бакалавриат йўналишлари бўйича таълим олаётган талабаларга мўлжалланган бўлиб, унда костюм композициясининг моҳияти, асослари, қонун – қоидалари, унсурлари, асосий принцип ва категориялари ҳақида батафсил маълумот берилган.

Композициянинг хусусиятлари ва воситалари нафақат кийимда, балки бадий санъат асарларида учраши ҳам мисол тариқасида келтирилган.

Ранг ҳақида кенг назарий маълумот дарсликда алоҳида боб кўринишда берилиб, унда ранг бирикмаларининг қурилиш принциплари кўриб чиқилган.

Дарслик кийим композициясида декор ва танланган материалларнинг пластик ва манзарали хусусиятлари, ҳамда уларнинг ахборот воситаси эканлиги ҳақида маълумотларни кенг ёритган.

Ўқувчи учун қўлланма билан танишиш - костюм композицияси ҳақида асосий тушунчаларни ўргатади ва келажакдаги ижодий ишларида композициядан тўғри ва оқилона фойдаланишни таъминлайди.

АННОТАЦИЯ

Данное учебное пособие предназначено по предмету «Основы композиции» предназначен для студентов обучающихся по направлениям 5140900 – Профессиональное обучение «Технология изделий легкой промышленности», 5540600 «Технология изделий легкой промышленности» и 5111000 - Профессиональное обучение (5150900 – Дизайн (Одежда).

В учебном пособии подробно рассмотрены сущность и основы, правила и законы, элементы, основные принципы и категории композиции костюма.

Свойства и средства композиции приводятся не только на примере одежды, но и в произведениях художественного искусства.

Теоретическая информация о цветах рассматривается в виде отдельной главы и дополнены принципами построения цветовых сочетаний.

Учебное пособие широко рассматривает декор в композиции одежды и пластические и живописные свойства выбранных тканей, а также одежду, как средство информации.

Для читателя ознакомление с учебным пособием обеспечивает знания об основных понятиях композиции костюма и правильное, целесообразное использование композицией в будущих творческих работах.

SUMMARY

The Givenned textbook on subject "Bases to compositions" is intended for student training on directions 5140900 - "Technology product to light industry", 5540600 "Technology product to light industry" and 5111000 - a Professional education (5150900 – Design (Clother)).

In textbook is in detail considered essence and bases, rule and laws, elements, the cardinal principles and categories to compositions of the suit.

The Characteristic and facility to compositions happen to on example of the cloth not only, but also in product artistic art.

Theoretical information on colour is considered in the manner of separate chapters and is complemented principle of the building of the color combinations.

The Textbook broadly considers the decorating in compositions of the cloth and plastic and picturesque characteristic chosen fabric, as well as cloth, as media.

For reader familiarization with textbook provides the knowledges about the main notion of the compositions of the suit and correct, expedient use composition in future creative work.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
1.ТИКУВ БУЮМЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШДАГИ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР	10
Услуг ва мода	12
2. КОМПОЗИЦИЯ ХАҚИДА ТУШУНЧА	
2. 1. Композициянинг моҳияти	27
2. 2. Рассомчиликда композиция	36
2. 3. Тасвирни кўра билиш	51
2. 4. Объект ва тасвир	54
2. 5. Тасвирий ифода ва унинг юзадаги талқини	58
2. 6. Тасвир юзаси	61
3. КИЙИМ КОМПОЗИЦИЯСИ АСОСЛАРИ	66
3. 1. Расм ва композиция	72
3. 2. Амалий санъатда композиция турлари	76
4. КОМПОЗИЦИЯ ҚОНУН – ҚОИДАЛАРИ	
4. 1. Композициянинг қонунлари	84
4. 2. Композицион қоидалар	86
4. 3. Композицияда унсурлар тенглиги	88
4. 4. Композиция ва мувозанат турғунлиги	89
5. КОСТЮМ КОМПОЗИЦИЯСИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИП ВА КАТЕГОРИЯЛАРИ	
5. 1. Костюм композициясининг асосий принциплари	90
5. 2. Композиция категориялари	93
6. КОМПОЗИЦИЯ ХУСУСИЯТЛАРИ	95
7. КОМПОЗИЦИЯ ВОСИТАЛАРИ	105
7. 1. Ранг ва унинг тасвирий ифодаси	116
7. 2. Костюм композициясида рангнинг ўрни	121

7. 3. Ранг турлари	124
7. 4. Рангли халқа тушунчаси	125
7. 5. Хроматик композицияларда ранглар уйғунлиги	128
7. 6. Костюмда ранг бирикмаларини қуриш принциплари	132
7. 7. Ранглар иллюзияси	135
8. КИЙИМДАГИ ДЕКОР ВА ТАНЛАНАДИГАН МАТЕРИАЛЛАР МАТЕРИАЛЛАРНИНГ ПЛАСТИК ВА МАНЗАРАЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ	146
8. 1. Газлама расми	150
8. 2. Материал фактураси	155
9. КОСТЮМ - АХБОРОТ ВОСИТАСИ	
9. 1. Костюмдаги белги ва тимсоллар	160
9. 2. Кийим шаклининг тузилиши хақида тушунча. Кийим структураси ва унинг тузилиш жараёни. Костюм шаклини ҳосил қилишда чизиқлар ва деталларнинг конструктив – безак роли.	162
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	176

ОГЛАВЛЕНИЕ

ВВЕДЕНИЕ	4
1.ОСНОВНЫЕ ПОНЯТИЯ В ПРОЕКТИРОВАНИЕ ШВЕЙНЫХ ИЗДЕЛИЙ	10
Стиль и мода	12
2. ПОНЯТИЕ О КОМПОЗИЦИИ	
2. 1. Сущность композиции	27
2. 2. Художественная композиция	36
2. 3. Понятие изображения	51
2.4. Объект и изображение	54
2. 5. Художественное изображение и его поверхностное понятие	58
2. 6. Поверхность изображения	61
3. Рисунок и композиция	72
3. 2. Разновидности композиции прикладного искусства	76
4. Закономерности и правила композиции	
4. 1 Закономерности композиции	84
4. 2. Правила композиции	86
4. 3. Равномерность элементов композиции	88
4. 4. Композиция и постоянство равновесия	89
5. ОСНОВНЫЕ ПРИНЦИПЫ И КАТЕГОРИИ КОМПОЗИЦИИ КОСТЮМА	
5. 1. Основные принципы композиции костюма	90
5. 2. Категории композиции	93
6. СВОЙСТВА КОМПОЗИЦИИ	95
7. СРЕДСТВА КОМПОЗИЦИИ	105
7. 1. Цвет и его художественное изображение	116
7. 2. Значение цвета композиции костюма	121
7. 3. Разновидности цветов	124

7. 4. Понятие о цветовом круге	125
7. 5. Гармония цветов хроматических композиций	128
7. 6. Принципы построения цветовых сочетаний в костюме	132
7. 7. Иллюзия цветов	135
8. ДЕКОР В КОМПОЗИЦИИ ОДЕЖДЫ, ПЛАСТИЧЕСКИЕ И ЖИВОПИСНЫЕ СВОЙСТВА ВЫБРАННЫХ ТКАНЕЙ	146
8. 1. Рисунок ткани	150
8. 2. Фактура материала	155
9. КОСТЮМ – СРЕДСТВО ИНФОРМАЦИИ	
9. 1. Знаки и символика в костюме	160
9. 2. Понятие о построении формы костюма. Структура одежды и процесс его построения. Линии при формообразовании костюма и их конструктивно – декоративная роль.	162
ПЕРЕЧЕНЬ ЛИТЕРАТУР	176

CONTENTS

INTRODUCTION	4
1. NOTIONS In DESIGNING SEWING PRODUCT	10
Style and mode	12
2. NOTION ABOUT COMPOSITIONS	
2.1. Essence to compositions	27
2.2. Artistic composition	36
2.3. Notion of the scene	51
2.4. Object and scene	54
2.5. Artistic scene and his(its) surface notion	58
2.6. Surface of the scene	61
3. DRAWING AND COMPOSITION	72
3.1. Rarodnosti compositions of the applied arts	76
4. REGULARITIES AND RULE TO COMPOSITIONS	
4.1 Regularities to compositions	84
4.2. Rule to compositions	86
4.3. Uniformity element compositions	88
4.4. Composition and constancy	89
5. CARDINAL PRINCIPLE AND CATEGORIES TO COMPOSITIONS OF THE SUIT	
5.1. Cardinal principles to compositions of the suit	90
5.2. Categories to compositions	93
6. CHARACTERISTIC to COMPOSITIONS	95
7. FACILITIES to COMPOSITIONS	105
7.1. Colour and his(its) artistic scene	116
7.2. Importance of the colour to compositions of the suit	121
7.3. Varieties colour	124
7.4. Notion about colour circle	125
7.5. Harmony colour chromatic composition	128
7.6. Principles of the building of the color combinations in suit	132
7.7. Illusion colour	135

8. DEKOR IN COMPOSITIONS OF THE CLOTH, PLASTIC AND PICTURESQUE CHARACTERISTIC CHOSEN FABRIC	146
8. 1. Drawing fabrics	150
8. 2. Invoice of the material	155
9. SUIT - A MEDIA	
9. 1. Signs m symbology in suit	160
9. 2. The Notion about building of the form of the suit. The Structure of the cloth and process of his(its) building. The Lines under suit and their constructive - a decorative role.	162
List of the literature	176

КИРИШ

Инсоният жадал тараққиёт йўлига юз бурганидан буён бадий тафаккурга кўпроқ эҳтиёж сеза бошлади. Бу жараён шунга олиб келдики, бугун санъат инсон ижтимоий ҳаётининг ажралмас бир қисмига айланди. Чунки санъат ҳаётни чуқур ўрганишда, уни гўзаллик меъзонлари нуктаи назаридан идрок этишда ҳамда нафосат оламининг илғаб олиш мураккаб бўлган нозик сир-асрорларини англаш ва ҳис этишда яқин кўмакдошдир. Санъат инсонларнинг образли тасаввури, тафаккур дунёсининг манбаи бўлиб хизмат қилади. Айни пайтда у ҳаётнинг бадий тасвири, акс садосидир.

Ўзбек миллий санъати бой тарихга, ўзининг кўплаб турлари, ажойиб турфа намуналарига эга. Ана шу кадим ўтмишдан ривожланиб, такомиллашиб келаётган барҳаёт қадриятларимиз ҳозирги турмушимизни янада гўзал, мазмунли қилишда катта аҳамият касб этмоқда. Замонавий ўзбек санъати тараққиёти, хусусан кийиниш маданияти, меъморчилик, уй-жой қурилиши соҳаларида қўлланаётган ўз миллий услубимизнинг, анъаналаримизнинг европа, ғарб санъати услублари билан қўшилиб, қоришиб, баъзан чалкашиб кетаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ёшлар ижодида ҳам кўпроқ европача услуб етакчилиқ қилаётгани сезилиб турибди. Бунинг сабаби, миллий санъатимиз қадриятларини ҳанузгача мустақил равишда етарли тиклай олмаганимизда бўлса керак. Агар ижодкор фикри миллий негиздан баҳраманд бўлмаса, у ҳеч қачон тўлақонли, умумбашарий асар ярата олмайди. Биз бунинг сабабини ҳозирча унчалик чуқур англаб етмаган бўлишимиз мумкин. Лекин бу ҳақда узоқ йиллардан бери гапириб келмоқдамиз, аммо уни бартараф қилиш режасини тузиш учун ҳеч ким жон куйдириб кўрганича йўқ. Сабаби, илгари миллатчиликда айбланиб қоламиз, деб кўрқар эдик. Энди юртимиз мустақилликка эришгач, миллий негизни тикламай, унинг ечимларини ҳимоя қилмай, ривожини учун шароит яратмай туриб, қуруқ гап билан анъанавий миллий санъатни равон йўлга солиб бўлармикан, деб фикр-мулоҳаза юритмоғимиз керак. Санъатшунос олимлар бу муаммони ҳал этишлари учун ҳали анча ишлашлари керак.

Аммо, санъат ичидаги санъат ҳисобланган кенг қамровли «композиция» тушунчаси, унинг тамойиллари бир-икки одамнинг кўрсатмаси, қарорлар билан ҳал бўла қолмайди. У кўп муҳим аниқликлар талаб қилади. Масалани ҳал этишда, ижодкор конструктор-дизайнерми, мусаввирми, ҳайкалтарош-архитекторми, бундан қатъий назар масаланинг бир томонини ёддан чиқармаслиги керак. У ҳам бўлса композиция унсурларида ижтимоий муаммолар ва замонавий маданият кўлами даражасини янада кенгроқ акс эттиришдир. Шунинг назарда тутиб иш кўрадиган бўлсак, бугунги кунда яратилган композициялар замонамизнинг анчайин мураккаб чизгилари билан безалиши лозим.

Бугун ҳаётга қадам қўяётган конструктор-дизайнерлар, мусаввирлар, санъатшунослар ҳам янги доруломон замон руҳида, савиясида таълим олишлари керак. Тубдан ўзгартирилиши зарур бўлган таълим-тарбия тизимлари, хусусан талабаларга билим бериш поғоналари ҳам янги давр талаби билан бизга маҳтал бўлиб турганлигини бугун янада теранроқ фаҳмлашимиз лозим. Одатга кириб қолган, хоналардагина ҳал қилинадиган, сийқа услубда яратиладиган «асар»ларга чек қўйиб, амалий машғулотларни катта сабоқ берадиган тажрибаларга боғлаб, янгича назарлар билан бойитиб, дадил, илмий услубий йўллар орқали бошқариладиган давр келди.

Композиция яратиш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, ундаги ижодий иш усулини ўрганиш - унга маълум даражада одил баҳо беришнинг бир йўли ҳисобланади. Давр талаби ва устозлар иш тажрибаси шунинг кўрсатадики, ҳар қандай услубий қўлланмани илмий жиҳатдан муҳокама этиш унинг аниқлиги, тўлиқлиги ва самараси фақатгина чуқур ижодий тажрибалардан ва аниқ ғоявий йўналишлардан қидирилгандагина мўайян методик тушунчани, маълум фалсафани тўлиқ ифода этиши мумкинлигини назарда тутиш керак.

Композиция ҳақидаги тушунчаларни ҳис этиш, тушуниш, ўрганишнинг яна бир муҳим томони шундаки, у талабалар илмий савиясини кўтаради, тимсоллар англатган маънони тезда англаб олишлари, фикр юритиш иқтидорларини оширади. Натижада уларнинг фаолиятлари сермахсул бўлади

ва қобилиятлари янада такомиллашади. Санъат соҳасида, айниқса тасвирий санъатда композиция ва унинг услубияти нисбатан кам ўрганилган. Композиция мақсадлар ранг-баранглигини, кўпқирралилигини, шахсий ҳис-туйғуларнинг туғёнини англатгани учун ҳам ягона йўриққа бўйсунмайди ва шу томони билан бошқа фанлар услубиятидан мутлоқ фарқ қилади.

Композиция яратиш жараёнидаги шахсий иш усули, киши ички дунёси билан боғлиқ бўлиб, мусаввирнинг ҳиссиёти, тафаккури оламига кириши дастлаб бир қадар қийин бўлсада, бу борадаги тажрибага суянган ҳолда «композиция» сирларини очиш имконини берадиган муаммоларни алоҳида-алоҳида кўриб чиқиш, тасвирланган ҳар қандай мураккаб муносабатларга ақл кўзи билан қараб ёндошиш, таассуротларни ва суратда акс этган тимсолларга боғлиқ фикрни мустаҳкамлаб, уларни тартибга солишга, сирли қирраларини очишга ёрдам беради.

Мураккаб таркибли композицияларни пухта ўрганиш, ҳар томонлама таҳлил этиш, санъатни ўрганувчи талабаларни унинг сирларидан янада чуқурроқ огоҳ этади. Натижада талабаларга ижодий фикр юритиш имкони пайдо бўлади, туғилган фикрларни қоғозга тушириш иштиёқи туғилиши ҳам мумкин. Асар фақат услубнигина эмас, балки композиция миқёси, шакли, ижод намунасининг бадиий даражасини баҳолашни ўргатади. Шунингдек, ушбу асарда композиция услуб имкониятларининг янги баъзи қирраларини бир қадар очишга ҳаракат қилинади. Санъат асари сифатидаги либосларни оддий кўз билан томоша қилиш кишига эстетик завқ бағишлайди. Унинг маъно кўламини чуқурроқ англаш учун эса илмий услубий жиҳатдан композиция жараёни таркибидаги умумий маъно ифодасини тасвирий ва таркибий, фалсафий қирраларини кўриш ва ҳис эта билиш керак.

Узоқ йиллик иш тажрибалари шуни кўрсатдики, композиция яратишдаги бадиий шакл умумлашмалари шаклан янгича унсурлардан фойдаланиш, тасвирий ва фалсафий йўналишнинг шаклу-шамойилини келтириб чиқаради. Бундай ижодий услуб ёрдамида кашф этилган илмий кузатишлар талабалар ва ўқитувчилар — ижодкорлар учун жуда зарур.

Унинг натижасида талабаларнинг эркин фикрлаши, ўзаро мунозаралари орқали тасвирий санъат асарининг қиммати аниқланади, ижод жараёни идрок этилади, санъат асарини таҳлил этиш қобилияти ошади. Фикрлаш доирасининг бу қадар кенгайиши эса гоҳо ҳар қандай мутолаадан устунроқ туриши мумкин. Шу сабабдан талаба ўз фикрини мустақил баён қилишга ўрганиши жараёнида ушбу услубий тавсия яхши ёрдам беради, деган умиддамиз.

Аниқ услубий тавсиялар ёрдамида машғулоти олиб боровчи ўқитувчи, мўайян бир шаклдаги услубга, уни талқин этувчи фикрга боғланиб қолмай, талабаларга хилма-хил ижодий изланиш йўлларини ўргатар экан, айтиш чоғда ўзи ҳам уларнинг эркин фикрлашидан вужудга келувчи янги имкониятларни ўрганиб боради. Маълумки, енгил саноат маҳсулотларини баҳолаш ҳам ўзига хос ижодий ёндошувни талаб этади. Бунга талабалар ушбу фан сабоқларини ўргана боришлари керак. Ўқитувчи уларда кўпроқ мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантириши лозим.

Композициянинг назарий услубиёти муаммоси тасвирий санъат соҳасида ўзбек тилида биринчи бор ёритилаётгани сабабли қўлланмада айрим нуқсон ва камчиликлар бўлиши табиийдир. Шунга қарамай, тасвирий санъат асарлари композицияси соҳасидаги мазкур дарслик композицияни ўрганиш ва унга илмий услубий жиҳатдан ёндашиш йўлларини бир қадар очиб беради ва ёш ижодкорларнинг ижодий изланишларида ёрдами тегади, деган умиддамиз. Ҳар қандай фан илмий изланишлар натижасида мавҳум мавзулар мажмуасини у ёки бу даражада билиб олишимизга ёрдам беради. Шунга қўра, бу ишда айрим илмий манбаларга мурожаат этдик. Чунки, композиция барча санъат асарларининг шаклланишида асосий воситадир. Буни ҳеч қандай ижодкор инкор эта олмайди.

Ҳатто қўлингиздаги китоб ҳошиясида тортиб йирик меъморчилик обидаларигача, ҳайкаллардан то йирик санъат полотноларигача, либос шакли, ифодаси ва ечими бўлган бадиий ижод намуналарининг асосий таркибий ўзаги композициядир. Шу сабабдан унинг моҳиятига ҳар жиҳатдан,

чукур ёндошиш керак. Бу ёндашиш ижодкор иш қобилияти, дунёқараши, фикр доираси, салоҳиятидан тортиб то ўзидан олдин ўтган устозлар меросини ўрганишгача бўлган кўплаб муаммоларга ойдинликлар киритади. Композиция ижодкорнинг шахсий услуби билан боғлиқ; маълумотлар, шунингдек, мусаввир шахси тўғрисида ҳам аниқ фикр ва далиллар, қимматли маълумотлар айтишга имкон беради.

Композиция тузилишига кўра объектив қонунларга асослангандир. Шунга қарамай айрим ижодкорлар композиция фанининг илмий-услубий назарияси бўлиши шарт эмас, дейишади. Бироқ уларнинг ўзлари айнан ана шу объектив қоидага амал қилиб иш бошлайдилар. Конструктор ўз шогирдига либос модели эскизини чизишни ўргатар экан, биринчи бор беихтиёр композицияни қандай яратиш тўғрисида, унинг қоидалари ҳақида гапириб бериши табиий. Баъзи бир либосларнинг бадий ифодаси кўпинча фақат композициясининг пухта топилганлиги туфайли ҳам бизни ўзига ром қилади.

Композицияни таърифлашда яна бир ажойиб ибора бор, бу ҳам бўлса, умумийлик, яхлитлик, асосни танлаб олиш, марказни аниқлашдир. Шунинг ўзи ҳам композиция азал-азалдан санъат асарининг асосий сири эканлигини кўрсатади ва унинг қоидалари ҳар доим қўлланаётганлигини тасдиқлайди.

Либос композицияси ўз ичига костюмнинг мазмуни, ижодий жараён машаққатларини қамраб олади, талқинда бадий образни юзага чиқаради ва уни бошқа воситалар қаторида яққол кўрсатиб беради. Бу образ орқали асарнинг яхлит кўринишига объектив қонунлар асосида эстетик ва бадий жиҳатдан баҳо беради. Шунинг учун ҳам бу жараён, яъни композиция тузилиши янги шакллар мажмуаси бўлиб, бизга кўплаб тафаккур қирраларини ҳавола этган ҳолда намоён бўлаверади. Ижодкор услуби, унинг ички дунёси, шахсий кечинмалари, эстетик талаб, бадий ифода, миллий анъаналар замирида композиция орқали ўз талқинини топади ҳамда фикрларининг исботи ўларок; намоён бўлади ва унинг баҳоланиши билан яқунланади. Рассомларнинг ички дунёсини ахтариш керакми? Ижодкор асар

яратаётганда масалани бу тарзда қўйилишини ҳаёлига ҳам келтирмаслиги мумкин. Лекин ижодкорнинг намуналарида ўз инъикосини топган унинг фикрлари дунёсига талабаларни олиб кириш фойдадан ҳоли эмас. Бунга эса одатда асар мазмунини таҳлил қилиш орқали эришилади. Юқоридаги бу саволга ҳар бир кишининг шахсий фикри, ижодий имконияти, бадий савиясидан келиб чиққан ҳолда янада аниқроқ жавоб бериш мумкин. Чунки инсон ўзи билмаган, ечолмаган масалаларининг ечимини ўзгалар фикридан топса, бунинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ.

“Енгил саноат маҳсулотлари технологияси” бакалаврлари йўналишлари бўйича “Композицияси асослари” фанидан машғулотлар ўтишда, талабаларга фақат белгиланган дастур орқали билим бериш билан чекланиш бугунги кун талаби меъзонларига асло тўғри келмайди. Анчайин чекланган соатлар ва уларга мўлжалланган дастурдан ташқари, чуқур маълумот бериш, талабалар фикр-доираларини кенгайтириш, уларни асарга ижодий ёндашишга, мустақил фикрлашга ўргатиш дарсни илмий-ижодий, услубий асосда намунали ташкил қилиш муаллимларнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Шунини айтиш керакки, устоз томонидан композиция муаммоси ўртага ташланиши билан талабаларда изланиш, фикрлаш жараёни бошланади. Бу жараёнга ўқитувчи ўзининг тажрибаси, билими, иқтидори, ижодий имкониятлари орқали йўналиш бериши зарур. Шундай пайтда синалган - амалий йўл-йўриқлар, фикр мулоҳазалар қўл келади. Композиция намуналарини кўрсатиб, уларнинг фалсафий талқини ва марказий воқеаларининг боғланиш йўллари атрафлича тушунтириш ҳам услуб тақозосидир. Ҳар бир машғулотга ижодий ёндашишни талаб этадиган бу фандан дарс беришнинг энг мақбул тажрибалари ушбу қўлланмада бирлашиши керак. Бундай услубиёт талабаларнинг дарсдан ташқари машғулотларда ҳам қўлланмага таянган ҳолда мустақил ижодий изланишлари, ишлашлари имконини яратади. Биз, ўтмиш санъатимизни қанчалик пухта билсак, бугунги санъатимиз қимматини, нафосатини, эстетик завқини шу қадар теранроқ англаб етамиз. Мазкур қўлланма “Енгил саноат

маҳсулотлари технологияси” бакалаврлари йўналишлари таълим олаётган талабалар билан бир қаторда кенг китобхонлар оммасига ҳам мўлжалланган.

Қўлланма ёзилиш жараёнида рус ва ўзбек тилида нашр этилган адабиётлардан фойдаланилди (адабиётлар рўйхати келтирилган).

Қўлланма қўлёзмасини ўқиб чиқиб, ўзларининг муҳим фикр – мулоҳазаларини билдирган устозларимиз проф. Г. К. Ҳасанбоевага ва Х.Х.Комиловаларга катта миннатдорчилик билдирамиз.

1. 1. ТИКУВ БУЮМЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШДАГИ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

Археологлар фикрича, кийим инсоният ривожланиши даврининг илк босқичида, бундан 40 - 25 минг йил илгари пайдо бўлган. Об-ҳаво таъсири, хашаротлар чақишидан сақланиш мақсадида, одамзот ўз танасини, лой, ёғ, татуировка, ўсимлик бўёқларидан фойдаланиб, ўзларини ҳимоя қилишган. Булар кийимнинг бирламчи кўриниши бўлиб ҳисобланади.

«Костюм», «кийим», ва «мода» тушунчаси бир-бирига ўхшаш маънода келади. Аммо булар ўхшаш бўлса ҳам, улар бир-биридан фарқ қилади. «Кийим» французча «vetement» сўзидан олинган бўлиб, одам танасини ўраб турадиган қобиқ маъносини англатади. Масалан: илк бор кийим белгиларини палеолит одамлар кашф этганлар. Улар ҳайвон ва балиқ терисини елкаларига ташлаб юрганлар, ўтларни бирлаштириб юбка кўринишда кийганлар. Сўнгра ҳар хил матолар пайдо бўла бошлагач, одамлар мато билан ўраниб юрганлар.

Кадимги Мисрда матодан бош ва қўл учун алоҳида ўйиклар ҳосил қилиниб, елкага ташлаб юришган.

«Костюм» сўзи ҳам француз тилидан олинган бўлиб, кийим тушунчасига ўхшаш. Костюм ва кийим одамнинг танасини ёпади, аммо фарқи ҳам бор. Костюм тушунчасига кийим, пойабзал, соч турмаги, бош кийими, қўлқоп, тақинчоқлар ва грим киради.

«Кийим» ва «костюм» тушунчалари – инсоннинг гавда тузилиши ва образига нисбатан кўриб чиқилиши зарур.

Кийим - бу материалларнинг одам танасидаги қобиқ системаси бўлиб, танани иқлим таъсиридан сақлайди ва одамнинг ўзига хос баъзи хусусиятларини намоён қилади.

Костюм - бу кийим қисмларининг мўайян образли-бадий системаси бўлиб, ушбу қисмларни инсоннинг индивидуал образини ёки ижтимоий гуруҳсини характерловчи, қарор топган принципларга асосан яратилган ва мўайян тарихий босқичда эришилган маълум техник, илмий ва маданий ютуқларни акс эттиради.

Одатда, эркаклар ва аёллар кийимининг пиджак ва шимдан ёки жакет ва юбкадан иборат маълум бир тури ҳам костюм деб аталади. Қўшимчалар костюмга тугаллик кўринишини беради. Бўларга шарф, сумка, зонт, ҳасса, кўлқоп, тақинчоқлар киради.

"Кўйлак" терминининг иккита маъноси бор. Биринчидан, бу бевосита бадан устидан кийиладиган ич кийимни билдирса, иккинчидан ич кийим устидан кийиладиган енгил кийимдир. Бундан ташқари аёлларнинг энг кенг тарқалган кийим тури ҳам кўйлак дейилади.

Кийим-кечак - бу маълум вазифага мўлжалланганликни ифода этувчи деталлар характериға биноан синчиклаб танланган, косметика ва соч турмаги билан қўшилиб, костюмни тулдирувчи ва безовчи буюмлар билан бирлашган кийим. Мақсадига қараб кийим-кечак маиший, кечалик, ишлик, тантанавор, спортбоп ва ҳоказо бўлиши мумкин.

Гарнитур - бу одатда айнан бир тур материалдан тайёрланиб, маълум бир мақсадга мулжалланган бир сидра кийимлар йиғиндиси (ич кийим гарнитури, заргарлик буюмлари ва ҳоказо).

Гардероб - бу бир қатор ҳолларда зарур бўлган бир сидра кийим комплектлари ва костюмни тулдирувчи бошқа қўшимча буюмлар, яъни бир кишининг ёки бутун оила аъзолари барча кийимларининг йиғиндиси.

Комплект - бир хил ёки ҳар хил материалдан тайёрланган, мақсади ва услубий хал этилиши умумий бўлган тула бир сидра буюмлар туплами: комплектдаги айрим буюмларни мулжалланганлиги ва услубий хал этилиши

ўхшаш бошқа буюмларга алмаштириш мумкин. Комплект - бу очиқ система бўлиб, айрим буюмларни унга қўшиш ва ундан олиш мумкин.

Ансамбль - костюмнинг мўайян бадий услуб бирлигига эга бўлган барча қисмларининг йиғиндисидир ўзаро мустаҳкам бирликни билдиради. Ансамбль - бу бирор қисмини олиб ташлаб бўлмайдиган ва бирор бошқа қисм қўшиб бўлмайдиган ёпик система. У бир йўналишга қаратилган костюм, яъни ансамбль - бу инсон образига ажратилган кийимлар мажмуасидир. Ансамбль мураккаб тузилмадан тузилган бўлиб, бир нечта қисмлардан иборат, унинг ичига устки ва оёқ кийими, бош кийими ва тақинчоқлар

Набор - умумий вазифа адо этувчи бир қанча буюмлар: унда материал билан услуб бирлиги бўлиши шарт эмас (болаларнинг ич кийим набори).

"Модель" сўзи кийимга нисбатан қанча, шакли, материали, беағи ёки бошқа сифатлари янгича бўлган кийим намунасини билдириб, улардан тикувчилик цехи, артелда ёки уйда намуна – маҳсулот сифатида фойдаланишади.

Бир номли кийим гуруҳидаги шакл, бичиқ ва бошқа хусусиятлар фарқи фасон деб аталади. Фасон кийим моделининг ўзига хос хусусиятлари йиғиндисини билдиради.

Коллекция - образли ечими, услуби, конструкцияси, шакли ва материаллар структурасининг ягоналиги асосида қурилган, вазифаси турлича бўлган моделлар сериясидир.

Макет - бу бир буюм ҳажмининг тасвири, унинг шакли, пропорцияси ва функциясини тасвирловчи буюмдир.

1.2. УСЛУБ ВА МОДА

Кийимнинг тарихий ривожланишига, ўзгаришига услуб ва мода сабаб бўлади.

Услуб - жамиятнинг моддий ва маънавий маданиятидаги муҳим ва характерли белгилар образли системаси ижодий принципларининг тарихан таркиб топган бир кадар барқарор муштараклигидир.

Услуб - бу даврнинг бадиий тили ва характеристикасидир. Давр ўзига хос ижтимоий-иқтисодий формация билан белгиланади.

Ҳар қандай тарихий даврдаги костюм шаклининг заминида одамнинг мўайян даражада пластик нафис образи ва гавдаси (қадди - қомати) ётади. Композицияда ҳар бир буюм гармонияси (юнонча «*harmonia*» - буюмлар, воқеалар, бутун қисмларнинг турли сифатларининг боғлиқлиги, келишганлиги, мувофиқлиги, монандлиги) ва баркамоллиги ҳақида инсон гавдасининг эстетик идеали ўзининг тушунчасини ривожлантиради, бундан эса костюмдаги мутаносиблик, қўлам, геометрик ҳажм, шакл ва рангларнинг турли - туманлиги келиб чиқади. Антик эстетикада меъёр гўзалликнинг асоси, меъёр йўқлиги эса ухшовсизлик эканлиги ҳақида қоида бор.

Услуб жамият ҳаётидаги муҳим омилни акс эттиради. Ҳар қайси тарихий давр ўзи учун характерли шаклларни танлар, костюмда инсоннинг маълум даражада ўз ифодасини топган мўайян эстетик талабларини ўзига бўйсундирар эди. Ҳар қандай тарихий даврдаги костюм шаклининг заминида одамнинг мўайян даражада пластик нафис образи ва гавдаси ётади.

Мўайян ижтимоий-иқтисодий формация тикувчилик саноатида рассомларнинг қанчалик меъёр, эстетик идеал билан ёндашганлигини ва моддий муҳит буюмлари услубининг характерини белгилаб берарди.дан иборат эди Афлотун антик дунё санъатига юксак баҳо бериб, унинг бир бутунлигини таъкидлаб, унда санъат турлари билан ишлаб чиқариш даражаси ўртасида меъёрнинг энг юксак кўринишдаги услуб бирлиги бўлганлигини ёзган эди. Юнонлар меъёр билан гармония ўзаро мустаҳкам боғлиқ бўлиб, бунда меъёр ижтимоий амалиётда ҳам норма вазифасини ўтайди, деб билардилар. Улар одам гавдасини бир маромдаги шакл идеали деб ҳисоблардилар. Юнон архитектураси, хайкаллари ва костюмлари - "одам гавдасининг акс садоси" эди.

Кадимий Юнон костюмининг услуги газлама билан инсон шакли ва табиий мутаносиблигининг гармоник бирга қўшилганлиги бўлиб, бу елкадан пастга томон бемалол осилиб турадиган кийимдаги беҳисоб хилма-хил тахламаларда ўз ифодасини топган эди. Кийим тўғри тўртбурчак газламадан иборат бўлиб, уни елка устида боғлаб ёки елкага ташлаб қўйиб, гавданинг табиий гўзаллиги ва ҳаракат бемаллоллигини кўрсатадиган ва унга ҳалақит бермайдиган нафис тахламалардан иборат бўларди.. Кийиниш санъатидан баҳраманд бўлиш ва "стандарт" шаклдаги хилма - хилликни топиш учун катта усталик, маданият ва дид керак бўларди.

Инсон моддий ва маънавий маданиятнинг ҳамма соҳаларида дин ҳукмронлик қилган. Европа мамлакатларида феодализм мустаҳкам қарор топган Ўрта асрлар даврида махсус эстетик идеал ва шунга мос костюм характери таркиб топди. Одамзод гавдасининг гўзаллигидан завқланиши номуносиб ва гуноҳ иш ҳисобланар, шунинг учун гавдани қўполдан - қўпол, оғир, кейинчалик эса чўзик шаклларга ўраб ташлар эдилар. Тор юқори қисми қатор - қатор мураккаб тахламалардан иборат, орка этаги жуда узун қўйлак, жуда баланд конуссимон бош кийим ва ниҳоятда чўзик пойабзал билан бирга қўшилиб кад - комат қанча ўзгариб кетарди. Аёл кийишининг идеал образига, яъни она - мадонна образига мурожаат қилиш ана шу вазиятнинг инъикоси эди. Костюмнинг ён томондан кўриниши ҳомиладор аёл гавдасига тақлид қилинарди. Костюмнинг мураккаб силуэти чизиклари - гавданинг эгри чизик пластикасига мувофиқ келарди. Костюмда бир томондан назокатни, оналикни таъкидлашга интилиш акс этган бўлса, иккинчи томондан черков кўрсатмаларига биноан гавдани яширишга, уни тахламаларга қўмиб ташлашга интилиш акс этарди.

Ўрта асрлар костюми гавдани турли воситалар (шнурлар, корсетлар) ёрдамида қаттиқ қисиб, табиий шаклдан узоқлаштирадиган " ғилоф" системаси ривож топишини бошлаб берди. Бундай костюм юқори томон интилган бутхоналар архитектура шакллариининг дабдабадор, чўзиклигида, турмуш ва одатларнинг сертакаллуфлигида намоён бўлган ўша давр умумий

услугбининг ифодаси эди. Рухий омил билан моддий омил ўртасидаги зиддият кучайиб кетганлиги натижасида Ўрта асрлар санъатида диспропорция билан асимметрия алоҳида ифодасини топган эди. Уйғониш даврида эстетик дунёқарашларни қайта баҳолаш юз беради: янги гуманистик идеология шаклланади. Бу буюк географик кашфиётлар, илм ва техника ютуклари даври, санъат даври эди. Бу Леонардо да Винчи, Рафаэль Санти, Микеланжело каби улуғ алломалар даври эди. Бу давр кишиси фаол, кучли, гайратли, ҳаракат кила оларди. У Ўрта асрлардаги сингари гавдасидан уялмайди, балки ундан фахрланади. Одамнинг табиий қомати - эстетик идеал ҳисобланади. Тахламалар билан басавлат турадиган юбка, кўплаб бурмали енгли, очиқ деколтели костюмлар оғир духобадан, парча, атлас, мовут ва мўйналардан тикиларди. Костюмлар жуда кўплаб қимматбаҳо тошлар билан безаларди. Соч оддий, табиий ҳолда, тур ёки ҳарир газлама тутиб, қимматбаҳо зийнатлар тақиб безатиларди. Пойабзал - оёқда бемалол турадиган кенг бошмоқ.

Уйғониш давридаги вазмин гармоник шаклларнинг асли тариқасида абсолютизм, дворянлар маданияти ва дунёни бўлиб олиш мақсадидаги урушлар таъсирида таркиб топган Барокко услубидаги XVII аср санъати юзага келиб, санъатда тантанаворлик, улугворлик, дабдабадорлик, тийиқсиз зеб - зийнат, театрона қалбаки хусусиятлар ҳукмрон бўлиб қолди. Эндиликда одам маънавий қудратини гавда пропорцияларининг гўзаллигини намоиш қилади, ижтимоий молиявий дунёдаги қудратли одам образи эътибор марказига ўтади. Атайлаб сохта ҳолатда туриш, театрона ҳаракат, дабдабали серсавлат аломатлар юзага келади. Гавданинг пластикаси ўзгарди, чунки подшо саройларида оёқ учида юриш лозим бўлиб, бу пошнали пойабзал пайдо бўлишига олиб келди. Гавдани муносиб қилиб кўрсатиш учун костюмнинг елкаси, қорин қисмига ҳар хил тагликлар қўйридилар. Аёллар кийимида қимматбаҳо газламалардан (парча, вуал, атлас, духоба) кўпқаватли қилиб тикилиб, нақш жимжималари, бантлар, тўр тикилган, қимматбаҳо

тошлар тақилган костюмлар, эркаклар кийимида - ҳарбий костюм (мушкетёрлар костюми), парик ҳукмронлик киларди.

XVII асрда Барокко услуби урнига нозик - нафис Рококо услуби юзага келади. Бу услуб ўзидан олдинги услубнинг бевосита давоми бўлиб, ундан шакллариинг назокатлилиги, мураккаблиги билан ва ғаройиб жимжимадорлиги билан фарқ қилади. Бу услуб учун мавжуд воқеликдан кечиб, орзу - умидлар, севги - муҳаббат оламига интилиш характерлидир. Бу услуб таъсирида манфаатдорлик вазифасига алоқадор бўлмаган костюм қарор топди. Бундай костюмда гавданинг бел, кўкрак, бўкса қисмлари кўзга ташланиб турарди. Костюм енгил, нозик бўлиб, бошдан-оёқ гул тикилган тўрдан ва «газсимон» материалдан, «кўпчитиб» қўйгандек тикиб безатиларди.

Умумий айтганда, кийим шаклининг ривожланиши даврнинг табиий ва ижтимоий-иқтисодий шароитлари, ижтимоий ҳаётнинг эстетик ва маънавий талаблари ва санъатда ҳукмрон бўлган бадиий услуб билан боғлиқ.

Услуб - ғоявий мазмуни бир хил бўлган воситалар образли системаси ва бадиий ифода усуллариинг бирлигидир.

Костюмда умумий услуб йўналиши асосий шакл ва мутаносибликда, кийиш услубида, ишлатилган мўайян газламада ва ансамблнинг танланган рангларида ифодаланади. Давр бадиий услубининг умумий ўзгаришлари ҳам ҳар доим узоқ давомли тарихий босқичларда бўлиб ўтган катта ғоявий ва ижтимоий ўзгаришлар билан боғлиқ. Лекин ҳар бир услуб ичида ҳар соҳадаги фаолиятга таъсир қилувчи серҳаракат ва қисқа муддатли ҳодиса - мода бор.

Мода - инсон эҳтиёжининг атрофдаги шароитнинг турланиши ва доимий янгиланиши билан боғлиқ бўлган мўайян шаклларнинг қисқа муддатли ҳукмронлиги. Мода актив ва кўзга ташланадиган даражада, айниқса шакллари тез ўзгариб турадиган кийимда намоён бўлади.

Мода — кийим формаси (фасони)нинг ўзгариши, янгиланиши ва жамиятнинг турли гуруҳлари ўртасида расм бўлишидир. Мода ўз замонасига,

турмуш тарзига ҳамоҳанг бўлиб, кишининг эҳтиёжини қондириш учун хизмат қилади ва кишилиқ жамиятининг тараққиёти, инсонлар ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиши билан боғлиқ [4].

Мода кийимда — қизиқарли ва етарли даражада мураккаб ҳодиса. Жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий ва психологик жараёнлар кийимда ўз аксини топади. У маълум даражада шахснинг ҳаёт услубини, ахлоқини мужассамлайди, яъни кишини ўз-ўзига ва бошқаларга муносабат услубини ифодалайди.

Мода - турмушнинг ташқи кўринишида, асосан кийимда намоён бўладиган бирор диднинг мўайян ижтимоий муҳитда маълум вақт ҳукмрон бўлиб туришидир. Мода ва иқтисод бир-бирига боғлиқ маънодош сўзлар. Мода (французча «mode» сўздан олинган бўлиб - меъёр, тарз, усул маъносини билдиради) пайдо бўлиши анчагина мураккаб воқеа бўлиб, жамият ҳаётидаги қатор ҳаёт омилларига боғлиқ, инсоннинг жуда кўп фаолиятига ўтади.

Мода билан услуб ўртасидаги фарқ заминида уларнинг ижтимоий вазифалари ётади. Услубда жамиятнинг ўтмишга ва теварак - атрофдаги дунёга муносабати умуман ифода топса, модада ана шу жамият ичидаги замондошларнинг ўзаро боғлиқлиги акс этади. Умуман, модага ҳайратланиб ва хайрихоҳлик билан қарайдилар. Ундан завқланадилар, унга эргашадилар. Лекин ҳамма эмас. Модани ёқтирмайдиганлар ҳам бўлиб, улар ўзининг етук бўлмаган ёки очикдан - очик консерватив дидларни бошқаларга ўтказиш мумкин деб ҳисоблайдилар. Модельерларнинг ҳар бир янги таклифига улар ашаддий қаршилиқ кўрсатадилар. Ўзгариб туриш - моданинг энг муҳим хусусияти. Янги мода пайдо бўлганда костюм ўзининг эстетик кадрили йўқотади. Бу эса мода характеридаги зиддиятни кўрсатади. Мода вақтинчалик ва ўтиб кетадиган тушунча, лекин унда гўзаллик тушунчаси сифатида сақланиб қоладиган эстетик топилмалар ҳам бўлади.

Мода - замонавий дегани, эстетик киймат эса вақт ўзгармас бўлиб қолади. Бирок моданинг зиддиятлилиги унинг прогрессивлигини инкор

этмайди. Мода инсоннинг янгиланиб туришдек табиий интилишига мос бўлади. У замонавийлик нуқтаи назаридан энг маъқул ечимларни танлаб олади.

Мода - бу янгиланиш. Бу табиат риоя қиладиган принцип! Дарахт эски баргини, одам эса жонга теккан кийимини ташлайди. Мода зерикарли бир хилликдан халос қилади. Одамлар бир - бирига ёқишни хоҳлайди: чиройли кийинсам, яхши кўринсам дейди - бу табиий эҳтиёж.

Мода - бу тақлид ва янгилик. Лекин бунда ҳамма вақт янгиликка ёки ғайри табиийлик тақлид қилинавермайди. Шахс билан жамиятнинг ўзаро муносабатида тақлид билан бир қаторда, бунинг акси бўлган ҳодиса - ўзига хослик намоён этилиши ҳам мумкин.

Мода каерда пайдо бўлади? Кўпчилик моделлар уйида деб ҳисоблайди. Моделлар уйи бўлмаганда мода қандай пайдо бўлган? Ҳамма вақт моданинг автори бўлганми? Мода тарихчиларининг таъкидлашича - моданинг асосий чизигини ҳеч ким яратмайди. Мода жамият билан биргаликда ўсиб боради ва тараққий топади, у - замона фарзанди, лекин ўзининг қатъий характери бор. Мўайян конкрет мода - кучкига сабаб бўладиган қор соққага ўхшаб кетади.

Ижтимоий - иктисодий формация, иқлим, теварак - атроф, халқ анъаналари, турмуш тарзи, йирик ижтимоий - сиёсий воқеалар, фан, техника спортга оммавий қизиқиш, яратилаётган янги материаллар, космик давр каби турли хил омиллар - моданинг шаклланишига таъсир кўрсатади.

1956 йилда бир гуруҳ ёш инглиз модельерлардан гуруҳи яратилди, улар ёшларга нима кераклигини билиб, керакли моделдаги кийимларни тикар эдилар. 1974 йилда Нью-Йоркда бўлиб ўтган кийимлар кўургазмасининг шоири "Америкаликлардан афзалмисиз?" бўлиб, ушбу кўургазмада костюмлар, шимлар, шортилар, юбкалар, блузкалар кўрсатилганди. А. Левис энг яхши, сифатли «джинси» матосини ишлатиш бўйича Американинг ҳамма штатларида конкурс эълон қилади.

Мода - енгил саноат қорхоналарига катта даромад келтирарди. К. Диор, Г. Шанель, А. Курреж, П. Карден - нафакат бўлар таникли француз

рассом-модельерлари, балки улар бизнесменлар ҳам бўлганлар. Ҳар қайси шаҳарнинг ўзига хос расм-русмларига боғлиқ мода йўналиши бор. Костюм - яратилиши тарихида ўзининг белгиларига эга. Масалан: XVI асрда кийиладиган кийимлар, яъни хашамдор, оғир формадаги, тахламали костюмлар - эркинликни, XIX асрда - қизил румол ва теридан тайёрланган аёллар костюмидаги Октябрь революциясидаги давр тенг ҳукўклилигини билдирарди. Ўша давр замондошлари ёзишча, кийимнинг баъзи бир элементлари, масалан, баланд ёқали куйлақлар ва сорочкалар - демократия принципларидан бири эди.

Кийим бизни совуқдан асрайди, шунинг учун уни она химоясига қиёслаш мумкин. Чунки она болани кийинтиради, ечинтиради, шу билан бирга ўз меҳрини беради.

Кадимги Хитой халқи - байрамона кийимларнинг рангини фаслларга ўхшатишган. Қизил ранги - бу ёз фаслини, олов рангини билдиради. Оқ ранг - куз фаслини билдирган. Бу ранг таъзияни билдирган. Қора ранг - қиш рамзи, шимол ранги, кудукдаги сувнинг рангини билдирган. Сарик ранги - ёзнинг охири, ноннинг пишган вақтини англатган. Бу рангларнинг кийимга таъсири жуда катта бўлган.

Ҳар қандай костюм ўзининг функциясига эга ва керакли ахборотни етказди. 1921 йилда яратилган моделлар рангли костюмлар ёки баҳор костюми деб аталган. Чунки костюмда ҳар хил ранглар тасвирланган. Шундай костюмлар яратилдики, унда геометрик шакллар тасвирланарди. Костюм тўғрисида ҳар хил позициядан гапириш мумкин. Кейинчалик вақт утиши билан кийимлар манекенларга кийгизиб тикиладиган бўлди. Бундай кийимлар танага ёпишиб турадиган, лойиққина қилиб тикиладиган бўлди.

XIX асрдаги европача костюм тарихи 1789 йилдаги француз буржуа революциясининг буронли воқеаларидан бошланади. капитализмнинг, фан ва техниканинг гуркираб тараққий этиши, янги материаллар, тикув машинаси пайдо бўлиши характерли эди. Натижада илгариги услубларнинг барчаси: антик дунё ва кадимги рим санъатига ўхшаб кетадиган классицизм, ампир,

сохта готика, борокко, янги услублар - калейдоскопдаги сингари бирин-кетин ўтади. Бу тақлид қилиш асри эди.

Конструкциянинг вазифаси, мантиқи билан кийим материали ўртасида мустаҳкам алоқа ҳали йук эди. Костюмда қатор шакллар, силуэтлар; каркаслардан халос бўлиш кузатилиб ва гавдани мослаб тикиш урф бўлди.

XX аср шакл ва материаллар танлашда катъиян хизматбопликни, соддаликни, бемалолликни ўз принципи деб эълон қилди. Бу аср фан - техника тараққиёти асри, саноатнинг гуркираб усиш асри, аёл кишининг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва ижтимоий ишлаб чиқаришда фаол катнашув асри, космос асридир. Бу аср ўзи учун анчагина барқарор элементлар топиб, шуларни ишлатиш ёрдамида мураккаб шаклларнинг ниҳоятда кўп хилма - хиллигига эришди. Костюмнинг образли ифо далилиги эндиликда илгаригидек бошқа воситалар ёрдамида эришилади, яъни силуэтлар тез-тез алмашилиб туради, чизиклар инжик ва доимий эмас; гавда билан костюмнинг ўзаро боғлиқлиги динамикада ўз ифодасини топди - кийим бир карасангиз гавдага ёпишиб, гоҳида унга салгина тегиб, баъзан эса гавдадан жуда кочиб турадиган бўлди. Костюмни шакллантиришда хизматбопликни асос қилиб олган дизайн, янги саноат буюмларини бадиий лойиҳалашда асосий роль уйнади.

Биз модага қайси муносабатда қарамайлик, бизга биринчи навбатда ташқи кўриниш таъсир кўрсатади, кейин, табиийки, психологик ва ўзимиз баҳолагандек, айти пайтда, информатив таъсирланиш, ўхшатиш, инкор қилиш ёки танқидий англаш ва ўзига мослашга олиб келади [1]. Ҳар бир давр, услуб, маданият, шароит ва костюм, скульптура ва маданият орасидаги боғланишни қатъий шарт деб билишган. Костюм атрофдаги буюмлар олами ва архитектура билан узвий борлиқлиги мўайян тарихий босқич маданиятининг белгисидир. Албатта, улар орасида бевосита боғланишни аниқлаш қийин. Бу боғланиш жуда бевосита ифодаланади. Материаллар, масштаблар фарқига қарамай, архитектура, скульптура ва костюм умумий

куриш принципларига ва рамзий ишораларга (Миср, Греция ва ҳ.к. костюми) бўйсуниб ўхшаш шаклланиш қонунларига амал қилади.

Ишлаб чиқариш билан костюм орасида, гўзаллик, эстетик идеали билан костюм шакли орасидаги боғланиш анча аниқ. Биринчи ҳолда, газламаларнинг толалари таркиби, улар тузилиши, эни, ишлов бериш усуллари ва пардозлаш йўллари аникланади, иккинчи ҳолда эса кийимнинг идеал образи, унинг ташқи маълумотлар билан сунъий яратилган костюм шакли орасида ажойиб монандликка эришилади [2]. Эстетик идеал ҳар қайси даврда синфий жамиятда синфий руҳда бўлади. Кийимда бу энг аввало, синфий бўлинишда кузатилади. Костюм ҳар доим кишининг ижтимоий ўрнини ва унинг поғонасини аниклаган. Хукмрон синфлар модани ўз манфаатлари учун яратганлар, улар костюм ёрдамида ижтимоий табақага мансубликларини кўрсатганлар. Шунинг учун ўтган даврлар модаси учун «иш костюми» характерли эмас эди [1].

Киши шахси жамият билан солиштира бошлангандан қадим замонда мода бунёдга келган ва унинг фавқулоддалиги ҳукмронларга боғланиб қолган. Улар, кўпинча ҳукмрон оилалар вакиллари, уларнинг маҳбублари ва яқин кишилари бўлган. Ана шунинг учун ўтган даврлар модаси бежамдор, баландпарвоз ва ғайриоддий бўлган.

Ҳозирги замон модаси тарихини ўн йилни ўз ичига оладиган даврларга бўлиш қабул қилинган; масалан, 20, 30, 40, 50-йиллар модаси ва ҳоказо. Ун йил шундай муддатки, ҳар қандай мода шу давр ичида ўзининг барча имкониятларидан фойдаланиб улгуради; мода шартли равишда даврларга бўлинсада, аслида унинг яшаш муддатини чеклаб бўлмайди [3].

Ҳар бир давр модасининг ўзига хос услуби бор. Кийимнинг услуби деганда, модага мос мўайян йўналишни ифодаловчи хусусиятлар мажмуи тушунилади; киши гавдасининг гўзаллик тимсоли сифатида қабул қилинган пропорциялари, ансамбль тузилишининг рангдорлик принципи, кийимнинг бичими, композиция тузиш принципи, кийим бичиш усуллари ва ҳоказолар улар жумласига киради [4].

Кийимнинг услуби жамият ҳаётининг жиддий омилларини ўзида акс эттиради. Бир услуб санъатнинг турли формалари ўртасидаги боғланишни ўз ичига олган бўлиши мумкин, бу эса умуман маданиятни характерлайди. Турли даврлардаги газламалар, вазифалар, масштаблар бир-биридан фарк қилади; шунга қарамай, ҳар бир даврдаги форма ҳосил қилиш қонуниятлари бир-бирига ўхшайди ва ягона тузилиш принципларига, архитектура, ҳайкалтарошлик ҳамда кийимдаги бир хил рамзий системага бўйсунди. Масалан, архитектурада ва кийимда форманинг негизи бўлган ягона модулдан фойдаланилган [5].



1-расм. Кадимги юнонлар кийими

Пропорциялар уйғунлиги, томнинг текислиги (горизонталлиги) билан устун - колонналарнинг вертикаллиги ўртасидаги нисбатни аниқ ифодалаш греклар архитектурасига хос принцип ҳисобланадн. Кийимларнинг тузилиши ҳам антик архитектурага жуда мос: содда ва сипо, вертикал чизиқлари — тахламалари кўп (1-расм). Ўрта аср охирларида готика услубидаги архитектура чўзиқ (баландлашган), юқори томон интилган пропорциялар, равоқ ҳамда минораларнинг ҳашамдорлиги билан ажралиб турган; ўша даврдаги кийимлар бичими ҳам шу услубга мос ҳолда пропорциялар ўзайтирилган ва вертикал чизиқлари кўп бўлган [5].

Ҳар бир даврнинг ўзига хос пропорциялари, киши гавдасининг гўзаллик - эстетик тимсоли ҳисобланган масштаблари, геометрик хажмлари ҳамда ранглари бўлган [4].

Мода жамиятнинг социал, тарихий ва бадий ривожини маълум даражада акс эттиради. Шунга кўра у мўайян даврнинг конкрет эстетик идеалини ифодалайди, дейиш мумкин



2-расм. а - Барокко услубидаги кийим (XVII аср)

в - Классик услубидаги кийим (XX аср)


Ҳар бир даврдаги синфий жамиятнинг эстетик идеали синфий характерга эга бўлган. Кийимда бу нарсa синфий табақаланиш тарзида намоён этилган. Кийим дастлаб кишининг ижтимоий ҳолатини, мартабасини белгилаб берган. Ҳукмдор синфлар мода яратаётганларида ўз манфаатларини кўзлаганлар, кийим ёрдамида ўзларининг имтиёзли ҳолатига диққатни жалб этганлар. Шунинг учун ҳам ўтмишдаги кийимлар, «иш кийими» характерига эга бўлмаган. Кийим ўз даврининг бадий услубига хос жиҳатларни

мужассамлаштириб, шу давр билан бирга ўзгаради. Масалан, XVII асрдаги серхашам услубга башанг, ялтираган, бесўнақай кийимлар мос тушган (2-расм). XIX аср бошидаги ампир услубига ихчам, сипо бичимдаги кийим жуда тўғри келган [5]. XX асрда кийимларнинг формалари кўпайиши натижасида форманинг бажарадиган вазифасига қараб, кийимнинг классик услуби, спорт ва фантазия услуби пайдо бўлган. Классик услубдаги кийим (2-расм) сиполиги, формасининг ихчамлиги, деталлари жуда камлиги, кийим пропорциялари киши гавдасининг табиий пропорцияларига мослиги билан ажралиб туради. Бундай кийимнинг асосий қисмлари гавданинг тегишли қисмлари устига аниқ тўғри келади. Классик услубда тикилган кийим безаклар билан деярли безатилмайди.


Спорт услубида тикилган кийим (3-расм) формасининг эркинлиги, енг бичимининг ҳар хиллиги, устидан қопланган чўнтаклари, чўнтак қопқоқлари, белбандлар, кокеткалар, баҳялар, тўқа, илгак, пистон, тугма каби фурнитуралар мавжудлиги билан ажралиб туради.

«Фантазий» услубида тикилган кийим (4-расм) деталлар формасининг ҳар хиллиги ва савлатлилиги билан фарқ қилади, Унинг қисмлари ғайриоддий, конструктив чизиқлари эътиборни жалб қилмайди, кўпинча, халқ мотивларидан фойдаланилган бўлади.

Кийим (костюм)нинг услубини биринчи навбатда унинг бичими белгилайди. Бичим, биринчидан, елка чизиғи билан енгнинг формаси ўртасидаги нисбат билан ва иккинчидан, кийимнинг белгача узунлиги, юбканинг формаси ҳамда узунлиги билан ифодаланади.



3- расм. Спорт типдаги костюм
кийим
(XX аср)



4-расм. «Фантазий» услубидаги
(XIX аср)

Ҳамма буюмларнинг услуб жиҳатдан ягоналигини сақлаш жуда муҳим.
Бир кийимнинг ўзида ҳар хил услубнинг аралаш - қуралаш бўлиб кетиши

кўзга яққол ташланади, бунда пухта ўйлаб яратилган композиция ҳам бузилади [26].

Мода пайдо бўлган даврдан бошлаб қарор топмоқда, кўпаймоқда, такомиллашмоқда ва ўзгармоқда. Париж, Лондон ва Римдаги машҳур кийим моделлари уйларида, модель яратувчи фирмаларда истиқболдаги янги моделлар намоиш қилинмоқда. Энг истиқболли моделлар машҳур мода журналларида эълон қилинади. Программага асосланган модали коллекциялар Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши (УИЁК) аъзолари ҳисобланувчи мамлакатларнинг кийим маданияти бўйича доимий ишчи гуруҳига кўриб чиқиш учун йил сайин тақдим этилади. Ана шу коллекцияларга асосланиб услубий коллекциялар тузилади.

Модель коллекциялари мамлакатимиздаги Модалар уйлари мутахассисларининг ҳар йили ўтказиладиган кенгашларида намоиш қилинади. Услубий кенгашлар моделлаштиришга саноат нуқтаи назаридан ёндашишнинг бир кўриниши ҳисобланади; бу кенгашларда модельер - рассомлар фикр алмашадилар, бошқа Модалар уйлариининг тажрибасини ўрганадилар, шунингдек, етакчи модаларни саноатга жорий этиш масалалари ҳал қилинади. Шундан кейин моделлаштирувчи ташкилотлар саноат нуқтаи назаридан аҳамиятга эга бўлган кийим моделлари коллекциясини тўзади; бу коллекцияларда тўқимачилик саноати ишлаб чиқараётган материаллар ҳамда кийимни мукамаллаштирадиган деталлар ишлатилади [4].

Мода журналлари кишининг ва кийимнинг янги эстетик (қиёфаси ва кўринишини пропаганда қиладиган, истеъмолчилар) талаб - эҳтиёжини кўзгатадиган ва кучайтирадиган восита ҳисобланади. Илгариги мода журналларида моделлар каталоги берилмас эди; уларда кўпроқ турли манзаралар тасвирланиб, манзара қатнашчилари янги модадаги кийимларни кийиб ҳамда нафис ҳаракатларни намоиш қилишарди. Ундаги матнда замонавий моданинг таҳлили берилиб, мода турмуш тарзига, одоб-ахлоқ қоидалари ва ҳоказоларга боғлаб кетиларди. Бу шундай журналларки, ҳақли

равишда санъат асарлар қаторига киритиш мумкинларнинг тиражи чекланган бўлиб, расмлар моҳир усталар қаламига мансуб бўларди [6].

Ҳозирги вақтдаги конструкторлар ўзларининг кундалик ишларида дуч келадиган кўп сонли мода журналлари, каталоглар, буклетлар, мода альбомларидан ишнинг кўзини билиб фойдалана олишлари лозим.

Моданинг асосий ҳамда энг муҳим йўналиши «Модалар журнали»да эълон қилинади; мазкур журнални Енгил саноат буюмлари ассортименти ва Кийим маданияти Бутуниттифоқ институти босиб чиқармоқда [6]. У бошқа мода журналлари орасида алоҳида ўрин эгаллайди. Бу журналда кийим моделлари камроқ берилади, лекин моданинг ҳамма соҳалари (бош кийимлар, соч турмаги, грим, пойабзал, газлама, трикотаж, аксессуар)ни ўз ичига олган йўналишига алоҳида эътибор берилади. Журнал китобхонлари эстетика комиссиясининг мода ва кийим маданияти тўғрисидаги фикрлари, қарорлари ҳамда Модалар уйларидаги ва жаҳондаги машҳур модельерлар яратилган мақбул, ажойиб моделлар билан таништиради [5].

Ривожланган мамлакатлар ўз модасини яратмоқда ва такомиллаштирмоқда. Бу мода биринчи навбатда меҳнаткашлар дидига ва эҳтиёжига мосдир. Кийимнинг шакли ва материалининг одатдагича ўзгариб туриши фан ва техника тараққиётига, инсоннинг жамиятдаги ўрнига, эркаклар билан аёллар ўртасидаги муносабатлар ўзгаришига, спортнинг ривожланиши ва ҳоказоларга боғлиқ [6].

2. КОМПОЗИЦИЯ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

2.1. КОМПОЗИЦИЯНИНГ МОҲИЯТИ

Композиция – бадиий асар шаклининг барча элементларини мазкур асарнинг образли ғоявий-бадиий мазмунини ифода этувчи узвий бир бутунликка бирлаштиришдир.


Кийим композицияси - кийим шакли барча элементларини унинг мазмунини ифода этадиган бирликни барпо этиш воситалари ёрдамида тузиб чиқиш демакдир. Кийимнинг мазмуни унинг нимага мўлжалланганига қараб белгиланади.

Кийим шаклининг композицияси унинг мазмунини очиб беришга олиб келиши керак. Ҳар қандай яратилган моделда уни ташкил этган барча элементлар ўринли бўлиши керак. Ортиқча ёки муаллиф фикрини етарлича яхши ифода этмайдиган нимаики бўлса, ҳаммаси олиб ташланиши керак. Композиция махсус бадий тилдан иборат бўлиб, унинг ёрдамида санъаткор борлиқни акс эттирувчи ғоя ва туйғуларни тасвирлаб беради.

Санъаткор яратган ҳар бир моделнинг кўриниши инсонга таъсир этишга кодир эмоционал ва таъсирчан бўлиши керак. Кийим ҳар ерда ва ҳамма вақт одам билан бирга бўлиб, унга ишонч, кадр-қиммат, яратувчанлик туйғуларини бахш этиши ёки аксинча, уни тушкунлик ва хафалик ҳолатига дучор қилиши мумкин. Шундай қилиб, кийимнинг кўринишини ифодавийлигига композиция санъати воситасида, яъни кийимни ташкил этувчи ҳажмлар, ранглар, чизиқлар, деталлар ва безак элементларини ягона узвий бир бутун қилиб бирлаштириш воситасида эришилади. Бирок модельернинг кийим ва бутун костюм кўриниши кўринишидаги иши энг муҳим жиҳатга, яъни вазифа нуқтаи назаридан қулай, ҳаётда ўринли кийим яратишга бўйсундирилган бўлибгина қолмай, балки ифодали бўлиши ҳам керак. Композиция санъати санъаткорнинг қизиқ ва муҳим жиҳатларни кўра билиш ва алоҳида тарқоқ компонентларни бир бутунликка уюштира билиш маҳоратидан иборат.

Моделер - рассом ўз ишида унинг тасаввури ва фантазиясини озуқа бериб бойитадиган турли ижодий манбаларга мурожаат этади. Халқнинг тарихий ўтмиши ва ҳозирги жамият ҳаёти, атроф-табиатнинг хилма-хиллиги, тарихий кийимлар ва халқ кийимларининг бойлиги, бадий адабиёт, мусиқа, кино, театр ва ҳоказолар ҳозирги замон рассоми ижодининг манбалари бўлиб хизмат қилади. Рассом ўйларини етиштиришга ва аниқлаштиришга ёрдам берадиган айрим мотивлардан фойдаланиб, ана шу манбалардан ўз ғоялари ва образларини тўплаб боради. Демак, кийим композицияси — кийимнинг тузилиши ҳамда бичимини ҳосил қилувчи деталларнинг бирлашмаси бўлиб, унинг мазмунини ифодалайди. Композициядан мақсад - функционал, техник

ва технологик жиҳатдан такомиллаштирилган замонавий форма ҳосил қилиш билан бирга, чиройли, уйғун, ҳамма қисмлари ўзаро муносиб, мажозий, атроф-муҳитга услубий жиҳатдан боғлиқ бичим ҳосил қилишдир.



5-расм. Композицияга мисол

Санъат асарларидаги, жумладан, суратлардаги турли жонли ва жонсиз буюмлар, табиат манзаралари шунчаки тасвир этилмасдан, улар бир-бирлари билан ботиний алоқада бўлиб, бу муносабат айни пайтда ифода этилаётган мазмунни ёрқинлаштиради. Асарда композиция шу тарзда яратилади ва намоён бўлади.

Композиция ижодкор имкониятлари ва уни ҳаяжонлантирган мавзу асосида яратилади ҳамда унда акс этган санъат оламининг турланиб қанчада, жиҳолланишида асосий роль ўйновчи омиллардан бири ҳисобланади.

Композицияга асос қилиб олинадиган мавзу кўлами авваламбор мусаввир, ижодкор шахсининг билими, ўз юрти, халқининг турмуш тарзини қанчалик чуқур идрок эта билишига боғлиқ бўлиб - ижодий маҳорат билан танланади ва акс эттирилади. Мавзуни ифодали талдин дилиш ва уни шакллантиришдаги имконият чегараларини олдиндан аниқ белгилаш композиция ижодкори олдида турган энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Ижодда ижодкор асарлари композициясининг қандай тарзда талқин этилганига алоҳида эътибор билан қараб, баҳо берилади. Айниқса, табиат манзаралари, йирик, воқеабанд мавзули полотнолар ва маҳобатли деворий асарларнинг композициялари, амалий санъатдаги халқ хунарманд усталарининг маҳорати, енгил саноат маҳсулотлари конструкцияси ва технологияси бўйича мутахассисларнинг либос моделини яратиш ва унга оид муаммолар махсус ўрганилади. Ўзбек санъатида, сўнгги йиллар ичида, тарихий таҳлилга асосланган миллийлик руҳи акс этган либослар, ҳаётга қайтариш борасида жуда кўп ибратли ишлар килинди. Бироқ ўзбек миллий санъати композициясининг бир қатор муҳим назарий ва амалий масалалари ҳануз тўғри ва аниқ ҳал этилгани йук. Масалан, композициянинг санъат асари таркибида тутган муҳим ўрни, унда миллийликнинг акс этиши, композиция яратиш усулларидаги ўзига хослик (унинг турлари, воқеликни миллий оҳангларда акс эттириш) каби умумий мавзуларда ҳали ҳануз бир фикрга келинмади.

Бадий тасвир — инсон тафаккури яратган маънавий бойликларни, мумтоз фикрларни асрлардан - асрларга, авлодлардан-авлодларга бекаму кўст етказувчи, нафосат оламининг сеҳрли қудратини намоён этувчи ноёб воситадир. Шу боис у яратувчилик бобидаги буюк кашфиётлардан бири ҳисобланади. Жаҳон тарихидан маълумки, юксак маънавият, бой маданиятга эга ҳар бир халқнинг ўз санъати, кийиниш маданияти бўлган. Ҳар бир халқнинг она тили, адабиёти каби либослари ҳам мураккаб жараённи босиб ўтади. Бу либосларда аввало, миллий урф-одатлар, ўзига хос қиёфалар, ҳаракатлар ўз ифодасини топади. Шунинг учун уни тушуниш ҳам унчалик

осон эмас. У баҳоловчидан алоҳида тайёргарликни талаб этади. Мўайян асар, аввало шу миллат доирасида кўриб чиқишни тақозо этади. Киши диққатини ўзига тортиш қудратига эга бўлган либослар халкнинг юксак салоҳияти ва тафаккуридан дарак беради. Ҳар қандай либоснинг муҳим таркибий унсури ҳисобланувчи — «композиция» ҳақида гап кетганда, аввало уни шакллантириш воситаси устида тўхталиш зарур. Зеро, ҳар бир композиция замирида кенг ва теран хусусиятлар тўқнашуви, ҳис-туйғулар ўз аксини топади. Шу боис, ижодкорлар томонидан яратилган намуналар композициясини бир бутун, ўзига хос, юқори савиядаги бадиий ифода десак муболаға қилмаган бўламиз.

Хўш, композиция дегани ўзи нима? Композиция сўзининг луғавий маъноси — тасвир ифодасини тўзмок, шакл яратмок, тасвирланган шаклларнинг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштирмок, — умумийликка олиб келмок, уларга бадиий мазмун ифодасини юкламокдир.




6-расм. Композицион тузилиш

Маълумки, композиция яратиш орасида ҳар бир ижодкорнинг ўз услуби, йўли бўлади. Шу сабабдан композиция яратаётган ижодкор унга қобилияти даражасида ёндашади. Бунини амалий санъатда, манзарали ранг-тасвирда, маҳобатли деворий расмларда, ҳатто китобий безакларда ҳам кўриши мумкин. Композиция одатда образлар воситасида яхлит маъно берувчи тасвирларнинг асоси сифатида намоён бўлади. У тасвирдаги асосий мазмунни юзага чиқарувчи «калит» ҳисобланади ва асарнинг қимматини белгиловчи сифатларни ўзида мужассам этади. Композиция ҳар қандай тасвир ифодасини кучайтирувчи, кишини ўйлашга, беихтиёр фикр-мулоҳаза юритишга ундовчи таъсирли кучга эга. Чуқур бадиий ифодага эга мукаммал

композиция ярата олиш ҳар бир санъаткор ижодида нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини жаҳон рассомлари қадим-қадимдан эътироф этиб келганлар. Унинг кўпдан-кўп зарур қонун-қоидаларини қайта-қайта янгилаб, мукаммаллаштириб, тўлдириб келганлар. Композицияга нисбатан айрим етук ижодкор томонидан қўйилган талаблар қуйидагича таърифланади: «Асар содда, равон бўлмоғи керак. Ахир, композиция энг асосий ечимни, ўзига хос жиҳатларни танлаб олишдан иборат эмасми»... Ёки «Композиция кўп қонун-қоидалардан иборат бўлишига қарамай, менимча унинг муҳим томони шундаки, санъат асари турмушдаги тасодифий воқеаларга қараганда, ҳаётни чуқурроқ, мазмунан ишонарлироқ қилиб акс эттиради». «Композициянинг маҳорати яхлитлик йўлида хусусийликни қурбон беришдадир, лекин бу қурбон бериш зарур унсурни бутунлай йўқ қилиш деган сўз эмас, чунки уларсиз катта шаклнинг мавжудлиги ҳосил бўлмайди» [7].

Ҳар бир ижодкор ҳаётда ва ижодда катта синовдан ўта олсагина баҳоловчи томонидан тан олинади. Шу синовларга бардош берган намуналаргина келажак авлодларга мерос қолади. Бадиий талқин «композиция» ўзбек санъатининг ҳам сирли калити ҳисобланади. Кўплаб юксак маҳоратли ижодкорлар томонидан асрлар давомида яратилган маданий «неъматлар» санъатимиз тарихини қамраб бойитиб келмоқда. Улардан кўп услубларни мерос қилиб олиш ҳозирги куннинг муҳим вазифалари қаторига киради. У ёки бу асар композициясининг шартли маъносини англаш, унда нима ифодаланаётгани ва бу билан қандай фикр айтишоқчи эканлигини аниқлаш учун келтирилган образлар моҳиятини тўғри тушунмоқ керак. Халқ тасвирий санъати ижодий услубларида, жумладан, қадимий мўъжаз суратларда услуб хусусияти жиҳатидан мазмунга мос келадиган турли ранг, буюм ва ашёлар (меъморчилик безаклари, турли нақшлар, қадимий кийим-кечаклар ва ҳ. к.) тасвиридан усталик билан фойдаланилган. Шундай тасвирий воситалар асосида қурилган композицияда — кўпдан-кўп безаклардан тимсол сифатида фойдаланилади, улар орқали

мўайян сифат, кайфият (хоҳ ижобий, хоҳ салбий) англашилади. Кўпгина тасвирларнинг бевосита ва мажозий маъноларини аниқлаш билан, сурат ҳақида шакл-шубҳага ўрин қолдирмайдиган қатъий хулосалар чиқарилади. Шундай ҳолларда санъатшунос бадиий-илмий фараз қилишга мажбур бўлади. Модомики, шундай экан, уларнинг композицион ифодасини топишда, тўғри ва мажозий маъноларни изоҳлашда тадқиқотчи бирмунча камчиликлар, ноаниқликлар ва чалкашликларга йўл қўйиши табиий ҳол. «Қаттиқ қонун салтанатини яратмоқ»— кўп тадқиқотчи учун азалий орзу эканлиги сир эмас.



7-расм. Бахтиёрлик кайфияти англашиладиган композиция

Бу соҳада жон куйдириб ижод қилувчи: шоир, муסיқачи, меъмор, рассом-конструкторларнинг ниятлари ўзларидан кейин ишонарли композицион таянч нуқтасини келгуси авлодга меърос қилиб қолдиришдир. Маълумки, олдиндан режалаштирилган ҳар қандай пухта йўл-йўриқ,

санъатда қўлланиладиган услуб ҳам, ёш ижодкорларни санъат «тожкурсисига» осонлик билан чиқариб қўймайди.

Фақат шахсий қобилият, тинимсиз меҳнат, ўз ижодий услубининг мустаҳам пойдевори унга, «тожкурси» бўла олиши мумкин. Енгил саноат мутахассислари ижоди ва композиция ечимини яратишнинг услуб ҳамда мавзулари хилма-хил бўлганидек, уни томошабин томонидан қабул қилиниши, мантиқан тўғри ёндошилиши ҳам турличадир. Гарчи кишиларни кўриш, сезиш, фикр юритиш қобилиятлари турли хил экан, уларни бир қолипга ёки бир тушунчага кўникишга ундаб бўлмайди, аксинча, оламнинг гўзаллиги ҳар кимга турли кўринишларда намоён бўлишини таъкидлаш ўринли. Шунга кўра санъат асарини кўриш, идрок қилиш ҳам, ундаги рассом фикри ҳам турличадир. Рассом ички кечинмаларининг ифодаси бўлган образли тасвир томошабин учун доим тушунарли бўлавермайди. Негаки, рассом унга ижод натижасини тайёр ҳолатда кўрсатади. Ана шу асарни композиция ечими услуб ва усули, ранглар мажмуи, мавзу воқелиги, рассомнинг дастхати, фикр чизиғи орқали бунёд бўлган образ баъзан томошабинлар тортишувларига сабаб бўлади. Бундай вазиятда икки муаммога эътиборни қаратмоқ керак.



8-расм. Миллийлик руҳидаги композиция.

Биринчидан, тасвир ҳақиқий аслига жуда аниқ ўхшашлиги ёки тасвирий шакл бадиий баркамол кўринишда намоён бўлиши мумкин. Кишиларнинг қиёфалари табиатан бир хил бўлмаганидек, рассомларнинг бадиий талқини ҳам хилма-хилдир. Бир ижодкор томонидан яратилган шакл-шамойил бошқаси учун янги очилган «кашфиёт» бўлиши ҳам мумкин. Шунга кўра битта рассом томонидан «кашф» этилган ижод намунаси бир неча минг томошабин учун «севимли» асар ҳисобланиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Иккинчидан, рассом билан томошабин ўртасидаги фарқ масаласи муҳим. Рассом ҳам томошабин каби, томошабин эса рассом каби ички кечинмаларга бой, у ҳам ўз навбатида макон ва нарсаларга бефарқ қарамаслиги табиий ҳол. Шундай экан, томошабин айрим вазиятларда рассомга нисбатан қобилятлироқ, фикран онгли бўлиши мумкин. Шундан келиб чиқиб, «санъатнинг бадиий юксаклиги нимада?»- деган савол туғилади.

Санъат – рассом қалбидаги сирли сиймоларнинг мукаммал тасвири орқали шаклланиб томошабинга бадиий жиҳатлари билан тўла намоён бўлишидир. Содда тил билан айтганда, композицияни яратиш ва уни англаш ижодкор шахс билан боғлиқ масалалар, иш жараёнида яна ҳам ўз қобиғини очиб беради деган умид бор. Ижодкор томонидан пухта ечимини топган композиция ўз ўрнида томошабиндан ҳам шу ечим ифодаси нимада мужассам бўлганлигини чуқур англаб етишни талаб этади. Композиция сўзини ўзбек тилига аниқ ағдариб бўлмаганлиги туфайли унинг луғавий ифодасини ёзиш билан чекланилди. Композиция сўзи ҳамма ижодкорлар учун тушунарли эканлиги ҳам назарда тутилди.

2. 2. РАССОМЧИЛИКДА КОМПОЗИЦИЯ

Композиция бу нима? Композиционлик белгилари нимада? У қандай рецептлардан ташқари? Композиция – турли вақтли синтези бўлса, «лаҳза»ни тасвирлаш вазифаси – композицияга қарши. Бироқ бу алоҳида яхлит образ қуришнинг жуда қийин вазифаси. Ҳар қандай лаҳза вақт боришида боғламдир. Композиция асоси – тасвирлашнинг фақат текислик омиллари бўлса, композицияни чуқур фазовий бўйсундирилиши нотўғри. Хўш, унда текисликда нотекис фигуралар ва учўлчамли дунёни тасвирлаш масаласи нимада? Композиция турли кўриш позициялари синтезининг ифодаси бўлса, импрессионистик пейзаж ҳавасқор содда «нусхаси» каби композицияга қарши. Лекин импрессионистларга оддий нусха кўчириш вазифаси тегишли деб айтиб бўладими? Импрессионистик пейзаж бошқаларга нисбатан кўпроқ даражада ифодаланишдир. Композициянинг муҳим белгилари. Композициянинг асосий белгиси яхлитликдан бошлаш табиий. Бу белги менга маълум таърифларда очиқ ёки яширин мавжуд. А. А. Фаворскийнинг турли фазовий ва турли вақтий яхлитликнинг кўринувчи шакли ҳақидаги Б.А. Успенский ва Л.Ф. Жегиннинг кўриш позициялари синтези, К.Ф. Юаннинг – яхлит конструкция, ягона тузилиш ҳақидаги гапларини эслаймиз. Энди гуманитар фанлар, шу жумладан санъатшуносликка ҳам синтез,

конструкция, тузилиш сўзлари мустаҳкам кириб олган. Санъат тўғрисида гап кетганда улар «бутун», «яхлитлик» сўзлари каби композиция тўғрисида гапирганда пайдо бўлувчи оддий сўзлар бўлиб қолган. Бу ерда чегаралаш лозим. Тузилиш, конструкция, композиция – якин тушунчалар. Турли ходиса ва фанларга тегишли диффузли маънолар оиласини ифодаловчи сўзлар. Бир фанларда бу сўзлар қатъий атамалаштирилган. Унда улар тушунчаларни ифодалайди. Масалан, «тузилиш» (молекулалар) кимёда атама ва унинг маъноси ҳақида баҳс пайдо бўлмайди. Тилшуносликда «тузилиш» сўзини атама қилишга ҳаракат қиладилар. Бироқ унинг маъноси ҳали диффузли бўлиб қолади. Санъат назариясида бу сўзнинг маъноси яна ҳам камроқ тушунарли. «Тузилиш» сўзи билан бу ерда ечиш керак бўлган турли тушунчалар тугунини англатади. «Тузилиш» умумий тушунчаси ҳали мавжуд эмас. Санъатнинг алоҳида турига нисбатан у жуда ҳам абстракт бўлмасмикан? Турмуш буюмлари ва техникаси соҳасида одатий бўлган маъноси жиҳатидан анча аниқроқ «конструкция» сўзи санъат соҳасида, ҳатто амалий санъат соҳасида ҳам, «тузилиш», «композиция» сўзлари билан алмашиб анча ноаниқ сўз бўлиб қолади. Ҳатто меъморчиликда «конструкция» сўзи икки маъноли. У ёки статика қонунлари ва материал хусусиятлари бўйича бино қисмларининг соф қурилиш бирлаштирилишини ёки инсон ҳаёти ва фаолияти учун конструкцияни ҳам англатади.

Рассомларда ёруғлик – сояли расмга тескари конструктив расм ҳақида гапириш қабул қилинган. Буюм тузилишини ифодаловчи расм кўзда тутиладигандек кўринади. Лекин нима учун унинг тузилиши ёруғлик сояли расмда ифодалана олмас экан? «Композиция» сўзи мусиқада атамалаштирилган. Бироқ композициянинг мусиқашунослик таърифи асарнинг умумий режаси каби, унинг йирик қисмларга бўлини каби, ушбу асар тури учун анъанали тақсимланиши (триптих қисмлари ёки драманинг анъанали беш кўриниши каби) жуда формал, уларни аниқ шакллар таҳлили билан тўлдириш истаги пайдо бўлади.

Компонентлаш – бу нафақат қисмларга ажратиш, балкибоғлаш ҳам

эмасми? «Композиция» сўзи адабиёт назариясида ҳам деярли атамалаштирилган. Бироқ муסיқашуносликка тескари асарни анъанавий берилган қисмларга ва умуман йирик қисмларга бўлишга тескари асарнинг умумий формал режасини бунда архитектоника деб аташади. Композиция эса матнда мўайян материалнинг жойлаштирилиши ёки ҳикоялашда нуктаи назарлар алмашуви каби тушунилади. Кейинги вақтда айнан «нуқи назарлар» алмашувини баъзан композиция поэтикасидаги асосий тамойил деб аташади. Аниғи шуки, «тузилиш», «конструкция», «композиция» сўзлари асосида яхлитлик тушунчаси бор, у қисмлар ва бутунлиكنинг турли турдаги нисбатларини камраб олади. Сўзнинг умуман маъносида композиция деб қуйидаги шартларни қониқтирувчи яхлитлик таркиби ва қисмларининг жойлашувини аташ мумкин бўларди:

- 1) бутунлиكنинг бирон қисми яхлитликка зарар етказмасдан олинishi ва алмаштирилиши мумкин эмас;
- 2) қисмлар бутунга зарарсиз ўринларини алмаштира олмайди;
- 3) бутунга зарар етказмасдан биронта ҳам янги элемент унга қўшила олмайди.

Эстетик адабиётда бундай турдаги таърифлар кам эмас. Улар биринчи қарашда жуда ишонарли кўринади. Аслида абстракт таъриф ҳар қандай бадий ҳодисалар, ҳатто, қисмлар нисбий мустақилликни сақлаб қолувчиларга (драма, симфония, триптих) ҳам тўғри келади. Бироқ келтирилган формула композиция таърифи бўлиши учун жуда ҳам кенг. У яхлитлик умумий тушунчасига кирувчи унинг зарур белгиларини кўрсатиб ўтади. Ушбу формуладан фойдаланиб аниқ ҳодисада (хусусан, картинада) композицион бирликни нокомпозициондан фарқлаб бўлмайди. Аслида кадрдаги чизиқларнинг ҳар қандай жойлашуви, тасвирланган фазодаги буюмларнинг исталган жойлаштирилиши кадр билан чекланган бирлик — яхлитликни ташкил этади. Бутуннинг исталган сезиларли элементларини олиб ташлаш ёки жойларини алмаштиришда, ёки кадрни кенгайтиришда яхлитлик ўзгаради. Бу, маълумки, нафақат расмга, балки тасвирлашнинг

бошқа турларига ҳам тегишли. Бутунлик нафақат расмнинг соф кўрсатилишида, балки исталган тасвирнинг соф кўрсатилишида, нафақат расмнинг бир қисмини олиб ташланишида, балки бошқа тасвирнинг ҳам қисмини олиб ташлашда ўзгаради.

Текисликка ташланган бир сиқим қум зарралари ҳам бутунликни ташкил этади. Эҳтимоллик қонунларига асосан қум зарралари тенг ораликлар ёки тўғри гуруҳлар билан юзага ётмайди, доимо тасодифий гуруҳларга гуруҳланади. Қум зарраларининг қисмини олиб ташланг. Бутунлик ўзгаради. Қум зарраларини қайта қоқинг. Уларнинг жойлашуви ўзгаради, бутунлик ҳам ўзгаради. Янги бутунликда бирликнинг абстракт формуласи яна риоя қилинади.


Композицияни яратиш ёки тасодифий гуруҳларда композицияни кўриш учун ҳамма гуруҳларни бирон-бир қонун, ички боғланиш билан боғлаш керак. Биз гуруҳлар ритмини ташкил этишимиз, қумлар гуруҳининг буюмлар билан ўхшашига интилишимиз, картина тасвири йўлига туришимиз мумкин. Шундай қилиб, биз қонуний бутунликни яратувчи боғланишлар билан тасодифий бирлик элементларини бирлаштириш мақсадини кўзлаймиз. Композиция, тузилиш, конструкция тушунчаларини фарқлаш учун умумий йўл бутунни қисмларга ажратиш қонуни, бутунликнинг қисмлардан синтезлаш қонуни, қисмлар ва боғланишлар характери. Бу уч тушунчадан энг умумийси – тузилиш тушунчаси. «Тузилиш» сўзининг турлича қўлланиши бутун ва қисмлар нисбати алоҳида кўринишини ажратишга имкон беради. Тузилиш бутун сифатида ўзаро қонуний боғланган қисмлардан иборат бўлиб, уларни тасодифий бўлақлардан фарқли бутуннинг компонентлари ёки элементлари деб атаймиз. Тузилиш элементлар орасидаги боғланишлар ягона характери, шакл ҳосил бўлиш ягона қонуни билан аниқланади. Боғланишлар характери олдиндан кўрсатилмайди, чунки у тузилиш тўрини аниқлайди (функционал тузилиш, композицион тузилиш ва ҳоказо).

Тузилиш якунланган бутунликдан иборат бўлиши шарт эмас. Дарахт тузилишини сақлаб қолган ҳолда ўсади, шохланади. Тузилиши

Ўшандайлигича қолиб, тасвирлаш давом этилиши мумкин. Тузилиш элементлари, умуман айтганда, ўзгариши мумкин. Улар ўртасидаги боғланишлар умумий характериғина умумий «шакл ҳосил бўлиш тамойили» муҳим. Конструкция қисмлари алоҳида функцияларни бажаради; машиналар тугунлари ва механизмлари, тирик организм аъзолари ва органлари, турмуш буюмларининг фойдаланиш учун зарур қисмлари шундайдир. Бутуннинг машина билан ташқи ўхшашлиғи, албатта, конструкцияни ташкил этмайди ва ҳатто антиконструктив бўлиши мумкин.

Конструкция ёпиқ бутунлик бўлиши шарт эмас. У ёпиқ ҳам (тугалланган) ва очик ҳам бўлиши мумкин. Янги тугунлар, боғланишлар қўшиб конструкцияга қўшимча функциялар маълум қилиш мумкин. Конструкция қисмлари унинг функционал бирлиғини бузмасдан тўлдирилиши ва алмаштирилиши мумкин. Конструктив боғланишлар ҳамма ерда, исталган тузилишларда бор, чунки тузилишлар мўайян функцияларни бажаради. Шундай қилиб, конструкцияни бутун ва унинг компонентлари орасидаги боғланишлар алоҳида характериға эға бўлган тузилиш сифатида қараш

керак.



9-расм. Композиция компонентлари орасидаги боғланишга мисол.

Конструкция элементлари бутун билан ва ўзаро функционал боғланган. Бутун ва унинг компонентлари ўртасидаги боғланишнинг алоҳида характери композицияни ҳам, хусусан санъат асари композициясини, тузилиш тури каби аниқлайди.

Тузилиш, умуман айтганда, ёпиқ бутун бўлмай, унинг яхлитлиги — шакл ҳосил қилиш ягона тизимида бўлса, композиция — доимо ёпиқ тузилиш. Композиция қисмлари ўзаро боғланган, бироқ улар бутун билан боғлангани туфайли ҳам ўзаро боғланиши шарт. Композицион бутунликни юзага келтирувчи боғланишлар — бу, биринчидан, конструктив боғланишлар. Картинада бу — ранг ва чизиқлар аналогияси ва контрастлари, асосий доғ, буюмнинг ажратилиши, асосий буюмлар ҳолатидаги қаторлар ва

контрастлар, фазовий тузилиш ва ҳоказо. Санъат асари композицияси, шу жумладан расм композицияси, иккинчидан – маъно яхлитлиги. Конструктив марказ кўпинча маъно тугуни бўлади. Расмда конструктив боғланишлар вазифалари – маъно жихатдан боғланишларни яратиш ва мустаҳкамлаш зарур.

Конструктив боғланишлар ушбу санъат тури исталган воситалари билан яратилиши мумкин. Уларнинг вазифаси – кўришни осонлаштириш ва қабул қилиш учун ажратиш, баъзан эса маънавий, ички боғланишларни айтиб туриш. Санъат асари композицияси ҳамма вақт тушуниш учун конструкция, маъно учун конструкциядир. Ички маъно жихатидан боғланишлар – санъат асари учун специфик боғланишлар тури. Улар конструктив боғланишларга асосланади ва уларсиз ифодалана олмайди. Бироқ уларнинг асосий моҳияти - композицион бутунлик (мустаҳкамлиги)дир. Табиийки, композиция назариясида конструктив ва маъновий боғланишлар бирга қараб чиқилади. Биринчилари анча умумий характерга эга бўлиб, бизнинг санъатни умумий қабул қилишимиз табиатидан келиб чиқади, иккинчилари – конкрет бўлиб, ушбу алоҳида санъат асарида бўлади. Бири иккинчиси учун мавжуд бўлади. Тузилишда боғланишлар тури шакл ҳосил бўлиш қонуни сақлаб қолинсин деб элементлар умуман алмаштирилиши мумкин бўлса, композицияда ҳатто алоҳида компонентлар бутунга зарарсиз алмаштирила олмайди. Шундай қилиб, санъат асари композицияси маъно бирлиги билан боғланган қайд этилган элементли ёпиқ тузилишдир. Кўриб турибмизки, бу ерда «композиция» тушунчаси яхлитлик муаммоси доирасидан яқин тушунчалар қаторига қўйилган.

Текисликда сюжет тузилишини биз картина композицияси деб атаيمиз, бироқ картина композицияси мақсади ва шакл ҳосил қилувчи тамойили ўзича тузилиш эмас, маънодир. Конструкция маънони ўзатиш вазифасини бажаради. Шундай қилиб, картина композицияси текисликнинг чегараланган бўлагида сюжетнинг тасвирий баён этишда пайдо бўлувчи маъно бирлиги билан яратилади. Санъатшунослик адабиётида одатда шакл ва мазмун

бирлиги, улар диалектикаси тўғрисида фикр юритишади. Мазмуннинг алоҳида компонентлари бошқа компонентлар шакли бўлиб хизмат қилиши мумкин. Масалан, ранг доғларининг тақсимланиши «геометрик» шаклларига нисбатан текисликда ранг мазмун сифатида чиқади. Бироқ унинг ўзи ҳам буюм - тасвирий мазмунини, фазони ва ҳоказо ўзатиш учун ташқи шаклдир.

Буюм мазмуни ўз навбатида ғоявий мазмун шакли, мавҳум тушунчалар (аллегория) учун шакл бўлиши мумкин. Композициянинг тасвир таркиби ва қисмлар жойлашуви ва унинг маъносига тегишли бўлмаган тасвирлаш воситалари тизими сифатида таҳлилини етарли эмас деб ҳисоблаш керак.

Композиция қонунларининг усулий тушунилиши ташқи бирлик қонунлари, шу жумладан конструктив шакл қонунлари ҳам, унинг шакл ҳосил қилувчи кодига сингмайди. Композицияни фақат буюм – тасвирий мазмуни жиҳатидан таҳлилини ҳам етарли эмас деб ҳисоблаш керак. Ушбу сюжет учун буюмларни танлашдаёқ маъно ипи бўлса ҳам. Масалан, Рембрандт картинасидаги дайди ўғил яланг оёқлари ёнида ётган пойабзал ёғими образли маъно касб этади. Образли маъно биринчи планда оёқлар ҳолати билан ҳам рангли паста оғирлиги билан ҳам бойитилади. Оёқлар ва пойабзал «диққатни қаратади» нима учун? Буюм – тасвирий мазмун, албатта, картинанинг муҳим компоненти тасвирий санъат сифатида. Бироқ картина мазмуни эмоционал мазмунни ҳам шубҳасиз ўз ичига олади. Баъзан мазмун тимсолий бўлади. Баъзан картина бошқача ифодаланади. Бир буюмли мазмун ортида матн остида бошқа нарсаяширинади. Бироқ мазмун қанчалик мураккаб бўлмасин, у албатта ягона маъно билан боғланган, бу боғланиш эса ўз ифодасини композицияда топади (маъно учун конструкцияда). Афсуски, санъатшунослик адабиётида кўпинча «композиция» сўзлари билан номланган ва мазмун билан боғлиқ бўлмаган формал таҳлил билан, ё буюм-тасвирий мазмун билан келиштирилган таҳлил билан чегараланган. Композицион воситалар характери мазмун характерига боғлиқ. Тасвирий, ғоявий, эмоционал, тимсолийликнинг мураккаб бирлигида мазмуннинг алоҳида компонентлари асосий, бошқалари – иккинчи даражали бўлиши,

умуман айтганда, умуман бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, лирик пейзажда (10 – расм) тимсолий матнни излаш кулгили.



10 – расм. Н.Г. Карахан. Тоғларда баҳор.

Пейзажда бошқача ишора бўлса, композиция тури ҳам, композицион боғланиш ҳам ўзгача бўлади. Шу билан бирга кўриш, завқ олиш диапазонида лирик оҳанг, эмоционал тон ўз кучини йўқотади.

Мазмун одамларнинг тўқнашуви мураккаб картинаси бўлса, ичкарига ёйилган сахна табиийдир, ва умуман шартли бўшлиқ алоҳида оқланишини талаб этарди. Ёруғлик-соя бўлмаса ёки шартли бўлса, текисликка интилиш мазмунда эса – рамзийликка интилиш бўлиши. Рассом ёруғликни восита сифатида қайд этса, ёруғлик муҳитининг амалга ошуви, чуқур фазонинг ёруғлик билан ўзаро таъсири шубҳасиздир. Композиция типологияси мазмун типологияси асосида тузилиши керак.

Композицион воситалар чегараланганлигининг жуда яққол

мисолларини баъзан маълум мазмунга интилувчи нофигуратив рассомчилик намоён этади (экспрессив абстракционизм). Ўзбек сўзанасидаги қизил фонда бир маромда жойлаштирилган қуёшнинг шартли тасвирларидан иборат. Яширин тимсолни билмаганда ҳам сўзананинг эмоционал таъсири маълум. Сўзана – қувонч, ёруғликни ифодалайди.



11- расм. Ўзбек сўзанаси

Бироқ, унга композицион марказ, ушбу формат ҳам, ушбу ҳолат ҳам керак эмас. Фақат ранг ва безак ўйнайди. Нофигуратив рассомчилик асарида ҳам композицион тугун йўқ, чунки маъно тугуни йўқ. Энг яхши ҳолда маъно муаллиф номлашидан ўқиб олинади. Яхши компановкаланган расмда композицион ва маъновий марказ муаллиф номлашидан мустақил осон топилади. У ҳамма боғланишларни сақлайди. Нофигуратив рассомчилик геометрик варианты образларида композиция қонунларининг тузилиши тажрибалари (Малевич, Мондриан) композиционликни тўғриликка, доимийликка, барқарорликка олиб келади. Картина композицияси эса кўпинча қутилмаган, элементар шакллар мувозанатини изламайди, мазмун янгилигига қараб янги қоидалар ўрнатади. Нотасвирий доғларнинг доимий

такрорланиб жойлашуви фақатгина панжарани, «обойларни»гина ташкил этади. Бунда элементлар ўртасида боғланишлар исталганча тўғри бўлиши мумкин, улар ёйилган композицияни пайдо қилмайди, чунки мазмундан фақат из, маъно нури, эмоциялар қолади. Бу шакл мазмуннинг шаклга «ўтиши» каби ўзининг «мазмун шакли бўлиш» моҳиятини рад этиб соф шакл бўладиган ҳол. Бу шундай қолки, конструктив боғланишлар маъносиз, конструкция маъно ифодалаш учун керак бўлмайди. Абстракт рассомчиликда тўлиқ боғлиқсизликни улуғлаш ҳам энди мавжуд, у текисликларни доғлар, тасвирлар қисмлари, чизиклар билан ихтиёрий тўлдиришга хос – устма-уст, ёнма-ён, боғланиши тўғрисида қайғурмай, расм доғлари ва чизикларининг боғланмасоик ҳоли руҳий касалларнинг баъзи расмларига ўхшаб кетади. Бунда буюмли мазмун парчалари бўлиши мумкин, лекин маъно йўқ. Бу алаҳлаш. Бирок, алаҳлаш яширин ўйланган бўлиши мумкин.

Уч ҳажмли фазони тузилиши, истиқбол ва пластика, буюмлар ва фигуралар жойлашуви, шиорлар ва ҳаракат – буларнинг ҳаммаси асар мазмунига қараб композицион аҳамиятга эга бўлади. Аниқ асарда мўайян омиллар устунлик қилади. Исталган алоҳида композицион омилга хос ва улардан исталганнинг туб мантиғини ифодаловчи икки асосий композицион тамойил бор: аналогия ва контраст. Санъат образларида аналогия ва контраст ҳаёт ватафаккур диалектикасининг ифодаланиши. Контраст образли зидликни ифодалайди, бироқ у бу орқали мустаҳкам образли боғлиқликни ҳам ўрнатади. Бундай текислик омили, вертикал каби, горизонтал ўқ ёки горизонтал ром четларини кўзда тутиши шарт. Горизонтал борлигида вертикалнинг ички зарурати ҳам ўрин олган. Вертикал бўлиш учун чизик горизонтални кўзда тутати. Расм текислигида яққол ажралиб турувчи фигура янгиликни атрофидаги фон ҳодисасини юзага келтиради. Фон фигура ажралиб туриши учун зарур. Фигуранинг йирик масштаби расмда контраст масштаб билан таққосланишни кўзда тутати, у ўзида масштаб таққосланиш талабини жо этади.

Чуқурлик ва текислик контрасти, очиқ ва тўқ ранглар контрасти, хроматик

ва ахроматик, узилиш ва узлуксизлик, келаётган ва чекинаётган тўда, статика ва динамика контрасти, якунланган ва тугалланмаган вақт контрасти: ҳамма нарсда контраст. Ушбу таъкидлашда катта ҳақиқат бор – контраст композициянинг асосий қонуни. Аналогия – универсал боғланишнинг бошқа шакли бўлиб, у текислик омиллардан бошлаб (ягона мавзунинг чизиқли ва рангли вариациялари) сюжетлигача композициянинг исталган омилларига тарқалади. Эль Грекода шакл – вертикализм, бу аналогия вазифаларини бирлашувининг намоён бўлишидир. Джоттода алоҳида тарзда умумлаштирилган пластика – бу улар ўртасидаги аналогиядир. Ҳаракат ва ҳолатлар аналогияси – баъзан вариатив, баъзан оддий такрорланишга ўтувчи – фигураларда, дарахт ва қоялар шакли, архитектурада – унинг ўзида. Рубенсда – қуюндек чизиқлар ва думалоқ шакллар аналогияси. Ишора қилувчи шакллар кўпинча аналогияларда ўз аксини топади.

Аналогия ва контраст бир-бирини қўллайди. Такмиллашган аналогиялар контрастларни кучайтиради. Контрастлар ривожланган тизимида эса аналогия кучли контраст бўлади. Юза сатҳидаги чуқурлик тасвири энди тасвирдаги энг «сирли» унсур бўлмиш юзада акс этган чуқурликнинг тасвирини ўрганайлик. Бир варақ қоғоздан иборат текис сатҳда чуқурлик тасвирини ҳосил қилишга қандай эришилади? Бунинг учун агар чуқурликни тасвирий тасаввур деб атасак, янада аниқроқ бўлади. Чунки чуқурлик ҳақиқий ботиқлик, пастлик бўлмай, балки бу чуқурлик ҳақидаги тасвирий тушунчадир. Аммо шунга қарамай, тасвирда ўз аксини топган чуқурликни аниқ ҳис этамиз. Биз юза ва юзанинг сатҳи ҳамда тасвирнинг яссилиги ҳақида фикр юритган эдик. Маълумки, юзада тасвирланган ҳар қандай шакл ўша юзада тебранишлар ҳосил қилади. Тасвирни бир-бири билан тўсиш, бир шаклни иккинчиси билан кесиш каби тасаввурни ўзлаштириш йўллари ҳақида биламиз. Бу тасаввур чуқурлик яшашга ҳам тааллуқлидир. Чуқурликни ифода этишда, турли хил режалар асосида масофа ҳисобланади. Нигоҳ ҳаракати мато юзасидан чуқурлик томон йўналиши мумкин бўлгани учун, рассомга бу ҳол йўналиш ҳисобланади. Бу жараёни

шартли равишда ўз аниқ ифодаси ва хусусиятларига эга бўлган учта режага бўлиш мумкин. Бу — биринчи, ўрта ва орқа режалардир.


Идрок этиш талабларига кўра, бу уч режани тасвирий юза тузилишида катта аҳамиятга эга бўлган баъзи бир хусусиятлар ташкил қилади. Ифода этилаётган жисмни макондан айириб томошабин ва рассомсиз ҳоли тарзда фараз қилайлик. У гўё бизга завқ берадиган, атрофимизни ўраб турган турфа дунёнинг бир бўлагидек туюлади. Шу китобда қуйидаги ҳол содир бўлади: биринчи режада — кўп ўринларни кўз кўрмай ўтказиб юборади, учинчи режада — буюм узоқлашганлиги сабабли барча икир-чикирлар аниқ кўринмайди. Аммо, иккинчи режада эса - буюмлар керакли даражада бўрттирилгани учун аниқ кўринади. Шундай вазият юзага келадики, унда бизга кўриниб турган буюмларни тасаввур этишимиз учун биринчи ва учинчи режалар аниқлигидан воз кечишимиз керак ёки агар ҳамма нарса бир хил аниқликда кўриниши учун орқа режани ўртагача, биринчи режадан эса иккинчи режа даражасига суриб қўйишимиз керак. Шунда барча режалар ўрта режа ҳолатида туриб қолади. Уларни бир хил сифатдаги аниқликда тасвир этиш мумкин бўлади.

Тасвирий ифода қўш ўлчов шартига эга бўлади ва чуқурликнинг барча чизма сифатларини сақлаб қолади. У тасвирий юзада «ушланиб» қолади. Биринчи режа биз томон чексиз равишда ўзи чиқиб келавермайди, чуқурлик эса мавҳумлашади ва ниҳоят ҳосил бўла олмайди. Рангли композицияда бу жараён шундай кечадики, чуқурлик томон ҳаракатланаётган ранглар олдинги пландаги қиёфа, шакллар катталигининг ортиб боришига, зид ҳолда биринчи планни эгаллашига, учинчи пландаги режалар биз томон ҳаракатда бўлишига олиб келади. Аммо ранглар масаласида кенгроқ сўз юритишга тўғри келади. Маълумки, чуқурликни ифодалашда перспектива қонидасидан фойдаланилади, дедик. Бунинг учун аввало, тузилиши ҳар хил бўлган тартибларни ва уларнинг тасвирий ифода имкониятларини аниқлаб олмоқ зарур.

Чизиқли перспективада чуқурлик томон йўналиш биринчи пландан

бошлаб, аниқроғи, «ромда» ёки юза четидан бошлаб ҳисобланади. Бунда параллел чизиклар уфқда (горизонтда) тўқнашади. Бу маконни хаёлий тасаввур этмоқ зарур, чунки кузатиш нуқтаси (узоқлашиш нуқтаси тасвир чегарасидан ташқарида) бўлиб, бу ҳолда буюмлар изчилликда жойлашади. Перспектива таркибининг яна бир неча хил тартиблари мавжуд. Биз, юқорида қисқача қилиб оддий чизмадаёқ кўзга ташланадиган қарама-қарши усулларни айтиб ўтдик, ҳолос. Тасвирий жараёнда рассом ўзини ўрта планда ҳис этади. Бунда, орқа ва олдинги планлар деформацияланади, яъни ўзгаради. Лекин умумий тасвирий юзанинг ифодасида сифатми, ўзгариш аниқ кўриниш ҳосил қилади, чунки юзадаги барча планлардаги ифода ўрта, энг фаол пландаги ифодага тенглашади. Ўрта план олдинги ва орқа планлар орасида қисилиб қолгандек туюлсада, тўғри қисқаришида ҳам, акс перспективада ҳам ҳеч нарса йўқотилмайди.

Уйғониш даврида ишлаб чиқилган, ва айниқса, театр безак рассомчилигида муваффақиятли қўлланиб келинган чизикли перспектива объектив тасвирий ифода яратишга имкон бермайди. Бу ҳолда объект чексиз равишда узоқлашаётгандек хаёлий кўриниш касб этаётгандек туюлади. Тасвирий санъатнинг баъзи турлари (кубизм)да ҳам шунга ўхшаш ўзгаришлар юз берган эди. Византия ва рус иконаси ҳамда шарқ миллий мўъжаз суратларида акс перспектива тушунчаси пайдо бўлиб, тасвирларнинг шу тарзда акс этиши ва шаклланишига имкон туғилган. Бу ҳолда рассом нарсаларга қандай йўналишлар нуқтаи назаридан қараётганлиги муҳим



12 – расм. Композицияда перспектива.

Рассом алоҳида талаб асосида ишлаган кўринишда тасвирлаган нарсалар оддий табиий кўринишдан тубдан фарқ қилади. Гап шундаки, у ҳамма нарсага икки хил назар билан қарайди. Яъни, диққатини бир объектга тўғридан туриб қаратиши мумкин, унинг атрофидаги нарсаларни эса гўё ён томондан туриб кўраётгандек бўлади. Ҳамма нарсага эътиборсиз, бирон объектни алоҳида, ажратмаган ҳолда умумий, ялпи қараши ҳам мумкин. Биринчи ҳолатда, объектнинг бирон-бир нуқтасига тикилганида, қолган нарсаларнинг барчаси шу вақтда гўё ўзгариб кетгандек бўлади, яъни у рассомнинг диққатига бўйсунди. Энди диққат-эътиборга бўйсунмиш ҳолати юзага келади. Эътибордаги буюм (назорат қилинаётган объект) аҳамият ва ўлчов жиҳатидан ўзгаради. Бу ерда диққатни якка ўзи тортган манзара кучоғидаги одам тасвирини мисол қилиб олишимиз мумкин. Бефарқ назар билан қаралганда атрофдаги барча нарсалар бир хил маънога эга бўлиб қолади ва майда-чуйда буюмлар фарқ қилинмаган ҳолда, умумий идрок

килинади. Буни, узоқдан кузатиш дейилади. Унда ҳар қандай детал яхлитликка шу қадар бўйсунадик, улар алоҳида объект сифатида яшашдан тўхташга мажбур. Сабаби, яхлитлик — объектга айланади.

Рассомнинг иккала усулда кўра билиши эса ифода хусусиятлари услубларини белгилаб беради. Алоҳида бир объектга эътибор билан қаралганда атрофдаги барча нарсалар гўё муҳит тасаввурини туғдирадиган унсурлар бўлиб қолади ва узоқдан туриб кузатганда жўзъий қисмлар (аксессуарлар) даражасига тушиб кетади. Бу икки йўлнинг аралашуви ижодий усулнинг тўлақонли ва изчил эмаслиги ҳақидаги ҳақиқатни юзага чиқаради.

Макон, одатда доиравий идрок этилади. Нигоҳ бир нуқтага тикилган вақтда куз нури кузни шу нуқта билан боғлайдиган радиусни ташкил қилгандек бўлади. Нигоҳ назорат майдонидаги бошқа нуқталар томон аста-секин юргизилганда, гўё ярим доира марказига тушиб қолгандек туюлади. Барча тик ва ётиқ чизиклар ярим доира ичида букиладилар. Шу туфайли кўришнинг доиравийлигига бўйсунган ҳолда тик ва ётиқ йўналишлар тасвири букилган чизиклар кўринишида бўлади. Фақат архитектура лойиҳаларидаги барча тик ва ётиқ юзалар сингари шартли перспектива «рейшин» бўйича тасвири ва учбурчакни ҳосил қилади.

Тирик мавжудотларни кўриб идрок этиш тўғри чизиклар қоидаларига бўйсунмайди. Улар умуман космик бўшлиқдаги тасаввурда мавжуд бўлмайди. Суратда барча тўғри чизиклар тасвири доиравий ҳис этишга бўйсундирилади. Сурат чизмадан шу билан фарқланади. Бирон бир «тўғри» чизик манзара ёки натюрмортда чизғич ёрдамида чизилса, у яна эгри тасаввур бериши мумкин. Агар нигоҳ иллюзияси сифатидаги ҳар қандай чизик ўзгариши (деформациясини) инобатга олинандиган бўлса, бу таассуротлар остида тасвир қандай мураккаб шароитда яратилиши аниқ, бироқ барча таассуротлар ва шакллар ҳолати ҳисоботи тасвирий ифоданинг мураккаб пластинкасини яратади.



13 – Расм. Композицияда доиравий идрок

2.3. ТАСВИРНИ КЎРА БИЛИШ.

Кўриниб турган ёки тасаввур этилаётган объектни бевосита тасвирий юзага кўчириш — унинг ифодали талқинига кафил бўлмайди. Ифода даражаси — объектнинг бадиий қийматига оптимал яқинлашуви, бу бадиийлик матога қай даражада аниқ кўчганлиги билан белгиланади. Лекин шу аниқ мезон мавжуд бўлса ҳам объект янги муҳитга кўчаётиб, қандайдир хусусиятларини йўқотади. Жисм ясси юзага маълум ўлчовларга бўйсунган ҳолда тўшар экан, кўплаб ўзгаришларга учрайди. Жисмнинг асл кўриниши ва мато сатҳидаги ифодасида мавжуд қарама-қарши ва номутаносиб ҳолларни ҳал этиш композиция вазифасига киради. Бундай ижодий жараён мақсади яхлит ифодани излаш, яъни бадиий шакл экспрессиясидир.

Тасвирий воситалар эмоционал пластик шаклга қатъий мослаштирилади. Бу зарурият эса ифода яхлитлигини талаб этади. Лекин бу яхлитлик — жисмлар кўриниши, шакли устидан тўла ҳукмронлик қилиш, уларни хоҳлаганча чизиб, томошабинга ўзга тушунчада тикиштириш деган сўз эмас, аксинча, унинг баъзи хусусиятлари кўзга кўринарлироқ бўлса ўша

хусусият ифодаси кучлироқ таъсирчан чиқади.


Композиция жараёнини қуйидагича тасаввур қилиш мумкин:

1. Бир мунча тугал бўлақларга бўлиниш ва шу ондаёқ йиғилиш.
2. Йиғилишнинг тарқалишига қарши туриш.
3. Инкор этиш.
4. Абстрактланиш — аниқликка олиб келиш.
5. Шаклсизлик.
6. Турғунсизлик ҳолатидан мувозанат излаш. Муросасизлик — муроса мавқеини тиклаш.

Композиция бу — диалектик жиҳатдан мураккаб жараён бўлиб, унда фақат энг кичик ва оддий заррачалар эмас, балки бутун бир галактик образлар системаси кураши давом этади. Бу қарама-қаршиликлар кураши мазмуни спорт мусобақаси каби қизғин курашларда эмас, аксинча ўзаро келишувчанликка эришишда, маълум ифода учун жипсроқ бирлашувдадир. Чунки турли унсурлар келишувчанлиги асарга ўзгача маъно бериб, бошқача ҳаёт бағишлайди. Шунинг учун бу муҳим унсурларни топиш, танлашга талабчан бўлиш лозим. Ана шундай топқирлик асарнинг табиийлигини, пурмаънолилигини, жозибалилигини, умрбоқийлигини таъминлайди.

Рассомнинг тахмини (фантазияси), дунёқараши, воқеликка муносабати пировард натижада, унсурларни сифат ва сон жиҳатдан танлашида кўринади. Шу ўринда «Тасвирни тушуниш учун ҳам тавсия керакми, ёки тасвир қандай йўсинда кўрилади?» деган ҳақли савол туғилади. Суратга нигоҳ ташлаганда, диққат-эътиборни алоҳида буюмларга қаратиш ва атрофдаги бошқа нарсаларни унга нисбатан кўриб чиқиш мумкин. Бу ҳолда атрофдаги муҳит гўё мусаввир таъбири билан айтганда, «ёнлама нигоҳ»дек идрок қилинади ва асосий буюмлар ифодасига бўйсинган ҳолда деформацияда бўлади. Шунингдек, умумий нигоҳ билан, «узоқдан» қарашда, ҳар бир буюмни алоҳида ажратмай, расмни ялпи ҳолда кўрилади. Сўнгги ҳолатда барча деталлар шу яхлитликка бўйсунди. Бу қонунга бўйсунган буюмлар ўз мустақил ифодасини йўқотади, демак, деформацияга учрайди, яъни ўзларини

яхлитлик учун қурбон қилиб ифода моҳиятларини ўзгартирадilar. Идрок этишнинг бу икки усули композиция хусусиятини белгилаб беради, дейилса хато бўлмайди. Биринчи ҳолатда ифода шиддати аниқ сезилади, иккинчи Ҳолатда эса ҳамма нарса бир текис, бир хилдек туюлади. Суратни кўрган киши у ёки бу буюм алоҳида мавжуд бўлиши мумкинлигини ҳатто тасаввур эта олмайди. Лекин баъзи рассомлар унсурларни алоҳида тасвирлашга қизиқиб кетиб, уларга беихтиёр алоҳида урғу бериб қўядилар, натижада бундай унсурлар яхлитликдан «тушиб қолади».



14 – расм. Композицияда яхлитлилик

Бундай ҳолатда композициявийликнинг энг муҳим шарти, мезони бўлмиш яхлитлик бузилади. Композиция маҳорати аслида яхлитлик йўлида хусусий-ликни қурбон беришдир. Лекин «қурбон бериш» «унчалик муҳим бўлмаган» унсурни эътибордан соқит қилиш деган сўз эмас. Чунки иккинчи «тоифали» унсурларсиз асосий шакл ўз ифодасини етарли даражада топа олиши мумкин эмас. Ҳар бир ҳолатда меъёрни билиш зарур. Майда унсурлар катта миқёсни келтириб чиқаради, шунингдек, «катта» шакл, вақт жиҳатдан идрок этиладиган тасвирда иккинчи даражага тушиб қолса ҳам самара яхши

бўлмайди. Бу ҳолда асар ўз таъсирчанлигини, ғоявий салмоғини йўқотиб кўяди.

2.4. ОБЪЕКТ ВА ТАСВИР.

Санъат асарининг яратилиш дақиқалари, яъни «инкубация» даври — ижодий жараённинг амалий даври ҳисобланади. Асарнинг туғилиш даври, ибтидосини эса дунёнинг бирламчи тафаккур ҳис этиш давларидан излаш лозим. Шу ўринда рассом қалбидаги гўзалликка интилиш, иштиёқ ғоят қучли экани ҳақида ўйлаб қоласан, киши. Нима учун рассом айнан бир қатор воқеалар ичидан биттасини танлайди. Ҳавас, истак, изланиш бадиий тафаккур учун замин ҳозирлайди. Лекин қуруқ хаёл ёки эҳтирос бадиий юксаклик ҳисобланмайди.

Бирор шакл матога кўчирилса ва ҳатто рассом томонидан ғоят безалиб, тирик табиатдагидек жонлантирилса ҳам у фақат воқеликни натуралистик ёки романтиқ жиҳатдан акс эттириши мумкин, ҳолос. Бу асар истеъдод ёки ғайрат ҳисобига бажарилиши сабабли санъатга даҳлдор ҳисобланади. Ҳар қандай санъат асари эса турли материаллар, ранг-бўёқлардан фойдаланиб яратилган бир мўъжизадир. Агар ўша воқелик тасвирий моделни, бадиий ифодани ўзида мужассам этмаса, тасвирий санъат ундан манфаатдор бўлолмайди. Шунинг учун ҳам кўрган нарсадан, воқеадан ҳайратланган, мафтун бўлган, ҳаяжонланган рассом агар ҳиссиётларини гавдалантириши лозим бўлган материал воситасида бадиий жиҳатини тополмаса, изланишда, хаёл суришда давом этаверади. Шундан сўнг ижоднинг энг оғир босқичи — яъни бадиий тасаввурнинг бадиий тасвир сифатида кундалик ҳаёт билан ҳамнафас бўлиб яшаши учун восита ролини ўтовчи турли-туман унсурларини қидириб топиш бошланади.

Натижада бўлажак асар тагига етиб бўлмайдиган сирли оламга айланади. Санъатнинг барча қонуниятларини ўрганиш ва ҳаттоки ўзлаштириб олсада, ҳар қандай инсон ҳам етук рассом бўлавермайди.

Шунинг учун кўлидан расм чизиш келмайдиган, фалсафий мушоҳада қила олмайдиган киши ўз кучини кўр-кўрона истиқболсиз машғулотга сарф этмагани маъқул. Санъат асари унинг ғояларини ҳис этишдан бошланиб, ўша ҳиссиёт жараёнининг ифодаси билан тугайди. Бу ижодий'цикл ўрталарида изланиш, тасвир воситаларини танлаш каби жараёнлар содир бўлади. Бўларнинг ҳаммаси ифоданинг бадиий шакли юзага келиши билан ниҳоясига ётади. Ана шу оралиқда ижодий услуб ўзини намоён этади. Агар рассом ўзининг дастлабки ҳис-туйғуларидан узоқлашиб ёки ортиқча тафсилотларга берилиб кетса, аввалги содда тасаввурдан воз кечса, у мантикий ривожланиш туфайли ижодий ўсиш жараёнига тушиб қолади. Бу ҳолатда ижодкор, баъзан бошлангич импульсга мос тушмайдиган ижодий услубга — юзаки стилизация йўлига тушиб қолиши мумкин. Натижада қуйма тарзда туғилган дастлабки ҳис-туйғу бадиий шаклда ўз ифодасини тополмайди. Баъзи ҳолатларда мусаввир ягона тўғри йўлни излаб топиш учун етарли даражада изланмай, тиришқоқлик кўрсатмай, қийинчиликлардан ўзини олиб қочиши ҳам мумкин. Очиги, бу ҳолда рассом ўз виждони билан яккама-якка олишади ва табиийки, образ ифодасидаги самимиятни ҳеч ким назорат қила олмайди.

Ҳар қандай назария бирор фойдали тажрибанинг акс садоси бўлиб, у бирор қондани асос қилиб олиб иш бошлашга ёки хатони тушунишга ёрдам беради. Тасвирий санъатда концепциянинг ёрқинлиги, мантиқи, ифода воситалари чинакам уйғунлашиб бир образга бирлашгандагина бадиий натижа бериши мумкин. Одатда жўшқин маъноли фикр барча бошқа умумий фикрларни ўзига мужассам қила олувчи ички ўзак бўла олади. Ҳиссий - пластик дебоча ва унинг ифода воситалари рассомнинг асосий мақсади нима эканлигидан дастлабки маълумотни беради. Чунки у мақсадни шивирлаб гапирса-да, агар у ўринли бўлса, дарҳол эшитилади. Баъзан бундай дебоча билан қаттиқ «қичқирилсада», уни ҳеч ким эшитмаслиги мумкин. Тасвирий воситалар тайёр ҳолда бўлмайди, улар фақат шаклий ифода зарурати туфайли пайдо бўлади, улар материал хусусиятига боғлиқ бўлиб, инсон кузларининг психофизик кўриш қонунларига ва рангларни, чизикларни, ҳажмни,

бўшлиқни идрок этишларига асосланади. Бунда иш рассомнинг маданияти ва маҳорати билан ўлчанади. Рассом ким ўзи? Кашфиётчими ёки ихтирочими? Дейлик, кашфиётчи илгаритдан мавжуд нарсани излаб топади ва маълум қилади. Ихтирочи эса тамоман янги нарсани яратади.



15 – расм. Композицияда ихтирочилик.

Рассом одатда аввал мавжуд бўлмаган нарсаларни яратмоқчи бўлади. Аммо санъат буюми бўлишни кутиб турган нарсани кашф этади. Рассом ўзининг жўшқин туйғуларига, ҳиссиётларига таянмаган ҳолда тасвирий санъат соҳасида бирор янгилик яратиши мумкинми? Кристаллар фақат ички

таркиб мантикига шаффоф кўриниш қонуниятларига бўйсунгани каби мусаввир ҳам кўли остида турган воситалар ҳамда ўз туйғулари доирасида ижод қиладими ёки қандайдир ташқи муҳитдан озиқа олишга муҳтожми? Аслида мавжуд бўлган, аммо одамларга маълум бўлмаган нарсаларни кашф этиш, бу — фахрли иш, аммо табиатда мавжудларидан фарқли ўлароқ янги шакл яратиш, бу — инсон ҳаёлида сунъий дунё яратиш демакдир. Бу фикрнинг назарий жиҳатига асло алоқаси йўқ бўлган ижодий ҳулосадир. Кашфиётчи табиатнинг ҳали ечилмаган сирларини очиш мақсадида уни ўрганади. У бу билан ўз усулини мукаммаллаштириб борар экан, ижодий жараёнда кўрган-кечирганларига тақлид қилиб, ўзлаштириш асносида маҳоратини намоён этади. Ихтирочи эса аксинча, табиатда кашф этилганларидан сифат ўзгаришлари ясайди ва янги бадий шакл яратади. Аммо формулалар тили билан гаплашадиган математик рамзийликни тафаккур чегарасидан ташқарига олиб чиқиб кетолмагани каби дунёнинг сунъий шакллари «кашф этиш» ҳам нисбийлик қонунига асосланган бўлиб, маълум эстетик доирада амалга оширилади. Кашфиётчи табиатнинг битмас-туганмас жумбоққа тўла сирли китоби қоидаларига суянган ҳолда кутилмаган услуб йўллари танилашга, дунёга ҳар қандай бир бурчакдан туриб, ўз нуқтаи назаридан куз ташлашга ҳақлидир. Аммо у оддий кузатувчи бўлиб қолавермайди. Табиат унсурлари ичида кўпроқ нимани қадрлаш унинг ўзига боглиқ нарсадир.

Ихтирочи табиатнинг кўпдан-кўп қонунларини тушунган, эътироф этган ҳолда ўз билими асосида, гўзаллиги беқиёс табиатдаги турли шакллар ва комбинацияларни ўз ҳолича топиб одамларга тақдим этади. У ҳаётни узлуксиз ўзгариш жараёни деб тушунади. Албатта, ўзи ихтиро этаётган нарсаларни табиатдан тайёр ҳолда олмайди. Бу жараён мураккаб изланишлар самарасидир. Ихтирочи табиат билан ўзаро янги муносабатларни яратади. Бунда у статистик ҳулосаларга эмас, балки ўз сезгилари, олдиндан кўра билиш қобилияти, ҳамда воқеаларнинг мантикий ривож қонуниятига суянади. У, кўпинча, кўринишнинг ўзгарувчан тасвирига яширинган, дунё

тилсимларини кашф этишга тушунишга ҳаракат қилади. Келажакка амалий ва бадиий жиҳатдан мурожаат этишга интилади.

Ихтирочи — ижодкор, рассом учун дунёни тушуниш ва уни бадиий жиҳатдан ифода қилиш соф мутаносиблик қонунига асосланган жараён эмас. Чунки кўриниб идрокланадиган ва ҳис этиладиган дунёга нисбатан бўладиган муносабатлар ихтиёрийдир. Нисбат қонунни барча имкониятларни қайта кўриб чиқишга ва янгича муносабатларни белгилашга мажбур қилиб, айни замонда хусусийликни, бутунликни ҳис этишни ҳам тақозо этади. Дунёга бўлган муносабатда рассомнинг нуқтаи назари муҳим аҳамиятга эга. Ана шу нуқтаи назарда баъзан дунё фавқулодда, турфа кўринишларга эга бўлади. Пировард натижада ундаги нарсалар қанчалик ўзгарса мусаввир ҳам янги-янги рақуслар кашф этаверади. У иллюзионист каби маълум чегара доирасида ҳаракат қилмайди, балки ижодий фаолият орқали бадиий воситаларни ишга солиб, дунёни янгича, ўзга ҳолатларда кўрсатади. Бу билан рассом дунёни абстракт ёки аниқ ўрганишга кўмаклашади. Дунё ҳақидаги тушунчани қандай ҳолат кўпроқ бойитади: бир нуқтада туриб кузатишми ёки турли нуқталардан туриб кузатишми? — деган савол туғилади. Табиийки, инсон ерда яшайди, қуёш ва сайёралар унинг атрофида ҳаракатда бўлади. Эндиликда бу тушунчага ўзгариш киритиш мумкин, яъни инсоннинг ўзи коинотдаги ҳаракатнинг бир қисми ва иштирокчиси бўлади. Шундай экан, дунёга нисбатан фикр ҳам ўзгариши керак! Ҳозирги замон санъатимизда бу масала жуда орқада қолаётганини пайқамай иложимиз йўқ.

2.5. ТАСВИРИЙ ИФОДА ВА УНИНГ ЮЗАДАГИ ТАЛҚИНИ.

Тасвир ўз моҳияти жиҳатидан бошқа одамлар идрок қила олиши мумкин бўлган ғоялар, ҳис-туйғулар, тушунчалар, образларни кўргазмали ифодалаш омилидир. Яъни тасвир одамлар орасида бадиий ва маънавий мулоқот воситаси вазифасини бажаради. Масалан, бирон сўзни англатадиган тасвир қадимий суратхат замондошлар ва келажак авлодга ҳис-туйғу ёки ғоявий ахборот ўзатишнинг энг қулай воситаси бўлган. Бундай ёзувларни қулайлаштириш мақсадида тасвирда ифодаланаётган буюмларга хос

белгилар ўта даражада умумлаштирилган.

Суратдаги шаклни ифодалашни умумлаштириш жараёнининг тўхтовсиз давом этиши иероглифлар, миххат, ва ниҳоят ҳарфи ихтиро қилишга олиб келди. Ҳарф бу жараённинг пировард натижаси бўлиб қолди ва у шартли белгига айланди. (Мисрнинг суратли ҳарфларини эсланг). Иероглиф суратли ёзув билан узоқ бўлсада алоқага эга, ҳарф эса бундай тасвирий имкониятдан тамоман узоқдадир. Бу ерда абстрактлашган тасвирнинг чегараси яққол кўриниб туради. Уни умумлаштириш даражаси шаклга хос - белгилар сақланиб қолгунча ривожланиб боради.

Абстракт санъат айнан шу чегарада: ҳақиқатни ҳис этиш ва мавҳумлик орасида туради. Шу чегарани босиб ўтиш билан шартлилик интиҳосига етиб боради. У билан одам орасидаги мулоқот мураккаблашади. Чунки шартлилик доимо ахборотни ўқиб олишни талаб қилади. Шундай бўлгач, шартли белгиларга ҳамма тушунавермайди, аммо маълум шарт-шароитларда мўайян шартлилик оммалашади, умумжамият мулкига айланади яъни кенг миқёсда тарқалади. Шунда ҳам бевосита мулоқот ўз ўрнини бевосита ҳолатга бўшатиб беради ва уни идрок этиш маълум даражада тайёргарликни талаб қилади.

Табиий тасвирнинг белгили ёзувга қадар бўлган эволюциясини тасаввур этиш инсониятнинг тасвирий санъатга муносабатини қандай бўлганлигини бирмунча ойдинлаштиради. Тасвир мулоқот воситасидан белгили ёзувга айланганидан кейин кўргазмали тасвир алоҳида йўлдан — юзага чизиладиган асарлар орқали ривожланди.


Қадим замонлардан буён тасвирий санъатда икки йўналиш: натураграфия ва идеография мавжуд бўлган. Уларнинг қайси бири устун эканлиги ҳақидаги баҳсларга берилмасдан шуни таъкидлаш керакки, бу иккала йўналиш ҳам инсоннинг маънавий табиатига мос тўшади. Агар натурографияда, кўпроқ, табиат ва ташқи қиёфани кўрсатишга ҳаракат қилинса, идеографияда эса унинг моҳияти ифода этилади. Баъзан тасвирдаги бу икки йўналиш бирлашиб кетади. Бошқача айтганда, бу тасвирий

санъатдаги натуралистик, рамзий (символик) равишда фикрлаш ва ҳис этиш демакдир. М. Бернштейннинг фикрича рамзий фикрлаш доимо диний ёки фалсафий ифода учун кўл келади. Бу ҳолат турли шаклларни тасвирлашда изох берувчи восита сифатида ҳам зарур. Бу ғоя йўлида натурачилик мактабининг ташқи кўринишга хос баъзи майда-чуйда унсурларидан кузюмилиб, ғояга урғу берувчи шакллар муболаға билан тасвирланади.

Юксак бадиийликка эришишга қаратилган ҳар қандай ҳаракат асарнинг ҳар бир унсурига кўпроқ юк тушади, шу сабабли тасвирий воситалар ғоят эҳтиётлик билан ифода этилиши зарур. Тасвирий воситалар пластик ғоя томон ўзгариб боради. Ҳар қандай ишора, ҳатто кичик унсур ҳам рассом кўлининг изидир. Суратда рассом қалбини ларзага келтирган фикрлар тўлиқ бўлишига эришмоқ зарур.

Саҳнадаги актёр образни рисоладагидек ҳаракатлар қилиш, юз имо-ишоралари ва овозини ўрнига қўйиш орқали томошабинга етказиши керак. Бу ерда икки зарурат бўлиши мумкин. Агар «кўл» олдинга кетиб қолса, унда хунармандлик асари бўлиб қолади. Агар «кўл» орқада қолиб кетса — унда аниқ-равон нутқ ўрнига тушуниб бўлмайдиган ғўлдираш эшитилади, ички ҳолатни ифода этишда ожизлик сезилади. Рассомнинг тасвирида эса ҳаракат рассом ҳис-туйғулари билан уйғунлашиб кетиши лозим. Шундагина ижодкор сеҳрли кўлининг изи ижодий ҳамжихатликка эришади.

ҳар қандай эзгу фикрни ифодалайди.



16 – расм. Композицияда ранг – баранглилик

Ҳар қандай чизги, из эса маълум бир ифодага эга бўлади. Рассом ишга тушгач, қил қаламни шундай дадил юргизиши керакки, у юрак тубидаги теран фикрларни юзага чиқарсин. Шундагина ташқи дунё ранглар тилида, тасвир юзасида, чизгида (суратда) қанчалик ўз ифодасини топаётгани равшан бўлади. Бунда сурат, чизиклар, рангли доғлар, уларнинг ифодаланиши акс эттирилаётган нарсa қиёфасида мавжуд ранг оҳанглари боғланишининг идеографик ёзуви сифатида намоён бўлади. Бу ҳол рассом композиция яратишида ифодали қурилиш ашёси бўлиб хизмат қилади. Ҳар бир тасвир усулига ҳис-туйғуга бой ранг-баранглик деб қарамоқ керак. Ранглар товланиши композициянинг муҳим унсури бўлиб, бу —сўзсиз рақсдир. У тасвир юзасида ҳар қандай эзгу фикрни ифодалайди.

2.6. ТАСВИР ЮЗАСИ

Тасвир ҳар қандай юзага туширилади. Юзалар ясси, ботик, бўртган бўлиши мумкин. Шунини таъкидлаш лозимки, тасвир усуллари ўзгариб туради. Ясси юза рассомни фронтал ёки тик ҳолатда «тасаввур этишга» мажбур

килади. Ботик, юза уни муҳит марказига интилишга мажбур этгандек бўлади, бўртган юза эса рассомларни марказни айланиб ўтишга мажбур этади.

Санъатда ясси юзага расм ишлаш кенг тарқалган. Ҳар қандай ясси юза табиийки бўйига, энига ва маълум шаклга эга. Рассом ўзига маъқул бўлган шаклни танлайди ёки (одатда бу монументал тасвирий санъатда бўлиб туради) юзанинг формати қандай кўринишда бўлиши меъморий иншоот талабларидан келиб чиқиб белгиланади. Бу ҳолда шакл мусаввир олдида ўз шартларини қўяди. Бу ҳақда машҳур рассом Матисс шундай деган эди: «Агар мен бир варақ қоғоз олиб шу қоғоз форматига боғлиқ бўлган суратни чизсам, нисбатлари бошқа бўлган, масалан, тўртбурчак ўрнига квадрат бўлса, мен бу суратни қоғозда қайта чиза олмайман. Лекин мен, ўхшаш шаклдаги қоғозга ўн баробар катта қилиб кўчириш тўғри келганда ҳам оддий катталаштириш йўли билан чекланмаган бўлур эдим» [7].

Рассом композицияни каттароқ матога кўчираётганда, расмдаги ифодани сақлаб қолиш учун матони катакларга бўлиб ўтирмасдан, суратни хаёлида янгидан жонлантириши, унинг ташқи кўринишини ижодий тарзда ўзгартириши керак. Хўш, қандайдир тасвир туширилгандан сўнг юзанинг номинал катталиги масаласи нима бўлади? Аввало, тасвир, унинг ўлчовлари юза ўлчовлари билан масштаб жиҳатидан мослашади. Йирик тасвирда юза катта кўринади. Шунингдек, номинал юзанинг кўзга ташланадиган шакли ҳам ўзгариши тасвирнинг катта-кичиклиги ва жойлашишига қараб баландроқ ёки кенгроқ кўриниши мумкин. Яъни, тасвирнинг формат юзасига бўлган қиёсий ифодаси кучга киради. Шундай қилиб рассом юзага илк бор қўл уриши билан хоҳласа-хоҳламаса нисбий муносибликка эришиш учун курашга киришади. Юксак бадиийлик даражасига етказилган ҳар бир асарда юзанинг қаршилиги ҳолати сезилиб туради. Бу ерда рассом материалга нисбатан ҳам реал муносабатда бўлади.

Юза шакли ва тасвир нисбатига хос икки мисолни кўриб чиқайлик. Биринчидан, рассом шаклнинг яққол кўриниб турган тасвир ўқини қайтаради, иккинчидан, шаклга зидма-зид ҳолатда композициянинг асосий

доминантларини жойлаштиради. Фараз қилайлик, у уфқ бўйича чўзинчок тўртбурчак шаклда, нисбати 1:5 га тенг бўлсин. Бунда қилинадиган биринчи иш — унинг ўзунлигини аниқлаб олиш мақсадида юзасини бўлақларга бўлиб чиқишдан иборат. Аммо у тик бўлақларга бўлиб ташланса, кўринишидан ўзун «туюлаётган» юза ўзунлиги янада ўзунлашгандек бўлади. Бунга сабаб, куз шаклни ўзунлигича эмас, балки бўлақлар орқали идрок этишидадир. Чунки уни ўз ҳолича идрок этишга кўп вақт керак бўлади. Агар тўртбурчакни бўлақлаш орқали эришилган тасвирий натижа рассомнинг композиция талабларига тўғри келса, у ҳолда шундай ечимда тўхташ мумкин. Лекин умумий шаклнинг тўртбурчаклиги эътибордан четда қолмайди. Ана шунда янги компонентда, тўртбурчак чўзилади, унинг узунлиги бўйлаб чексиз ҳаракат чекланади. Шундай қилиб, иккита қарама-қарши тасаввур: бўлақлаш ва бирлаштириш пайдо бўлади. Шунини назарда тутиш керакки, тасвирдаги бундай икки қарама-қарши тасаввур қилиш кураши санъатга хос бир ҳолдир.

Санъат асарларидаги бундай кураш бирлашишни тарқалиш устидан, тўпланишни ёйилиш устидан, батартибликни вайроналик устидан ғалабасини намоён этади. Яъни, мувозанат ҳосил бўлмагунча бу жараён ўзлуксиз давом этаверади. Элементлар мувозанати, тортиш ва кескин фарқнинг маълум бир вақтда мутаносиб ҳолатни юзага келтиргани — уйғунлик, оҳангдорлик (гармония) деб аталади. Демак, юзанинг гармоник ҳолатида уни қисмларга бўладиган ва ягона ифодага бирлаштирадиган кучлар мувозанати, ўзаро уйғунлиги ҳосил бўлади, ҳатто бирор тасвир бўлмаган бир варақ қоғозда ҳам шундай потенциал ҳолдаги барча имкониятлар бўлиши мумкин. Квадрат ўз-ўзича бирор ҳаракатни ифодаламайди, аммо унинг ичида тортишиш кучлари мавжуддир.

Биз юқори, паст, ўнг ва чап қисмларни, бурчакларни турлича идрок этамиз. Унинг юқориси гўё енгилроқ, пасти эса оғирроқ «туюлади». Чапдан ўнгга қараб оғирлик залвори тобора ошиб боради. Бурчаклар диагоналлари ҳам хаёлий йўналишлар ушлаб туради. Биз тасвирни чизаётганимизда ҳолат мутлақо ўзгаради. Масалан, биз квадратнинг пастида бир доғ ҳосил қилдик

дейлик. Шу билан ҳаракат йўналишини пастга томон ишора этамиз ва асоснинг вазминлигини янада кучайтирамиз.

Агар биз шу йўсинда доғни юқорига йўналтирсак, паст енгиллашади. Агар урғу чапдан ўнгга ва аксинча бўлганида ҳам, худди шу ҳолат юз беради. Шундай қилиб, нейтрал ҳолатдаги юза тасвир тушгандан кейин мўайян томонга йўналади. Юза бўйлаб тасвир юритилар экан, турли даражадаги қаршилиқ ҳис этилади. Қўшалок композицияда эса юзанинг четлари ва ўртасига муносабати ҳисобга олинади. Тасвири шундай жойлаштирамизки, унинг маъноси ва аҳамияти кўриниш қоидаларига мос тушиши керак. Кейин тасвирий унсурлар бойитилиб бориб, асосий урғуга бўйсундирилиши зарур. Шундай қилиб, ҳаракатнинг йўналишидан, тормозланишидан ва тўхтатишидан белгиланган координатлар бўйича фойдаланиш мумкин. Аммо қўшалок; ҳаракат дейилганда, қўшалок тасвир эмас, балки фақат икки координат бўйлаб қилинаётган ҳаракат назарда тутилади. Рассом В. А. Фаворский шундай деган эди: «Суратчиликда ишлатиладиган энг оддий воситалар пластик бўлганлиги учун ясси тасвири яратиб бўлмайди» [8]. Энди юза сатҳидаги тасвири ифодалашда энг муҳим бўлган бошланғич нуқта сифатидаги юзани сақлаб қолиш масаласига келдик. В. А. Фаворский бу борада шуни таъкидлайди: «Ясси тасвир этиш масаласи туфайли беихтиёр равишда тасвирининг бошқа усул — тасвир юзасини йўқотишга интилаётган, хом-хаёллиқни, томошабинни алдашгача олиб боришга интилаётган усул ҳақидаги масала ўртага қўйилади». Иллюзионистик деб аташ мумкин бўлган бундай тасвир, фақат тенденция сифатида бўлиши мумкин. Бу томошабиннинг алданишга хоҳиши кучлилигида ва мураккаб вазиятда бўлади. Бу одатда панорамада ёки диаграммада содир бўлади. Шундай қилиб, гўё икки қарама-қарши усул: ясси тасвир ва иллюзионистик, яъни юзани йўқотишга интиладиган усулларнинг борлигини тан олиш лозим. Лекин барча даврларнинг классик, ранг-баранг ва мураккаб санъати ҳеч вақт на ясси, на иллюзионистик тасвирдан фойдаланган эмас. Ҳеч қачон юзани йўқотишга интилган эмас. Балки тасвирий юзадан фойдаланган. Ичини ва

режаларини тузатиб ёки ҳажмини тузаётиб ундан асос сифатида фойдаланган, рельеф каби жуда мураккаб, масалан Тициан; Рембрандт ёки Дюрер каби ҳажмларни юзада кенг ифода этган грекларнинг ваза ва тасвирий санъатидан тортиб италияликларнинг ренессанси, барокко ва бошқа даврларга хос бўлган бутун классик санъат шундай йўл тутган» [8]. Юза турли тарзда ифодаланади. Аммо у тасвирий усул асоси сифатида алоҳида мазмунга эга бўлган. Ҳамма ерда тасвирий юза асос сифатида мавжуддир. У маконда режаларни ва асосий мазмунни ифода этишга имкон яратади. Иллюзионистик тасвир юзани бутунлай йўқ қилишга қодир эмас. У фақат қўш маъноли ва номатериал ифодаларни акс эттиради, тасвирни йўқ қилишга ҳаракат қилиши билан ҳам аслига ўхшатиб юборади. Чунки иллюзионистик усул ҳаётий шакл тарзини буюмларнинг кўриниши шаклига алмаштиради. Ҳаёлан қайта тасвир этишга интилиш конформистик тенденцияга хос бўлиб, у шаклдан баҳра олаётган муҳитни; тўсиб қўяди ва натижада яккаланиб қолган буюмнинг фақат амалий аҳамияти бўртиб қўзга ташланади.

Тасвирий санъат соҳасидан кейинги йилларда чиқариб ташланган иллюзионистик усулни тилга олмаслик ҳам мумкин. Аммо бунинг иложи йўқ, чунки юзада бирор мазмунни тасвир этиш рассомлар ва томошабинлар орасидаги мулоқотни шу қадар узоқлаштирадики, беихтиёр иш мунозарали тус олади. Энди мунозарани четга қўйиб масаланинг моҳияти ҳақида фикр юритайлик.

В. А. Фаворский бу борада саволни шундай қўяди: «Иллюзионистик (хаёлий) тасвир бўлиши мумкин эмас, деб таъкидласа бўлади, лекин унга қарама-қарши бўлган ясси тасвир бўлиши мумкинми? Бўлиши мумкин эмас экан, яссилик ва текислик орасида фарқ бор. Ясси тасвирнинг бўлиши мумкин эмас, чунки ҳар қандай тасвир юза билан чуқур мулоқотда бўлади». Ёки яна В. А. Фаворскийнинг тили билан айтганда: «... унинг устида ётган нарсалар ҳал қилувчи аҳамиятга эга» [8]. Айниқса, бу ҳол соя тарзидаги тасвирда аниқ кўринади, яссилик тасвир четларига қараб аниқланади ва шунда у гоҳ юзада ётади, гоҳ тасвир ортидаги сатҳ (фон) томон ҳаракатда

бўлади. Соя тарзидаги тасвир шакли ижобий (айлана) ва салбий (учбурчак) бўлиши мумкин. Тасвирни ҳосил қилувчи марказ ичида жойлашган шаклга ижобий шакл, марказдан ташқарида ётса салбий шакл дейилади.

Мураккаб, турли хил геометрик шаклли қиёфалар заминида ҳосил бўлган тасвирда (масалан, одам сояси) четлар гоҳ фон устига ётади, гоҳ фон уни сиқиб боради ва шундай қилиб, юзанинг тебранма ҳаракати ҳосил бўлади. Бу тасвирий ҳаракатдир.

Тасвирда чуқурликни ҳис этиш ҳолатини тасаввур этиш, бир чизик иккинчи чизикни тўсиб қўйиши ҳолатини мисол тариқасида олишимиз мумкин. Тўсиб қўйилаётган чизик тўсаётган чизик, орқасида, яъни чуқурликда қолган ҳисобланади. Сатҳ юзасида тасвирий воситаларнинг кўринишини тасаввур қилиш учун унинг оддий унсурлари бўлган чизик, нуқта, юза, доғ ва ҳ.к. ларнинг хусусиятларини ҳам билиб олиш зарур.

3. КИЙИМ КОМПОЗИЦИЯСИ АСОСЛАРИ

Костюмни ташкил этувчи буюмларни лойиҳалаш бир неча босқичдан иборат:

- буюм ассортиментини аниқлаш;
- буюмга қўйиладиган функционал, эстетик, техник ва ҳоказо талаблардан келиб чиққан ҳолда, уларни таҳлил этиш;
- буюм ушбу ассортиментининг ривожланиш перспективасини аниқлаш;
- шакл композицияси, материаллар тавсифи, колорит ва техник ечим, яъни ривожланиш перспективасини ҳисобга олган ҳолда, ушбу ассортимент буюмларини ишлаб чиқиш.

Буюмнинг эстетик концепциясини ишлаб чиқиш унинг композицион тузилмасини излашдан бошланади.

Композиция (лотинча «composition» сўзидан олинган бўлиб, бирикма, тузилма маъносини билдиради) – бадиий асар қисмларининг аҳамиятли

нисбатидир. Бу тушунча амалиётда бир қанча маънони англатади. Композиция – мусиқа, амалий санъат, мўйкалам асари ёки либос ҳам ҳисобланади.

Либос композицияси — кийимнинг тузилиши ҳамда бичимни ҳосил қилувчи деталларнинг бирлашмаси бўлиб, унинг мазмунини ифодалайди. Композициядан мақсад—функционал, техник ва технологик жиҳатдан такомиллаштирилган замонавий форма ҳосил қилиш билан бирга, чиройли, уйғун, ҳамма қисмлари ўзаро мутаносиб, мажозий, атроф-муҳитга услубий жиҳатдан боғлиқ бичим ҳосил қилишдир [4].

Мўайян либос композицияси ҳақида сўз кетганда, инсоннинг костюмдаги бадий – образлилик ифодасини таъминловчи баъзи ҳажм, детал ва элементларнинг ўзига хос тузилиши тушунилади.

Ижтимоий – иқтисодий шароит ва ҳукукий – эстетик нормалар ўзгариши туфайли инсон образи ҳам ўзгариб келади.

Рассом бу ўзгаришлар тенденцияларини сезгирлик билан иллаган ҳолда, ўз санъатининг воситалари орқали «янги» инсонни ифодалайди. Шу сабабли либос – ўз замонасининг эстетик ва ижтимоий жиҳатларининг ифодасидир.

Рассом иш фаолияти анча мураккаб. Ҳиссий – сезги даражасида пайдо бўлган ғоя ва образ эскиз кўринишда қоғоз ёки макет кўринишда юзага келар экан, етарли маҳоратни талаб этади. Эскизларнинг мантиқий таҳлили, улардан энг сарасини танлашни ва сўнгра унга композиция қонунлари асосида ишлов беришга имкон яратади. Бу иш жараёнида композициянинг куйидаги воситаларидан фойдаланишга тўғри келади: шаклга ишлов бериш; мўайян пластик хусусиятли ва фактурали материалларни танлаш; шаклни колористик ташкил этиш; шаклнинг асосий қисмига урғу бериш.

Шундай қилиб, мақсадли йўналтирилган ижодий фаолият жараёнида яратилган шакл композицияси – ушбу фаолият маҳсули бўлиб ҳисобланади ва маълум хусусиятларга эга бўлади.

3.1. КОМПОЗИЦИЯНИНГ МОҲИЯТИ

Композицияни алоҳида жараён, тасвирлаш асосий услубидан фарқланувчи алоҳида усул деб қаровчи фикр мавжуд. Тўғри, аниқ, объектив, академик расм бўлар экан. У композицион эмас, фақатгина натура аниқ акс этади. Композиция эса бу расмнинг анча-мунча эркин беазаги бўлади.

Композиция тўғрисида бундай тасаввурга эга бўлган мактаб асосан фақат «тўғри» расмга ўргатган, композицияни эса рассомнинг ихтиёрига қўйган ва композицияни ҳақиқатдан алоҳида бадиий узоқлашиши, натуранинг қандайдир бўзиб кўрсатилиши, ҳатто бадиий фирибгарлик, айёрлик деб ҳисоблаган. Бундай қараш расмни борлиқнинг аниқ ифодаси, деб композицияни эса бу объектив тасвири бадиий қизиқарлича айлантирувчи найранг каби алоҳида жараён деб кўрсатади. Бу қараш албатта нотўғри, ва бу ерда баён этилган кўринишда уни бирон киши қабул этмайди. Бироқ, уни бундай қўпол ва очиқ кўринишда қабул қилмаган ҳолда, кўпчилик академик тўғри расм тўғрисида фикр юритилади ва мантиқан тўғри бўлиб, нарсаларни бадиий қизиқарли қилишнинг маълум рецепти сифатида композицион муаммонинг мавжудлиги билан боғлиқ алоҳида томонларини қабул қилишлари керак эди. Композициянинг моҳиятини кўриб чиқамиз. Биз борлиқда қабул қиладиган барча нарса фазо ва вақтда қабул қилинади, ва ҳеч бир нарсани биз фақат вақтда ёки фақат фазодагина алоҳида қабул қилмаймиз. Борлиқни биз уч ўлчовда эмас, тўрт ўлчовда қабул қиламиз (тўртинчи ўлчов – вақт), шу сабабли расм реал борлиқни акс эттириши керак бўлса, унинг олдида вақтни акс эттириш вазифаси туради.

Биз қабул қиладиган барча нарса ҳаракатланади ва яшайди. Айтайлик, биз нисбатан ҳаракатни тўхтатишимиз мумкин, масалан моделни мўайян ҳолатга ўтқазиш, бироқ ўзимиз вақтда қабул қилиб ҳаракатланамиз. Айтайлик, биз қимирламай ўтириб, кўриш нуқтасини танлашимиз мумкин, бироқ бу кўриш нуқтасининг икки кўзи бор (биз бинокулярмиз ва, бундан чиқадики, вақтда сиқилган ҳаракат, бир вақтда берилган вақтдек).

Вақтдан ташқари қабул қилишга шартли бўлса ҳам яқинлашиши учун биз бир кўз билан қарашимиз ва ундан натура лойиҳалаштириш учун

объектив каби фойдаланишимиз керак. Бундай тасвир, албатта, фақат шартли равишда вақтдан ташқари бўлади, чунки битта кўз ҳам ҳаракатланади, ҳам қабул қилиш учун вақтдан фойдаланади. Бироқ ҳар ҳолда маълум шарт билан бу тажрибани таҳлил мақсадида қабул қилишимиз мумкин, лекин бундай тасвирни реал борлиқни акс эттирувчи деб ҳисоблай олмаймиз, чунки у, яъни борлиқ, ҳам вақтий, ҳам фазовийдир, бунда эса биз фақат фазовий тасвирга эга бўламиз. Мисол бўлиб, чопаётган от ва юраётган одам ҳаракатининг лаҳзалик сурати хизмат қила олади. Бу деярли ҳамма вақт ноқулай ҳолат бўлиб, ҳаракатни акс эттирмайди ва рассом бир тасвирда бир неча лаҳзани бирлаштирибгина ҳаракатни тасвирлай олишини билади (ўзида олдинги ҳаракат қолдиқлари ва кейингисининг бошланишини мужассам этувчи тасодифий ҳолатларгина истисно бўлади). Бироқ, юқорида айтилганидек, биз ўзимиз ҳам, рассом ҳам вақтда бўламиз, натуранинг қабул қилиниши ҳам тасвирланиши ҳам вақтда рўй беради ва уни услубий ҳисобга олиши керак. Шундай қилиб, бадий бўлишга интилувчи тасвир вақтни ташкил этиш, тасвирлаш вазифасига эга. Бу биз тарихий воқеани тасвирлашимизда ҳам, ҳаракатланаётган буюмларни тасвирлашимизда ҳам, нисбатан ҳаракатсиз буюмни қараб чиқишимиз, ушлаб кўришимиз ва ўрганишимизда ҳам ўрин тутди. Чунки маълумки, бирон - бир нарсага икки кўзимиз ёрдамида қараганда, кўзларимизни конвергациялайдиган текисликда анча-мунча секин кўра оламиз.

Барча яқин ва барча узоқ нарсалар иккига бўлиб кўринади ва шунга кўра, ўз ўрнини ўнгдан чапга ва аксинча алмаштирадиган бўлиб кўринади. Шундай қилиб, бу ерда ҳам биз ҳаракат ва вақт билан дуч келамиз, уни биз ёки бартараф этишимиз, бу фақат шартли равишда бўлиши мумкин, ёки реал борлиқни тасвирламоқчи бўлсак, биз бу соф кўринувчи ҳаракатни ҳисобга олишимиз керак бўлади. Бироқ, кўриш ҳам ҳис этиш ва ҳаракатни қабул қилишдан девор билан ажратилмаганку, ахир. Шунинг учун кўриш ҳаракати орқасидан кўп ёки оз миқдорда тўлиқ қабул қилувчи киши барча ҳисларини жалб этади.

Тасвир ҳар қандай расм, вақтни ташкил этади ва тасвирлайди, бунда, албатта, тасвир бутунлиги тўғрисида савол туриши керак, чунки турли вақтни бериб уни биз бутун, бир вақтли беришимиз керак, динамикасини кўрсатиб, биз тасвирда динамика - статикани беришимиз керак, соф фазовий, шартли расм эса тасвир бутунлигини ўйламаслиги керак, чунки у механик тарзда бир вақтlilikка олиб келади ва том статикага интилади. Бу фикрлар тўғри бўлса, «тўғри» академик расм бадий тасвир соҳасида мавжуд бўлмай, кўз ёрдамида проекция шартли услуби бўлади, борлиқни бадий тасвирлашга интилувчи ҳар бир расм эса фазо ва вақтда яшовчи борлиқни тасвирлаш мақсадини қўяди, демакки, композицион вазифага эга бўлади.

Композиция таърифларидан бири: санъатда композиционlilikка интилиш турли фазовий ва турли вақтни яхлит кўриш, қабул қилиш ва тасвирлашга интилишдир. Композиция тушунчасини бундай таърифлашда у тасвирлашга ёрдамчи, безак эмас, тасвирлашнинг асосий томони бўлиб турли асарга турлича сингишини кўрамиз, чунки яхлитлик катта ёки кичик, турли характерда бўлиши мумкин. Унинг тириклиги ва ҳаққонийлиги фазовий координаталарга тегишли аниқлик билангина аниқланиб қолмайди, чунки вақт координатасини ҳам эътиборга олинади. Демак, бунда яхлит ечим тўғрисида, буюмнинг фазо, ҳаракат ва вақт билан тўқнашуви синтези тўғрисида савол пайдо бўлади.



17– расм. Тасвирдаги бутунлик.

Тасвир яхлитлигига интилиб, биз ё кўриш, ё ҳаракат яхлитлигига интилишимиз мумкин (бу, албатта, мавзу, материал, қабул қилиш шароитлари билан шартланади) ёки турли вақт лаҳзаларини ритмик қаторга ўрнатишимиз, аниқ вақтдан фойдаланиб, уни ташкил этиб борлиқни тасвирлашимиз билан қониқишимиз мумкин. Мисол: ҳажм устида тасвир, китоб иллюстрацион қатори, кино ва ҳоказо. Ёки вақт ва фазода жойлашган борлиққа кўриш образи яхлитлиги, кўриш бутунлигини беришга интилиш мумкин.

Яхлитликнинг ҳаракатланувчи шаклини биз конструктив шакл деб, кўриш шаклини эса – композицион шакл деб аташимиз мумкин. Тасвирий материални асарда ҳаракатланувчи яхлитликка келтириш конструкция бўлади. Кўриш образини яхлитликка келтириш композиция бўлади.

Конструктив тасвирнинг охирги шакли кино ёки фотомонтаж бўлиб, унда аппаратнинг ритмик ҳаракати фигура ясаши, фазони чизиши мумкин. Бунда биз ҳаракат билан бирлаштирилган, вақтда қабул қилинувчи алоҳида лаҳзаларга эга бўламиз. Бундай тасвирда вақт – ҳаракатнинг ритмлаштириш асосий бўлади.

Композицион ечимнинг охирги шакли станокли расм бўлиб, унда охир муаммоси марказ муаммоси билан қопланади, у ерда биз вақтни тугун қилиб боғлагандек бўламиз ва у ўтмиш ва ҳозир каби баҳоланади, орқамизда турган ва атрофимиздаги ўтмиш, ва ҳаммасини бирлаштирувчи борлиқ – композиция маркази. Вақт шакли яхлитлиги ҳақида гапирсак, вақт ёки ҳаракат уч турда бўлиши мумкин.

Биринчи тури бу биз ўзимиз ҳаракатда бўлганда бошини ҳам, охирини ҳам билмаймиз, фақат бир текис ва узлуксиз ҳаракатни ҳис қиламиз. Вақт ёки ҳаракатнинг иккинчи тури бу биз, масалан, тоғ устида туриб, унинг чўққисини кўрамиз, кўтарилиш боши ҳақида биламиз ва тушиши охирини шу каби фараз қиламиз. Биринчи вақт шакли материал ва масса шакли бўлса, иккинчи шакл конструктив шакл бўлиб, асосан деярли ҳар қандай адабий асарга хос. Биз бу ерда ҳаракатни бошланиш, ўрта ва охирига эгамиз, бунда охир муаммоси, хусусан, кўп фазовий асарлар учун рол ўйнайди, ва адабийлар учун у асосийдир, унинг ечимисиз бирон бир асар расмийлаштирилмайди ва бундан авантюрали ахлоқона асарлар кўп фойдаланади. Лекин яна учинчи шакл ҳам бўлиши мумкин.

Яхлит тузилган адабий асарларда вақт шакли шундай, ва бу вақт шакли композицион деб аталиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси адабиёт соҳасида тушунарли, лекин бу жиҳатларнинг ҳаммаси фазовий асарлар вақт шаклини ҳам тушунтириб беради.

Фазовий асарда вақтнинг турли ташкил этилишига эгамиз. Либосда рассом вақтни маълум жиҳатдан турлича қайд этади. Бироқ биз фақат юзадаги тасвирни қарайдиган бўлсак, вақтнинг турли тузилишининг бутун қаторини бу ерда ҳам аниқлаш мумкин. Масалан, мисрликларда инсоннинг

турли нуктаи назардан тасвирланган расмини кўрамиз, улар инсонни нуктаи назардан эмас, кўриш текислигида олишади ва шу сабабли ҳаракатни горизонтал бўйлаб қурадилар, уларга кўп ёки бир неча марказлар билан ҳамма ҳаракатларни бирлаштирувчи фриз кўринишини берадилар.

Қайд этиш қизиқки, биз вақтдан қанчалик бевосита фойдалансак, кино, фотомонтаждагидек, материализмни шунчалик соддароқ ташкил этамиз ва, бошқа томондан, биз тасвирлайдиган буюмлар кам ўзгаради. Ва аксинча, бизнинг ҳаракатсизлигимизда кўриш фаоллиги жуда ривожланади, энди ҳаракатли эмас. Кўз билан турли кўришларни бирлаштириш фазонинг жуда бой тасвирланишини беради ва бунда кўпинча буюм статикасини бузади ва унинг одатдаги контурлари зарар кўради. Бунга мисолни биз иконада, Греко, Сезаннда кўрамиз. Умуман айтганда, барча бу турдаги композициялар икки кўзли кўришимизга асосланади, бу бизга катта тажриба беради: ҳаракат билан тўла нуктаи назарлар, турли вақтли лаҳзаларни бир вақтлига бирлаштиради.

3. 2. РАСМ ВА КОМПОЗИЦИЯ

Ижодий жараённинг муҳим соҳаси – композиция ўзига диққат билан қараб чиқишни талаб этади. Бу сўз билан рассом маҳорати туб масалалари, унинг дунёқараш, меросга қизиқиши ёки бефарқлиги боғлиқ. Тасвирий санъат-нинг жуда кам ишлаб чиқилган назарияси турли хато изохларга олиб келади.

Композиция жуда ҳам индивидуал, рассом фаросатига боғлиқ нарсаяканлиги ва, айтайлик, рассомчиликдек ўқув фани бўла олмайди деган қараш ҳали ҳам мавжуд. Бироқ яқинроқ олиб қараганда, айнан рассомчиликда етарлича ўрнатилган қоидалар ва қонуниятларга асосланувчи композицияга қараганда аниқ қоидалар кам. Композиция илмий-услубий асосланмайди деб таъкидлаш жуда қизиқ, чунки одатда тасвирий санъатнинг ҳар қандай тури асарининг композицияси, шу жумладан рассомчилик асари ҳам, олдиндан ўйлаб кўрилади.

Расм ва рассомчиликни ўрганиш асослари композиция қонунлари

билан яқиндан бирлашади. Санъатнинг мустақил соҳаси сифатида расм ўзига хос композицион қоидаларга эга бўлиб, биз уларда батафсил тўхталамиз. Шу билан бирга расм рассомчилик, меъморчилик, бадиий безак санъати, либос композицияси ва ҳоказо асарларини яратишдаги барча босқичларда катнашади, баъзан уларда ҳал этувчи рол ўйнайди. Шунинг учун табиийки, биз бундай асарларнинг композицион хусусиятларини кўриб чиқишда композициянинг баъзи қоидалари умумийлиги ва тасвирий санъатнинг ҳамма турлари учун шарт эканлигини қайд этамиз.

Меъморчилик, ҳайкалтарошлик, рассомчилик, шунингдек, бадиий безак санъатида композиция остида асар яхлитлиги, унинг пластик бирлиги, шаклнинг ғоявий мазмун билан шартлангани тушунилади.

Композицияда ҳамма санъат турлари учун шарт бўлган қатор қоидалар ва фақат бир турга тааллуқли қоидаларни ҳам кўрамиз. Истиқбол қоидалари бўйича меъморий лойиҳа, картина, расм компоновкаланади. Ритм қоидалари барелеф учун ҳам, текис орнамент учун ҳам бир. Расмни мустақил санъат турига ажратиб кўрамизки, у умумий композицион қонуниятларга бўйсуниб, айна пайтда фақат унга хос белгиларга ҳам эга. Масалан, бу контурли ва штрихли расм. Рассомчилик бундай ифода воситаларидан сақланади. Орнамент чизик ёки ясси силуэт билан солиниши мумкин, буни барелеф тузилишда кўзда тутиб бўлмайди.

Композицион расм турли асарларда (фрескалар, барелеф, гобелен, меъморчилик лойиҳаси) эскиз ишланмалари маълум босқичларида иштирок этади. Одам гавдаси алоҳида қисмларининг уйғун боғланиши, меъморчиликда алоҳида қисмлар бирлиги, одамларнинг маъно жиҳатдан гуруҳланиши, ансамблда санъатлар боғлиқлиги – буларнинг ҳаммасига «композиция» тушунчасини қўллаб бўлади. Расмда сюжетни баъзан композиция билан бир деб хато қиладилар, албатта, адабий фикрларга олиб келади. Бир сюжетнинг ўзи думалоқ меъморчиликда ва рельефда композицион турлича ҳал этилиши мумкин.

Композиция тасвир асосида ётган ички, ғоявий сабаблардан келиб

чикиши керак. Рассом мақсади – жонли, тушунарли образларни ва санъат асари ғоявий мазмунини яққол очиб берувчи ифода воситаларини топишдан иборатдир. Расмда бундай воситалар контур - чизик, ёруғлик сояли берилиш, штрих, композицияга асосланиб қурилувчи қонун ва қоидалар бўлиб, уларни билиш рассомга расмда энг мураккаб композицияларни тўғри тасвирлашга имкон беради. Бундай қоидаларга биз пропорциялар тўғрисидаги таълимот, симметрия, ритм, статика ва динамика тушунчалари, истиқбол қонунларини киритамиз. Бу қоидаларни амалда ижодий қўлланишини айтиб туради. Тоза қоғозга биринчи чизгилар туширишимиздан олдин композицион фикрлаш бошланади.

Тасвирланувчи буюмлар жойлашувига қараб қоғоз формати танланади. Қоғоз марказий ўқи бўйича фигуранинг жойлашуви ва хошияларнинг бир хил ўлчами расмга уйғун мувозанат беради. Бироқ жуда кичик фигура катта қоғозда йитиб кетади, қоғознинг чеккасига сурилган, тасвирлаш майдонига зўрға киритилган ёки қисман текислик чегарасидан чиқувчи фигура эса композиция мувозанатини бузади. Ўқув расмида тасвирни жойлаштириш энг оддий қоидалари шундай. Бироқ тасвир кўламини кўрсатмоқчи бўлганимизда улкан зал фонида кичик фигурани чизиш фикран тўғри бўлади. Олдинги планда тасвирланувчи ўша фигуранинг ўзини архитектура фонини иккинчи планга суриб, қисман қоғоз четидан чиқариш мумкин, масалан плакатда. Қаттиқ ҳаракатдаги одамни қоғоз четига чизилса, ишора динамиклиги ажратиб кўрсатилади.



18 – расм. Композициядаги уйғунлилик.

Ишни чизмада расм компоновкаси ҳақидаги фикрларингизни текшириб кўринг. Дастлабки композицион қоидаларни оддий жонсиз буюмлар расмларида ўрганиш осонроқ. Кейин архитектура деталларидан бошлаб антик фигураларгача чизиб гипс қуймалардан чизиш курсини ўтиш керак. Уйғунликни табиий ҳисига кўра биз тасвирлаётган буюмни қоғоз формати йўл қўядиган ўлчамларда жойлаштирамиз: одамнинг сал кўтарилган бошини қоғоз ўртасидан юқорироқ белгилаймиз ва ҳоказо. Бу композицион синаб кўришлар бўлади. Аста-секин ўқув чизишлари вазифаларини мураккаблаштириб, биз юқори ва паст горизонт, содда ва мураккаб ҳаракат, шартли алоҳида фон ва чуқур бўшлиқ билан расмлар жойлашуви ўртасидаги фарқни сезамиз. Биз ракурсли тасвирлаш ва фронтал тасвирлашли композициялар ўртасидаги фарқни кўриб оламиз. Фазодаги шаклнинг мураккаб қисқартиришлари турли бурчак қияликдаги диагонал йўналишлар билан доимо боғлиқ.

3. 3. АМАЛИЙ САНЪАТДА КОМПОЗИЦИЯ ТУРЛАРИ

Тарихий манбалардан маълумки, ўзбек халқининг ҳаёт тарзи қадим-қадимдан амалий санъат билан боғлиқ. Халқ шуҳрати дунёга тарқалган сержило амалий санъатни асрлар мобайнида вужудга келтирди. Бу санъат ўзининг ранг-баранглиги ва гўзаллиги билан машҳурдир. Ўймакорлик, кулолчилик, мисгарлик, заргарлик ҳамда матога гул босиш ва гул тиқиш, зардўзлик ва йўрмадўзлик Ўзбекистонда қадимдан ривож топиб келаётган амалий санъат турларини ташкил этади. Шунингдек каштачилик санъати ҳам ижоднинг энг оммавий шаклларида бири бўлиб келган. У билан асосан хотин-қизлар шуғулланишган. Келинчаклар уйлари деворларини безайдиган кашта ёки бошқа бадиий безаклар, архитектурада қўлланиладиган маҳобатли безакли суратлар билан уйғунлашиб, ўзига хос яхлитлик ҳамда бир бутун тасвирий кўриниш касб этиб, ягона ансамблни ташкил этади. Ҳозирда каштачилик ҳам амалий санъатнинг бошқа турлари қатори давр анъаналарини ўзида акс эттирмоқда, яъни, фан-техника ютуқларидан баҳраманд бўлиб, ўзгача бир руҳда шаклланиб бормоқда. Бу борадаги ютуқлардан қувонсакда, аммо маълум вақт каштачилик ўз қимматини йўқотгандек туюлди. Лекин республикамиз мустақилликка эришгач, каштачилик санъатига бўлган талаб кучайди.



Каштачилик ҳақида гап кетганда, бу санъатдаги кенг тарқалган ва тараққий этган нақш турларини эсга олиш жоиздир.

Нақш ўз тузилиши жиҳатидан тасвир оҳанги (ритм) қоидаларига риоя қилади ва қатор-қатор бадиий унсурларнинг қайтарилиши туфайли вужудга келади.

Нақш ўз композиция туйилиши жиҳатидан тасвирий - ритмик йўналиш ташкил қилса, биз уни бошдан оёқ кузатиб, завқланиб томоша қиламиз. Нақш асосан безак ишлари учун фойдаланилади. Наққош бошқа унсурлар билан бир қаторда ўсимлик барглари шакли ёки гулларида ҳам, уларнинг рамзий чизма тасвиридан ҳам фойдаланиши мумкин. Замонавий наққошлик композициялари ҳам ўзига хос анъанавий тасвирлар негизда қайта ишланади. У асосан тасвир ва ранглар оҳанги бирлигида юзага чиқарилади.

Композициянинг мукамал бўлишида муҳим роль ўйновчи оҳанг (ритм) эса санъатнинг барча соҳаларида мавжуддир. Ҳар қандай ижод намунаси, санъат асари бизнинг сезгимизга таянган ҳолда гўзалликни, нафосатни ўзида акс эттириб, халқ мулкига айлангандагина ўз даври ҳақида ҳам гувоҳлик бера олади. Иккинчи томондан, халқ мулкига айланган ҳақиқий санъат асари, айнан шу давр талабига жавоб бериш билан чегараланмай, ўтмишнинг ҳосиласи сифатида, «ёдгорлик» санъат намунаси бўлиб ҳам хизмат қилиши керак.

Асар қиммати уни санъат даражасига етганлиги билан баҳоланади. Масалан сўзаналар композиция элементларини таққослаб кўрайлик. XIX асрдаги сўзана - нақш унсурлари композициясида безакли нақш ва ганч ўймақорлигига оид нақш унсурлари учрайди. Бу нақшлар тасвирий элементларининг композициясини чуқурроқ «мутолаа» қилсак; аслида бири-бирига ўхшаш безаклар эканлигининг гувоҳи бўламиз. Қуёш тимсолини акс эттирган фалак шамси — «Шамсаи зарқор» офтоб нурларини сочиб турган шаклни акс эттирувчи нақшдир. Наққошлик санъатида «Намоён» усули

мукаммаллашган етук нақш композициядир. У воқеликнинг умумлашган тасвирий образини ўзида акс эттиради. Наққошлик, ганчқорлик ва ёғоч ўймақорлигида у кўпинча нақш композициясининг ўрта қисмида иштирок этади. Китоба услубидан қабр тошларини, катта дарвозалар, бинолар деворида улкан иншоотлар пештоқларини безашда фойдаланилади.

Мукарнас услубидаги нақшлар меъморчиликда бўрттириб, қабарик шаклда қўлланган тасвирий композиция унсурларидандир. Мавж — мавжланувчи, яъни «денгизнинг мавж уриб туришини» эслатувчи тўлқинсимон нақш тури. Маррула — ўраган, жингалак, чатишган деган маъноларни англатган нақш турларидан бири. Гириҳ—(форсча сўз.) тугун, чигал маъносини англатиб, композиция шаклининг асосий турларидан биридир. Ундан меъморчилик ганчқорлик, наққошлик ва ёғоч ўймақорлигининг ҳамма соҳасида фойдаланилади. Нақшларнинг турли хиллари уларнинг тузилиши, шаклига монанд номланади. Ҳозирги замон наққошлари композицияларига кириб келган пахта ва ҳар хил фан-техникага оид рамзий белгилар шундан далолат берадики, ижодкор яшаётган замонасидаги ўзгаришларни - унинг ютуқларини четлаб ўтолмайди. Шу боисдан ҳам ҳозирги нақшларда замонавий унсурлар иштирок этувчи кўплаб композициялар учраб туради.

Наққошлар композиция яратишда ота-боболаримиз меросига мурожаат қилиб, ўзларининг янги, қўшимча нақш белгиларини киритишга, янгича шакллар қўшишга интиладилар. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, усталар ганч ёки мрамор ўймақорлигида сополга ўйилиши лозим бўлган нақш ва безакларни бўёқлар ёрдамида чизиладиган нақшлар композициясига моҳирлик билан киритиб бевосита қўллаганлар. Бундай синалган усулларни ёғоч ўймақор усталари ҳам ўз навбатида соҳага мослаб туриб такрорлаганлар. Нақшлар композицияси таркибий тузилиши ҳақида тасаввурга эга бўлиш, улардан айримларининг ифодавий белгиларини билиб олиш учун «Ислими» нақшининг турлари билан танишамиз.

1. «Шобарг ислими» катта барглар шаклини ифодалайди ва кўп қўлланади.

2. «Меҳроб ислими» ёйсимон айлана шаклидаги рамка бўлиб, нақш композицияси асосан шу рамка ичида тасвирланади.

3. «Ислими турунж» нақшининг кўриниши, лимон шаклида бўлади. У ҳеч қандай рақшга уланмай муаллақ турадиган композиция бўлиб, бошқа бўлақларни яхлит қилиб кўрсатади. Тасвирдаги бир хиллик композицияни шаклий ҳаракатига таъсир этади.

4. «Бодомча ислими» бу ҳам ўз номига мувофиқ бодомсимон кўринишга эга. У турфа шакллардан иборат бўлади.

5. «Модоҳил» беағи кўриниши хилма-хил бўлиб ғунча, лола, гул, уч барг ва бошқа шакллардан иборат. Нақшнинг бу тури меъморчиликда, ёғоч, ганч, тош, мис ўймақорлигида, каштадўзликда кенг тарқалган.

6. «Айланма ислими».

Бунда композиция бир хил тартибдаги нақш безакларнинг ўзаро айланма ритмидаги боғланиши таркибидан келиб чиқади. Бир-икки композиция туридаги такрорий бўлақ давомий нақшни ташкил этади. Бундай тасвирий белгилардан ташкил топган нақш композициясини асосан Фарғона ва Тошкент наққошлари кўп қўллаганлар. Улар дезорлар сатҳини чиройли шакли бўлақларга бўлиб, сўнгра шу бўлақчалар ичи «ислими» нақш услубида безалган.

Қадимий меъморчилигимизда ҳар хил геометрик чизиқлар асосидаги юлдўзсимон ёки олти қиррали, саккиз қиррали юлдузлар тасвирланган. Ганч ўймақорлик композицияси 55 шакллар ишлатилган. Томонлари аниқ қилиб чизилган бундай белгиларни «гириҳ» деб аташган. Бундай «гириҳ»ли композиция турларини ишлаш наққошдан геометрия илмини яхши ўзлаштиришни талаб қилар эди. Амалий санъат композицияси асосан нақшларга боғлиқлиги билан тасвирий санъат композициясидан ажралиб туради. Бу ердаги ўхшашлик композиция шакллари бир-бирига мутаносиб, узвий боғлашдир. Амалий санъатдаги нақшлар, гуллар табиий (реал) ҳолатда

бўлмаганлиги билан ҳам фарқланади. Чунки, амалий санъат ижодкорлари, реал тасвир мактабини битириб эмас, кўпинча ўз устозларига шогирд тушиш йўллари билан бу ҳунарни тугал эгаллаб олганлар. Иккинчидан, ҳақиқий кўринишдаги табиий гулни деворга нақш билан боғлаш анча мураккаб жараёни талаб этади. Бундан ташқари асл табиий тасвир нақш билан унча боғланмайди, шунга кўра наққошликда барча тасвирий воситалар умумлашиб, шартлилик рамзи сифатида иштирок этади. Бу услуб наққош учун ҳам уни бир меъёрга бажариш учун ҳам анча қулайдир. Бунинг ўзгача (реал тасвирли) расм композициясидан фарқини билиб олиш унчалик қийин эмас.

Ўзбекларнинг кўпчилиги бу нодир санъат тури - наққошликка қадимдан жуда қизиқиб келишган. Уста наққошларга ёшлар шогирд тушиш йўли билан бу касбни эгаллаб, мустақил ижод йўлига қадам қўйганлар. Нақш композициясини яратиш иши расмдан кўплаб билимларни эгаллашни талаб қилади. Бу борада таълим олишни мақсад қилиб олган талабалар ғоят мураккаб синов йўлини босиб ўтишлари лозим.

Табиат қонун-қоидаларини тушуниб етиш қанчалик мураккаб иш бўлса, маданий ва эстетик жиҳатдан юқори савиядаги нақш яратиш ва бошқаларга манзур этиш ҳам шундай мураккаб ва қийин ишдир. Изланиш, фикр юритиш, образларни тўплаш, бунинг учун одамлар ҳолатини кузатиб ўрганиш тасвирий санъатда композиция яратиш учун ижодий озуқа берадиган асосий манбадир. Умуман олганда, санъатнинг ҳамма тури бир-бирига боғлиқ. Лекин бу боғлиқлик санъат асарини яратиш қонун-қоидалари, услублардаги фарқлар орқали сезилади.

Наққошлик санъатини эгаллаган ёшлар мустақил композиция яратар эканлар, таълим берган устозларининг нақш унсурларини қандай қўллаш тўғрисидаги ўғитларини четлаб ўтмасликлари керак. Чунки усулни шакллантиришда устоз катта роль ўйнайди. Қадимий анъанавий усулларни пухта ўрганиш ва уларнинг бир-биридан фарқини тушуниб етиш шогирдларга катта ижодий сабоқ бўлади. Тошкент, Бухоро, Хоразм ва

Фарғона наққошлик мактаблари услубларида яратилган нақш унсурлари композицияси ҳам, шу композиция сатҳидаги нисбий бўлақлар ҳам ўз «шевалари»ни намоён этади. Бу шева мактабларини шоғирдлар томонидан, янги шакллар (қўшимчалар) билан тўлдириб борилиши, томошабин кўзига бутунлай янгича композиция мавзусини намоён қилади.

Наққошликда, яна бир яхши анъана бор; шоғирд тушган ҳар бир бола, ўз устози измидан чиқмай у ўргатган, айтган ишнинг пухта ўрганиш орқали ўз ижодининг мукаддимасини бошлайди. Бу эса, ҳар бир устоз яратган мактабнинг давом этиши учун, қулай шарт-шароит яратиб беради. Амалий санъат мактабининг энг муҳим томони шундаки, ҳар бир ўқувчи ижод жараёнини куз билан кўриб, шу ишга айнан иштирокчи бўлиб, уни тажриба орттириш орқали эгаллайди. Бундай иш усули азалий урф-одат бўлиб, ҳозирги замонда ҳам талабага билим-ҳунар беришда энг одил йўللardan биридир.

Халқ яратган бундай услубий мактаблар ўзини умрбоқийлиги билан шу кунларда ҳам ўз анъаналарига содиқ ҳолда шоғирдлар етиштириб келмоқда. Нақш композицияларининг яратилиш жараёнини кўздан кечиран эканмиз, ҳар услубнинг ўз белгиси, ўз тасвирий шакли борлиги, наққошлар томонидан у мўайян ўринга жойлаштирилиши ҳамда рангларнинг турини ўзгартириш (комбинация) натижасида янгича жило, янгича композиция кўринишида намоён бўлиши кўриनावеради. Шундай анъаналарни яхши ўзлаштирган ва уни қадрлаган тасвирий санъатда ўз мактабини яратган рассомлардан бири устоз Чингиз Ахмаровдир. 1960 йили меъморчилик факультетида бу фан, яъни — композиция дарслари у киши томонидан жорий қилинди. Атоқли мусаввир талабаларга: «Сиз уч йил давомида реал буюмларнинг расмини ишладингиз, композиция буюми эса шу олган сабоғингизни онгингизга, фикрингизга сингдирган ҳолда қалбингиз «кузи» билан кўриб «янгитдан» ифода этишингизни талаб қилади. Сиз биринчи марта таби-атдан олган «маҳсулотингиз»ни яна унинг ўзига (фақат ижодий фалсафий ёндошиш

орқали) қайтаришингиз, «янгича» шакл киритишингиз, «композиция» тузишингиз лозим.

Кўпроқ, амалий санъатга ёндошинглар, улардаги рамзий бадий безакларга назар солинглар» — дер эдилар. Шулар билан бирга устоз мусаввир мўъжаз китобий тасвир композицияларини кўрсатар ва бўлар замирида, ўзбек халқ достонлари асосида композициялар яратиш лозимлигини таъкидлар эдилар. Халқ амалий санъатидан келиб чиқиб, «композиция» яратиш тасвири текшириш имконини бериш билан биргаликда бунга қай даражада эришганлигимизни таққослаш, камчиликларни илғаб олиб бартараф этиш имконини беради. Халқ амалий санъатига таяниб композиция яратиш ижодий жараёни бизни анъанадаги махсус назарияга ошно этади, асардаги миллии ўзига хосликни таъминлайди.

Айниқса, тарихий мавзуда ижод қилаётган рассомларимиз қадимий меросимизга қайта-қайта мурожаат қиладилар, ундан унумли фойдаланадилар. Асосий қонун-қоидалар композиция тузишининг асосий унсурлари бўлиб, узоқ даврлар давомида рассомлар ижодига мантиқли ва эстетик баҳо бериш орқали ёд бўлиб кетган. Кишилар доим табиат гўзалликларига интилган ҳолда ўзлари ҳам гўзал бўлишга ҳаракат қилганлар. Табиий гўзаллик ижодкори табиат бўлса, тасвирий санъат уни такрорловчидир.

Санъат гўзалликни, яна ҳам гўзалроқ кўринишда тақдим этиш сирларини синчиклаб ўрганади. Демак, бу гўзалликни сақлаб қолиш, ёки уни кенг миқёсда намоиш қилишнинг қонун қоидаси бўлмоғи керак. Мусаввир томонидан яратилган санъат асари, ана шу қонун-қоидаларга бўйсуниб уларга тўла жавоб берадиган бўлиши керак.



20 – расм. Халқ амалий санъатидан намуна

Композиция эса тасвирдаги буюмларни бир фикрга бўйсунтишга мажбур қиладиган тадбирлардан биридир. Бундай тафаккур унинг илмий услубиятини юзага келтирди. Демак, композиция тасвирий асарни ифода этиш шакли бўлиб, унинг ташкилий қисмларини ҳеч ажратиб бўлмайдиган мукаммал яхлитликка бўйсундиради. Ўзида олам сирларини мужассамлаштириш қудратига эга бўлган композиция ҳар бир рассом томонидан, унинг дунёқарашига монанд кашф этилаверади. Ҳақиқий санъат асари умрбоқийлигини таъминлашда композиция ўтаган ролни бадиий ифоданинг ўзга унсурлари асло ўтай олмайди.

Мусаввир томонидан яратилган тасвирий санъат асарлари композицияси табиат яратган гўзалликларни ўзида образли тарзда мужассамлаштиради. Бу гўзалликнинг умумлашма тимсоли сифатида намоён бўлади. Ҳар қандай илмий мулоҳазага арзийдиган асар кишиларда саволлар уйғотиши табиий ҳолдир, Композиция ўз ҳажми, тузилиши структураси билан тектоникдир. Тектоника — буюмлар шакли ва уларнинг тузилиши, яъни кўзга ташланиб турадиган ифодасидир.

Композиция бадий тузилиши ўз ичида мужассамлаштириши зарур. Агар композицияни объектив қонунлар асосида кузатадиган бўлсак, уни бирон бир аниқ қолипга сололмаймиз. Биз табиат яратган мўъжизаларга, тасвирий санъатда ўз мужассамини топган гўзалликнинг афзал томонлари орқали баҳо бера оламиз ҳолос. Шунинг учун ҳам, композицияни объектив қонун-қоидаларга асосланиб бир тизимга солиш қийин. Тизимга солиш деганда, композиция яратиш эмас, балки ишланадиган композиция андозасини ўзаро жойлаштиришни тушуниш керак.

Композиция яратиш жараёнида буюмларга оддий нигоҳ билан қараш, кўриниб турган нарсаларни ўзгартирмай кўчириш, бу ижодий ҳақиқатга тўғри келмайди. Тасвирий санъатда эришилган ифода қудрати албатта, ҳисобнинг манфий йўриғи билан ўлчанмайди. Оддий суратдай ҳақиқат, санъат сифатида фойда келтиролмайди. Санъат ҳақиқати, бу нисбийлик, буюм ва буюмларни композиция қонунига бўйсундириб керак бўлса, уларнинг сонини, сифатини, рангини тасвирий ифода талабига мувофиқ ўзгартиришдадир.

4. КОМПОЗИЦИЯ ҚОНУН - ҚОИДАЛАРИ

4.1. КОМПОЗИЦИЯ ҚОНУНЛАРИ

Композицион марказ қандай қурилади? Инсон кўзи фақат мўайян радиусда кўради. Расмни кўзнинг анатомик тузилишига мос қуриш лозим. Ахир у ўша аппаратнинг ёрдамида кўриб чиқилади, шу сабабли унинг композициясининг тузилиши, албатта, шу қонунларга бўйсунishi керак. Агар композициянинг марказий жойини жудаям четга сурсангиз, унда расмда ғоявий маъно аҳамиятини камайтирувчи оқланмаган бўш фазо ҳосил бўлиши мумкин.

Композиция маркази ортиқча, айтайлик, чапга силжитилган бўлса, шундай таассурот пайдо бўладики, расмнинг ромидан ташқарида чапда ҳам ҳаракат давом этиши керак, ўнг томон эса – эгалланмаган бўшлиқ композициясини «суюқлаштиради», томошабин эътиборини расм асосий фикридан чалғитади. Бундай тузилишда расм расмнинг тасвирий


текислигидан нотўғри фойдаланади. Айни пайтда композицияда ғоявий фикр айнан геометрик марказда жуда камдан кам олинади. Гап композиция чизиғи ҳақида кетябди. Марказ бўйлаб бундай геометрик мувозанат ҳаётнинг бевосита қабул қилинишидаги таассуротларга зид келади.

Композиция маркази бир оз четга сурилиши мумкин, лекин ҳолстнинг қолган бўш жойини кераксиз материал ёки бўш, ҳеч нарса билан оқланмайдиган бўшлиққа бериш учун эмас. Бунда мувозанат қонунлари, ҳолстнинг композиция билан тўлдирилганлик ҳиссини кўзда тутиш лозим. Ҳеч нарсани олиб ташлаш мумкин бўлмаган ва қўшиш ҳам керак бўлмаган композиция энг қимматлидир. Буни қонунлаштирмоқчи эмасман, бироқ рассомда ҳар вақт композиция мувозанати ва тўйинганлиги ҳисси бўлади.

Композицион – ташкилий шакл, албатта бошқа қисмлар бўйсунадиган ўз асосий қисм ёки композицион марказига эга бўлади. Асосий қисм – композициянинг доминанти бўлиб, бу қисмда элементлар ўзаро алоқаларининг йиғилади. Композицион марказ бўлиб, шаклнинг ихтиёрий элементи ёки майдон бўлиши мумкин.

Костюмда композицион марказ бўлиб, сумка ёки пойабзал ҳам бўлиши мумкин. Бунда эркаклар костюмида шим остки киркими ва туфли ўртасидаги, аёллар костюмида елка ёки белда турадиган кийим ва этик устки киркими ўртасидаги нисбатлар каби композиция майдонларининг бутун ечимини айтиб ўтиш жоиздир. Эркаклар костюмида шимларнинг пойафзал устига тушириб кийиш урф бўлиши – уларнинг пойафзал билан аниқ ўзаро композицион алоқаси юзага келтирди.

Композицион марказ гавданинг исталган қисмида бўлиши мумкин. Масалан, у юзга яқин жойда, белда, кўкракда, бўксада, оёқ яқинида, олдинда ёки орқада жойлашган бўлади. Шакл элементларининг ўзаро тенгсизликни белгилайдиган композицион марказнинг бошқа қисмлардан устунлигини таъкидлаб берадиган хусусиятларнинг қонуниятлари асосида композицион марказни бўрттириб кўрсатишга эришилади. Қуйида шу қонуниятларни кўриб чиқамиз.



21 - расм. Композицион марказ:

а – олд юкори қисмда, урғу – бош кийимга; б – лифда, урғу – бўйин қисмида, в – костюм ўрта қисмида, урғу – белда.

Миқдор қонуни - бир турли безакнинг катта-кичиклиги, ҳажми, массаси ёки миқдори каттароқ бўлган бошқа қисмларидан устунроқ келишидир.

Марказда бўлиш қонуни – бўрттириб кўрсатиладиган қисмнинг нисбатан марказий жойда бўлиши ва бошқа ҳамма жихатлари тенг бўлган ҳолда, шу қисмни асосий композицион марказ қилиб кўрсатишидир.

Сифат қонуни - хусусияти ёки бир гуруҳ хусусиятлари жихатидан кўпроқ бўлган қисм устун бўлиб туришидир. Расмий характерда бўлган ҳар қандай турли безакларнинг ҳар хил активлигидан ва сифатидан фойдаланиш асосий қисмни бир бутундан ажратиб кўрсатиш усулларида бири бўлади.

Маъно омили қонуни - бир бутуннинг маъноси бор безакли қисми расмий характердаги безакли қисмлардан устун туришидир.

4.2. КОМПОЗИЦИОН ҚОИДАЛАР

Икки ўлчамли ва уч ўлчамли тасвирнинг ясалишини ташкил этувчи асосий қоидалар ёки доимий қонуниятларга киради:

1. Пропорциялар, қисмлар ва бутун организм уйғунлиги қонунини ўргатувчи табиий шакллар кўплиги, одам гавдаси тузилиши пластикасидан келиб чиқувчи симметрия қоидалари;

2. Мувозанат қоидалари – турли массали тасвир қарама-қарши томонларининг қўшилиши;

3. Композициянинг пластик ечимида статика ва динамика (тинчлик ва ҳаракат) қоидалари;

4. Ритм қоидалари – катта ва кичик шакллар, ҳаракат ва тинчлик, контраст ва пасайтирилган, ёруғлик ва соянинг тўғри навбатлашуви;

5. Турли композицион ечимларга қўлланувчи истиқбол қоидалари – иллюзор истиқбол, тўғрибурчакли (ортогонал), ҳаво;

6. Олтин кесилиш ва ордер архитектурада қисмга ажратиш қонунияти сифатида;

7. Масштаб натурал катталиққа нисбатан кичрайтириш ёки катталаштириш йўли сифатида;

8. Ансамблда услубий бирлик – бир неча санъат турларининг қўшилиши;

9. Бошқа барча йўналишларга нисбатан ўқлар доимийлар сифатида вертикаллар ва горизонталлар.

Айтилган қоидалар бўйича ҳайкаллар, рассомчилик, меъморчилик асарлари ва расмлар яратилади – фақатгина тасвирлаш воситаларигина ўзгаради.

Композициянинг энг асосий қонунияти деб яхлитликни ҳисоблаш керак. Сюжет жиҳатдан композиция қанчалик мураккаб бўлмасин, унда қанча фигуралар бўлмасин, улар масштаби қандай бўлмасин, картина ўзида алоҳида тасвирий дунёни акс этарканми. Бу дунё қанчалик яхлитроқ,

монолитроқ бўлса, шунчалик унинг маъновий ва пластик ечимини томошабин яққолроқ қабул қилади.

Шунинг учун рассом ижоди, унинг композицион ғояси қанчалик ўзига хос бўлмасин, композициянинг объектив воситаси яхлитлик – унинг қонуниятларидан муҳимидир.

Юқоридагилардан хулосалар чиқаришга ҳаракат қиламиз.

Композиция конструктив - пластик ечимининг объектив қонуниятлари деб: 1) рассомчилик майдони чекланиш чегаралари, композиция доираларини;

2) расмда фазовий чегаралар ва сюжет таъсир жойларини;

3) яхлитлик;

4) компонентлар ўлчами мослиги, яъни ритм ва пластика;

5) кўриш марказининг топилишини ҳисоблаш керак.

Расмнинг тузилишида асарни ҳосил қилувчи барча элементлари композиция тасвирий тузилиши расм ғоявий мазмунига зид бўлмаслиги, у маъно жиҳати ва ифодалилиги бўйича қолишмаслиги, тасвирий марказ рухий марказ билан мос келиши учун асосий композицион ғояга бўйсунishi керак.

Композицияни шундай ҳал этиш мумкинки, у яхши тузилган бўлади: одамлар ҳаракатларига мос ҳолатда олинган бўлади, улар бир-бири билан боғлиқ бўлади, бироқ тасвирий тузилиш унинг мазмуни, ғоясига ҳамоҳанг бўлмаслиги мумкин. Бу ҳол расмнинг томошабини жалб этувчи энг чиройли қисми томошаби эътиборини энг кам тортиш керак бўлган жойда жойлаштирганда юз бериши мумкин. Қандайдир ёруғлик таъсири ёки жуда чиройли доғ, рассомчиликнинг энг ифодали техникаси негадир, қайси бир тасодиф туфайли, ўйланмаганлиги сабабли ғоявий марказдан бирдан четга чиққан ва шундай қилиб, композиция икки жуда муҳим таркибий қисмлари мазмун ва шакл ўртасида ўзилиш ҳосил бўлди. Худди шунинг ўзи расмда ҳам бўлиши мумкин.

4.3. КОМПОЗИЦИЯДА УНСУРЛАР ТЕНГЛИГИ

Унсурлар (элементлар) — мураккаб бир бутунликнинг таркибий қисмидир. Ёлғиз ҳолда тугал ифода англатмаса ҳам, бошқа қисмларга қўшилиб, улар иштирокида бир бутун «вужуд»ни ташкил этади.

Композицияни синтез қиладиган нарсa — шаклнинг ҳар томонлама (гармоник) бутунлигидир. У бутунлар таркибидаги тенглик эса қисмлар шаклида акс этади. Лекин унсурларнинг гармоник уйғунлиги, тенглиги бу — конструктив боғланишнинг механик усули эмас, балки конструкциянинг мантиқан тасвирий хулосасидир. Бундай тенглик асосида доимо композициянинг объектив қонунияти ёки мавжуд қоидалари ётади. Уларни четлаб ўтиш яхлит шаклнинг бузилишига олиб келади.

Композиция ташкилий қисмининг бирлиги, асосий унсурлар тенглиги йўқолса, бундай бутунлик, зарур натижани бермайди. Архитектурада унсурлар тенглиги ва уларга фазо муносабати муҳим нисбат боғлиқлигига эга бўлиб, ранглар тақсимои орқали ҳам ҳосил бўлади. Агар тасвирий асарни ташкил қиладиган рангни йўққа чиқарсак, унсурларнинг тенглиги ҳам, композицияни боғлайдиган бутунлик ҳам йўқолади. Тор жойга қурилган кичик бино ўлчами, шакл тузилиши билан катта, кўп қаватли бинолар остида айнан шу биноларнинг ташкилий қисми сифатида композиция бирлигига хизмат қилмайди. Шунинг учун бундай кичик қурилмаларнинг асл ўрнини топа билиш катта аҳамиятга эга.

Агар оғир ва қўпол бинолар нозик ҳошия билан безатилса, ҳошиялар тенглиги ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Чунки нозик ҳошия, катта сатҳ билан ҳисоблаша олмайди. Унсурларнинг ён атрофдаги «қўшнилари» билан тенгликка эришиши безакларнинг келиб чиқиш шаклига, ифодасига ва мазмунига ҳам боғлиқдир. Шакл унсурларининг тенглиги ўзаро аниқ боғланишда намоён бўлади. Бир элементнинг тасвир чизиғи аниқ ривожлана бориб, иккинчи чизикда давом этади. Бу ерда асосий шаклларнинг илдиз тармоқлари бўлса ёки бир шаклдан иккинчи шаклга ранглар орқали боғланса, шу жойда ўзгаришлар содир бўлиши учун ҳеч қандай тасодифий

нарсаларнинг таъсир кучи бўлмайди. Тенглик йўриғи шуни англатадики, унсурларнинг шаклланиш тартиби визуал системага боғлиқдир.

4.4. КОМПОЗИЦИЯ ВА МУВОЗАНАТ ТУРҒУНЛИГИ

Композицияда муҳим омиллардан бири шакллар мувозанатидир. Уларнинг унсурлари бир-бири билан мўайян боғланишли мувозанатда бўлади. Композиция мувозанати ўлчамлар тенглигига боғлиқ эмас.

Композициянинг қай даражада акс этиши кўпинча унинг марказига боғлиқдир. Юки оғир буюмлар юқорида, марказда жойлашган бўлса, бу ҳол турғунлиги учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Баъзан тиргович ва масса орасидаги муносабат бизни ўзига қаратади, фикримизни жалб этади. Масалан, мушоҳада этиладиган ҳажм битта бўлса-ю, уни иккита тиргович ушлаб турса бу — дарров ҳаммага аён бўлади ва композицияда оғиш нуқталари тўғри келмайди. Чунки композиция мувозанати «яширин боғлиқлик» қонуниятидан, тасаввуридан келиб чиқади. Рангларнинг физик мувозанати ҳам, шаклий ўзгаришга олиб келади.

Меъморликда физик марказнинг композиция маркази билан тўғри келмаслиги кўп учрайди. Композиция турғунлиги мутаносиб шаклларда бўлади. Айни чоғда, мутаносиблик композициянинг турғунлик даражасига кафиллик ҳам бера олмайди. Бутун ва қисман бўлсада номутаносиблик, ва миқёсга эга бўлмаслик мутаносиб турғунликни бузиши мумкин. Қалтис масалаларни ҳал этишда ички ҳислар, сезгирлик, тасвирий санъат анъаналарини қўлламай туриб бирор аниқ натижага эришиб бўлмайди. Санъат оламида шундай ҳоллар ҳам учрайдики, у ерда композиция турғунликнинг энг ноёб асоси, намунаси бўлиб қолиши мумкин. Лойиҳаловчининг вазифаси, буюм шаклланишининг физик турғунлик мувозанатини ечиб кўрсатишдан иборатдир. Чунки буюмлар учун композициявий бутунлик катта аҳамиятга эга. Физик турғунлик

конструкцияни мустаҳкамлашда ҳам яхши воситалардан бири бўлиб, у ҳисоб-китоблар асосида аниқланади.

4.5. СИММЕТРИЯ ВА НОСИММЕТРИЯ

Костюм композициясининг уйғун бир бутунлик сифатида шаклнинг яхлитлиги, симметрия ва носимметрия, бирлик, тўлиқлилик, бўйсунувчанлик, статиклик ва динамиклик каби бир қатор хусусиятлари бор. Шаклнинг яхлитлиги конструктив ечим билан унинг композицион мужассамлиги ўртасидаги алоқа мантиқини ва уйғунлигини акс эттиради.

Инсон танасига мос буюм – кийим хакида гап борар экан, кийимнинг атроф - муҳит ва инсон қадди – қоматига ўзаро таъсири мажбурий шарт ҳисобланади. Бу шартнинг тавсифи симметрия ва носимметрия каби композиция хусусиятларига асосланади.

Симметрия ва носимметрия. Симметрия - композициянинг энг ёрқин ва кўзга ташланиб турадиган хусусиятларидан бири (21 - расм).

“Симметрия” унинг ёрдамида инсон бир неча асрлардан бери тартибга, гўзалликка ва камолотга етишмокчи ва буни яратмокчи бўлиб келган ўша ғоядир”. Кийим композициясида симметрия масалалари муҳим роль уйнайди. Бу икки жиҳатдан: материалдаги расм композициясида ва костюмнинг ўзини шакллантиришда ўз аксини топади.



22- расм. Архитектурада симметрия

Симметрия – нуқта, ўқ ёки текисликка нисбатан детал бўлаклари айлантирилганда, улар устма - уст тушади. Симметриянинг бир неча кўринишлари мавжуд: ойнавий, марказий, текисликка ва ўққа нисбатан.

Костюм симметрияси фигуранинг табиий симметрияси ва функционалиги билан аниқланади. Одам фигурасининг симметрияси – бу қаватли мураккаб симметриядир. Мисол учун, юз симметрияси кийим шакли симметриясининг асоси бўлади. Булардан ҳар бир қавати ойнали симметрия бўлган ҳолида,

кийим шаклининг симметриясига сабаб бўлади. Лекин одам фигураси мутлако симметрик эмас, чунки у табиатнинг гармоник ижодидир. Шу сабабли одам фақат симметрия билан яшамайди.

Симметриянинг яна бир ўзига хос томони шундаки, симметрик буюмларда носимметриянинг учрашидир. Бунда умумий симметрик буюмда носимметрик элементнинг рационал жойлашуви композицион мувозанатни юзага келтиради, симметрия эса ўзига хос нозик оригиналликка эришади. Ушбу композиция хусусияти исимметрия деб аталади.

Носимметрик шаклнинг – композицион мувозанатини таъминлайдиган мўайян қонуниятларга асосланган мураккаб ташкилий хусусиятларини намоён этади.

Баъзида носимметрия – композициянинг ўзига хос тамойили юзага келади. Носимметрик шакл тўлиқлигининг асосий шарти бўлиб, композицион мувозанат ҳисобланади.




23 - расм. Композицияда носимметрия

Носимметрик усул симметрик композицияда ранг, бичим, ҳар хил материаллар, чизиқлар, безаклар, деталлар носимметрияси билан тузилади.

Носимметрия симметрия сингари гўзалликка ишлаши керак ва гармоник яхлитликни яратиши шарт. Шакл билан ишлаш симметрия ва носимметрия оралиғида композицион мувозанати билан боғлиқ ва қачонки унга эришилса умумий ечим рационал ва гўзал бўлади. Агар симметрик композиция дарҳол тушунилса, носимметрик композиция аста-секин очилади. Унинг устида ишлаш мураккаброқ ва сезгирлик савиясини ва композицион мувозанатга нисбатан нозик ҳисни талаб қилади.

Носимметрия принципларида костюм композицияси мураккаброқ усулни талаб қилади. Агар симметрик костюмда носимметрия доимо учраб турса, у кўмакчи вазифасини бажаради ва симметрик шакл ичида ўткир ечим яратади. Носимметрия фақат аниқ симметрия ўқи йўқлигида бўлиши мумкин. Лекин одам фигураси асосан симметрик тузилган бўлса ҳам, костюмда эса носимметрик мисоллар кўп учрайди. Шунинг учун костюмда носимметрия симметрик шакл асосда тузилади ва костюмда носимметрик композиция демасдан носимметрик асос дейилади. Костюмнинг функционаллигини композициянинг иккита асоси қўллайди: симметрия фигура тузилиши, носимметрия эса - кийимнинг функционаллиги билан асосланади.



24 – расм. Ўзбек миллий кийимида симметрия

Симметрия ва носимметриядан унумли фойдаланиш – кийим ва пойафзалнинг турли хил моделларни яратилишини таъминлайди. Композицияда ўта бирлаштириш вазифасини симметрия, айнан ўқ симметрияси бажаради. Картинанинг марказий ўқини симметрия ўқи сифатида ажратамиз. У асосий фигура, асосий ҳаракат ёнида «қанотлар»ни тўплайди, бирлаштиради. Албатта, бу ерда ҳам қабул қилишнинг умумлаштирувчи вазифаси ҳам таъсирини кўрсатади. Ойнадек акс эттириш маълум формулалари билан расмда симметрик формулалари тасвирлана олмайди. Бу ҳар доим «ноаниқ», тахминий мосликлардир. Расм

композицияларида соф орнамент композицияларига қараганда биринчи ярим бўлакнинг иккинчисида ойнадек қатъий такрорланиши йўқ. Бизнинг олдимизда фақатгина геометрик симметрияга интилувчи мувофиқлик, маълум вариациялар зонаси доирасида томонлар мувофиқлиги туради (бунда ўзининг образли — геометрияси). Кўп симметрик композицияларда фақат марказга «йўналганлик» сақланиб, ойнадек акс эттилишидан анча чекланишга йўл қўяди.

Симметрия — бу композиция ҳолатини аниқ кўрсатадиган энг ёрқин хусусиятлардан биридир. Бу хусусият — шаклланиш ҳолатини, яъни ташкилий жараёни кўрсатади. Машҳур математиклардан бири Генрих Бейль симметриянинг математик қонунларини чуқур ўрганиб чиқди. Симметрияни очган киши шаклни гармоник уйғунлаштириш йўлини онгли равишда топган. Симметрия ривожланишнинг узок йўлини босиб ўтган. Масалан, Уйғониш давридаги асарларда ҳам симметриянинг роли сақланиб қолган.

Қадимги мусулмон архитектураси учун эса симметрия композициялаш хусусиятини бермайди. Шу боис кўпчилик масжид, ҳоноқодаги безак, нақшлар шакли табиат билан боғланиб кетади. Табиатда носимметрия ва симметрия шакллари кўп учрайди. Г. Бейль айтганидек «Кўзгу симметриясининг геометрик тушунчаси вазник ҳолатида ғира-шира бўлиб қолади», (уйғунлашув тушунчасига мувофиқ). Шуни таъкидлаш керакки, лойиҳалашда ҳам, тасвирий санъатда ҳам учраб турадиган симметрия муаммолари бизда ҳали етарлича таҳлил қилинмаган. Булар тез орада мақбул ечимини топади деган умид бор. Санъатшунос олимларимиз бу соҳада илмий-назарий ишлар қиладилар деган умиддамиз. Биз композиция муаммоларининг айримларига мисоллар келтирдик. Ҳали бу борада ҳам қилинадиган, аниқланадиган, ўз ечимини кўтиб ётган ишлар кўп. Қобилиятли ёш олимларимиз бу масалага кўпроқ мурожаат қилсалар яна ҳам яхши бўларди.

Костюм композициясида симметрия масалалари катта аҳамиятга эга. Костюмда симметрия шаклнинг барча хусусиятлари бўйича намоён бўлиши

мумкин: симметрик жойлашган деталлар, фурнитура, безаклар ва хок. Ранг ҳам буюмнинг симметриклигини тасдиқлайди. Костюмнинг симметрик шаклига носимметриклик киритилса, одам фигурасининг мувозанатига етишмоқ мумкин. Масалан, япон кимоноларининг расми доим асимметрик жойлашган. Демак, унинг рангли композицияси ҳам носимметрик. Лекин бичими симметрик ҳолда қолади. Масалан, олд бўлак ўтар қисмининг кенглиги тўғналган ҳолда четида аниқ носимметрик чизик ҳосил қилади. Костюмнинг симметрик шаклида геометрик бошланиши нафақаг носимметрик деталлар туфайли, балки кўпинча асимметрик бичиш натижасида намоён бўлади. Костюмдаги носимметрия мустаҳкам симметрия асосида мавжуд. 25- расмда деталлар ташкилида ва шаклнинг конструктив ечимидаги носимметрия ва симметрияга мисоллар келтирилган.



25 - расм. Аёллар устки кийимининг тузилишида носимметрия ва симметриянинг намоёни

Симметрия — композициянинг энг ёрқин ва кўзга ташланиб турадиган хусусиятларидан бири. Кийим композициясида симметрия масалалари муҳим

рол ўйнайди. Бу икки жиҳатда: газламадаги расм композициясида ва костюмнинг ўзини шакллантиришда ўз аксини топади. Костюмларда кийимнинг алоҳида қисмлари, унинг деталлари, ранги, беаги, фурнитураси ва шу кабиларни симметрик жойлаштирилиши мумкин. Табиатда абсолют симметрия бўлмайди. Костюмда ҳам кўпинча симметриядан четга чиқишлар бўлиб, бу унинг нимага мўлжалланганига, ишлатиш шароитининг характериға, ишлаб чиқаришдаги технологик шароитига, бадий образлилик вазифаларига боғлиқ бўлади. Асимметрик композиция ҳам симметрик композиция сингари фтмксионал вазифани ҳал этишнинг объектив натижаси бўлади. Лекин асимметрик шакл ўқида ишлаш мураккаброқ, лекин композицион мувозанатни нозик ҳис этишни, бадий бутунликни таъминлаш даражасида тараққий топган интуицияни талаб қилади.

Носимметриянинг кундалик костюм композициясида ёрқин кўзга ташланадиган эмаслиги ундан шакл хусусиятларининг озгина қисмида фойдаланишни билдиради. Амалда бундай композициялар симметрия ичида носимметрияни кўрсатиш мақсадида ҳал қилинади. Башанг кийимдаги ёрқин ифода этилган асимметрия кийимни одатдагидан бошқача, ёрқин кўринишли динамик қилиб туради. Кийимга ҳажмий форма деб қараб, уни қандай газламадан (газлама, трикотаж, чарм, сунъий ва табиий мўйна, тўқилмай тайёрланган газлама ва ҳоказолардан) тиқиш мақсадга мувофиқчилигини билиш керак. Ҳар бир газламанинг фақат ўзига хос хусусиятлари бўлади: гигиеник хусусиятлар (нам ва ҳаво ўтказувчанлик, гигроскопиклик, иссиқдан ҳимоялаш ва бошқалар) ва физик-механик хусусиятлар (дағаллик, қолипланувчанлик, ғижимланиш, эластиклик, киришиш, чўзилувчанлик ва бошқалар) шулар жумласидандир. Бу хусусиятлар мазкур газламадан қандай мақсадларга мўлжалланган ва қандай формадаги кийимлар тиқиш мумкинлигини аниқлаб беради.

4.6. КОМПОЗИЦИОН ЯХЛИТЛИК

Композициянинг мавжудлиги таъминлайдиган хусусият кийим шакли барча элементларининг бирлиги, яъни элементларнинг ўлчамлилиги ва бўйсунувчанлиги бўлиб ҳисобланади. Бирлик – композицион хусусият сифатида санъатнинг барча кўриниш ва жанрларида кузатилади.

Бадий лойihalашда саноат маҳсулоти шаклининг тўлиқлиги – мантиқ ва конструктив ечимнинг композицион татбиқ билан ўзаро органик aloқасини ифодалайди.

Тўлиқлилик композициянинг асосий хусусиятларидан бири – бўйсунувчанлик билан ўзаро боғлиқ. Кийим ёки пойафзалнинг ихтиёрий композицияси буюмнинг аҳамиятли, камаҳамиятли ва иккинчи даражали элементларининг бўйсунувчанлигига асосланган мўайян система деб караш мумкин.

Ҳар кандай композицияни - асосий элементлар билан аҳамияти камрок ва иккинчи даражалирок элементларнинг бир-бирига бўйсунганлигига асосланган мўайян система деб караса бўлади. Бунда асосий ва бўйсунган қисмлар бир бутунликни ташкил этиб, ўзаро бир-бирини кучайтиради. Композицион тўзилган шаклда, шу жумладан костюмда ҳам албатта асосий қисм ёки композицион марказ мавжуд бўлиб, бошқа қисмлар унга бўйсунуши керак. Асосий қисм яхлит композицияда ҳукмрон бўлиб туради. Бўйсунувчанлик – икки тенг бўлмаган элементлар нисбати ки шаклнинг тенг бўлмаган қисмларга бўлиниши билан юзага келади.

Агарда тўртбурчак шаклдаги кўйлак, сумка ёки туфлини икки тенг бўлмаган қисмларга бўлинса, каттароқ бўлак ажралиб кўринади ва кичикрок бўлган қисмни ўзига бўйсундиради. Тўртбурчак шаклни учта қисмга бўлаклашда турли тенгли ҳолатидаги асосий бўлакни ажратишнинг уч хил имконияти юзага келади. Шаклни бўлаклаш тенг олиб борилганда ҳам, ўрта қисм асосий қисм ҳисобланган бўлади. Ўрта қисм атрофидаги бўлаклардан кичик бўлсада, асосий қисм бўлиб қабул килинади. Шаклнинг учала бўлаги ҳам турли катталиқда бўлинган бўлса, энг катта бўлак – асосий бўлак ҳисобланади.

Актив ҳолатда бир томонга йуналтирилган шаклга – динамик шакл деб аталади. Шаклнинг динамиклиги – унинг бўлаклари нисбатига узвий боғлиқ. Катталиклар нисбатларининг ўхшашлиги ва нюанси шаклнинг тинч ҳолати, яъни статиклигини таъминласа, улардаги контраст – визуал ҳаракат, яъни динамикани таъминлайди. Тўртбурчак ёки трапеция шакл ичидаги чизиқлар тавсифи ва йўналиши орқали шаклнинг динамиклиги ёки статиклиги юзага келтиради. Шаклнинг визуал ҳаракати – композициянинг ифодалилиги ва уқилишини таъминлайди.

4.7. СТАТИКЛИК ВА ДИНАМИКЛИК

Композициянинг ифодалилиги, унинг тушунишга қулайлиги шаклнинг бўйсунган қисмлардан бош композицион марказ томон ҳаракатда бўлиб қанча қай даражада ҳосил қилинганлигига боғлиқ.

Композиция статик ва динамик бўлиши мумкин, элементларнинг маълум тартибда ўзаро бўйсунувчанлиги композицион мувозанатни юзага келтирса, умумий қаторнинг жиддий текширилиши ва костюм элементларига нозик ишлов бериш орқали шаклнинг гармоник бутунлигини таъминлаш мумкин.

Статиклик - шакл турғунлигининг, осойишталик ҳолатининг бўрттириб ифода этилганидир. Шаклнинг статиклиги ўлчамлар тенглигини ёки ўлчамлар нюансини характерлайди.

Динамика – бу шакл юзасида қўз илғайдиган ҳаракат. Шаклда динамика ҳосил бўлиши учун шакл хусусиятларидан бирортасининг тенгсизлиги бўлиши керак. Шаклда динамика пайдо бўлишига қуйидагилар сабаб бўлади:

- шакл ўлчамларида тенгсизлик бўлса, ҳаракат кўп миқдордан кам томонга бўлади;
- шакл қисмларга бўлинганда ҳам динамика пайдо бўлади. Бундай ҳолда каттароқ қисмдан кичикроқ қисм томон ҳаракат пайдо бўлади;
- шакл ичидаги чизиқлар йўналишининг характери қандайлигига қараб, шаклнинг турлича йўналганлиги ҳосил бўлади, унинг динамиклиги кучаяди;

- шаклда бир неча ранг қўлланилса, оч, ёрқин ранглар ўз томонига динамикани ҳосил қилади;

- шакл композициясида қўлланган ритмик тузилишлар ҳам динамикани ҳосил қилади.



26 - расм. Шакл элементларининг ўзаро динамик ва статик таъсири:

а – Орёл губернияси костюми (XIX аср); б – Догистон костюми (XIX аср).

Шаклнинг ифодалилиги уни тушунишга қулайлигини таъминлайди. Либос композициясида динамика композицион марказ бўлиши керак. Агар динамиканинг йўналиши композицион марказ томон бўлмаса, композицион марказни кучайтириш керак ёки ҳаракат йўналишини ўзгартириш лозим.

Композициянинг ифалилигини бўйсунган қисмларидан бош композицион марказ томон ҳаракатда бўлиб кўриниши (динамикаси) қай даражада ҳосил қилинганлигига боғлиқ. Нима бўрттирилаётгани аниқ бўлиши учун, динамикани либоснинг қайси қисмига қаратилса ҳам, динамика рассомнинг бўрттирган қисмини кўрсатиши керак.

Динамика хусусиятларини инобатга олиб, гавданнинг ташқи кўринишини ўзгартириш мумкин. Масалан, фигурани баландроқ кўрсатиш учун динамикани юқорига йўналтириш лозим, озғинроқ кўрсатиш учун эса динамика горизонтал йўналишда марказ томонга йўналиши керак.

4.8. КОНТРАСТ, НЮАНС, ЎХШАШЛИК

Шакл элементлари ўхшашлик принципига контрастлик принципига биноан бирлашган бўлиши, яъни ҳамма қисмлар такрорланишга асосланган ёки шакл, ранг, ҳажмлилик даражаси, фактурадаги чизиқлар жиҳатидан бири-бирига қарама-қарши қўйилган бўлиши мумкин. Контраст композициядаги турли йўналишларнинг кураши, бир - бирига қарама - қаршилиги бўлиб, бу рассомларнинг ҳамма вақт энг кенг фойдаланиб келган воситаларидан бири бўлиб келган. Костюм тарихида контрастлик мавзуси асар характери, давр услуби, автор индивидуаллиги кандайлигига қараб энг хилма-хил ифода топиб, асрлар давомида ўзгариб келган.

Костюм композициясининг асоси одам фигураси контраст асосида яратилган: унинг вертикал тузилиши горизонтал ўлчамлари билан контрастдадир. Демак, фигуранинг тузилиши костюм композициясига контраст киритишга имкон беради. Фигуранинг барча қисмларида контрастни қўллаш мумкин. Қўл ва елка энг фаол зона деб ҳисобланади. Шаклнинг контрастига унинг миқдори ва турини график таққослаш ёрдамида эришилади. Чизиқлари ўхшаш шаклларда фигурани барча конструктив камарларида контрастни қўллаш мумкин. Геометрлашган шаклнинг силуэти фигурани шакли билан контрастда костюм қисмлари эса вазн нисбатлари билан бўлиши мумкин.

Энгнинг таъсири икки хил бўлиши мумкин:

енг шакли нейтрал бўлса, асосий қисмларининг контрастига ҳалақит бермайди, ёки у шаклни бирор-бир шаклига нюансли бўлади. Шунга кўра силуэтда шакл контрасти кучаяди, қаерда фақатгина лиф ва юбкани катталигини ўзгартирмасдан, енг шакли ва вазни ўзгарган. Енгда эгри чизиқли шакллар киритилганлиги туфайли контраст кучаяди. Шаклнинг вазни кўпайиши силуэтни оғирлашишига олиб келади. Шундай қилиб костюм одамни ўзига бўйсундиради ва салобатли қилиб кўрсатади. Костюмда ранг, фактура контрастлари ҳам муҳим роль ўйнайди. Шуниси ғалатики, контрастнинг кучлилиги – унинг заиф томонидир. Идрок этишга актив таъсир этувчи восита бўла туриб, унда салбий томонлари ҳам бор: у одамни тез чарчатади ва тез жонга тегади, чунки у доимо ўзига эътиборни тортиб туради. Ҳар қандай кучли таъсир этувчи восита эҳтиёж бўлишни талаб қилади, бундай воситани ҳаддан ташқари ҳар қандай таассуротни бузиб юборади. Контраст билан фойдаланганда муайян даражадан ошмаслик, контраст меъёрини сақлаш керак. Контраст композицион воситаси асосан башанг, спорт, томошага оид костюмларда қўлланади.

Контраст композициясидаги турли йўналишларнинг кураши, бир-бирига қарама - қаршилиги бўлиб, бу рассомларнинг ҳамма вақт энг кенг фойдаланиб келган воситалардан бири бўлиб келган. Контрастга асосланиб тузилган композициянинг моҳияти - унинг таъсирининг активлигидадир. Нюанс нисбатларидан контраст нисбатларининг фарқи шундаки, булар дарҳол кўзга ташлана қолади. Зерикарли геометрик шаклнинг ифодалилигини ундаги ички чизиқларнинг, рангнинг, фактуранинг бир-бирига таъсири контрастлигидан фойдаланиб оширса бўлади.



27 - расм. XX аср костюмида контрастлилик тамойили

Нюанслар композиция воситаси тариқасида пропорцияларда, маромда, гул ва тус нисбатларида, декорда, пластикада, андаза қўйиб чизиладиган мураккаб эгри чизиқлар ёрдамида шакллар тузишда ва ҳоказоларда кўринади.

Пластик нюанслар аввало шакл характерида кўзга кўриниб, унга санъатга хос, алоҳида илиқлик беради.

Нюанс - энг нозик восита. Костюм композициясини нюансли хал этилиши ҳамма ёгадагиларга, ҳамма тур коматлиларга ва ҳар қандай ишга мулжалланганда ҳам тўғри келаверади.

Нюанс – котрастан ўхшашликка ўтиш ҳолати бўлиб, гармоник ечимни таъминловчи ўзаро элементлар алоқасидир. Нюанс композиция воситаси тариқасида пропорцияларда, маромда, гул ва тус нисбатларида, декорда мураккаб эгри чизиқлар ёрдамида шакллар тузишда кўринади.

Либос композициясини нюансли ҳал этилиши ҳамма ёшдагиларга, ҳамма қомат кўринишларига ва ҳар қандай ишга мўлжалланганда ҳам тўғри келаверади.

Нюанс матони барча хусусиятлари билан боғлиқ. Нюанснинг шу жумладан услубий ва бадиий ечими буюмни моҳиятига мос бўлиши лозим.

Либос композициясида нюанс шакл ва рангни бир-бирига мослаштирмасдангина шаклни ўзгартиришга имкон беради. Нюанс - композиция воситаларидан энг нозиги бўлиб нюансда яратилган композиция барча костюм мўлжалларига, ҳар хил фигура қоматларига ва ёш жинсларига мос келади.

Мослаштиришнинг энг оддий тури - *ўхшашлик*, яъни тенг элементлардан композиция тузишдир.

Ўхшашлик принципи - элементларнинг либос ва пойафзал композициясида такрорланиб ва тараққий топиб, турли вариантларда ривожлана боришидир. Ўхшашликка элементлар такрорланиши асос бўлади.



Ўхшашлик нисбатларидан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш керак, чунки айрим элементларни такрорланиши тез зериктиради ва таъсирини сусайтиради. Костюм композициясида бараварига контраст, нюанс ва ўхшашлик қўлланиши мумкин. Масалан, шакллар контрасти, чизиқлар нюанси ва ранг ўхшашлиги.

5. ЛИБОС КОМПОЗИЦИЯСИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИП ВА КАТЕГОРИЯЛАРИ

5.1. ЛИБОС КОМПОЗИЦИЯСИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

Кийимнинг композицияси устида ишловчи мутахассиснинг асосий вазифаси композиция элементларини композицион воситалар ёрдамида уйғунлаштириб, кийимнинг конкрет вазифаси ва мақсадини ифодаладиган бирикма ҳосил қилишдир [9].

Либос композицияси ўз воситаларига кўра хилма-хил ва мураккаб ҳодисадир. Композиция — элементларни бирлаштириш воситаси. Бунда костюм элементлари бир-бирига бўйсунган ва бир-бирига мос тушган, қандайдир гармоник яхлитлик сифатида тасаввур қилинишини ҳисобга олиш керак. Либосда асосий ва иккинчи даражали элементлар бўлса, улар орасида бўйсунуш кузатилади. Шаклнинг асосий элементи - либоснинг танага мўлжалланган қисми. Кийимнинг асосий қисми билан ҳамма деталлар бирлашади [10].

Либос шакли эстетик жиҳатдан саводли ечим топса (силуэтлари аниқ, қисмлар пропорцияси тўғри, деталларнинг ритмик тузилиши бир-бирига мос, танланган ранглар либос вазифасига мос), у мақсадга мувофиқ ва ифодали кўринади [9]. Либос шаклини унинг силуэти характерлайди.

Шакл геометрик қанча - шаклнинг учта фазовий координаталаридаги ўлчам миқдорларининг нисбати, умумий шакл ва деталлари юзасининг характери билан белгиланади.


Кийим шаклини кўриб чиқаётганимиздаги дастлабки таассурот шаклнинг хажмдорлик даражасидан, силуэт ва чизиқларидан келиб чиқади. Хажмдорлик даражаси - бу учта фазовий координата бўйлаб шакл ўлчамларининг нисбатидир. Шаклнинг хажмдорлик даражаси битта ўлчамли бўлса, чизиқли характерда, икки ўлчамли бўлса, текислик характерда, кийим шакли уч ўлчамли бўлса, хажм характерда бўлади.

Буюмнинг хажмдорлик даражасини танлаш либоснинг кўриниш ва қандай мақсадга мўлжалланганлиги билан белгиланади. Чизиқли характердаги шакл башанг кийимлар учун тавсия этилса, текислик характердаги ҳар қандай ишга мўлжалланган костюм учун ва ҳамма турдаги гавдалар учун, хажм характердаги шакл эса асосан бўйчан, озғин гавдаларга мўлжалланган башанг кийим учун тавсия этилади.

Кийим шаклининг текисликка туширилган энг ифодали пропорциясини костюмнинг силуэти деб аталади. Одатда, костюм шаклини асосан фронтал силуэтлар ва камроқ ҳолатларда профиль силуэтлар характерлайди. Костюм яратишда унинг вазифаси ва ундан фойдаланиш шароитларини билиш зарур. Костюм қулай, чиройли ва амалда хизмат қилувчи бўлиши керак. Шу сабабли унинг шакли, конструктив ечими, материаллар, безаклар ва ранг танланиши унинг асосий амалий ва эстетик функцияларига бўйсунди. Замонавий костюм кўп қатламли. Унинг алоҳида қисмлари бир-бири билан турлича нисбатда бўлади: баъзиси бири иккинчиси устига кийилади ва тўлиқ ёки қисман бошқасини устини ёпиб туради (сорочка, жилет, жакет) ёки бирин-кетин кийилади (сорочка, шортилар, голфлар, кедилар). Маълум вақт давомида костюм кийим алоҳида қисмлари, пойабзал, бош кийими ва тўлдиришларнинг тўғри ташкил этилишига эга, яъни маълум тузилиш билан тавсифланади. Тузилишнинг ташқи намоён бўлиши костюм шаклидир.

Костюм кишининг маълум шароитларда фаолияти ва ўзини тутиш характери усуллари тўғрисида юзага келган одатлар ва тасаввурларни ҳисобга олган ҳолда яратилади. Инсон фаолият соҳаларининг кенгайиши янги мутахассисликлар пайдо бўлишига олиб келади, бу эса костюм янги турларини ишлаб чиқирилишини талаб этади, уларнинг шакли нафақат қулайлик ва мақсадга мувофиқлик билан тавсифланиши, балки эстетик ифодали, инсоннинг ушбу фаолият тўрини қайд этиши ҳам керак. Қурувчилар, ҳарбий шифокорлар ва ҳоказо учун махсус кийим костюмлари мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Костюм шакли унинг эстетик тўғри ечимида мақсадга мувофиқ ва ифодали бўлади: бунда силуэт аниқлаш, костюм қисмлари пропорционал нисбатлари тўғрилилиги, деталлар ритмик тузилиши яққоллиги, костюм ранг тузилишининг унинг вазифасига мос келиши кўзда тутилади.



29-расм. Фронтал силуэт (а) ва аниқ костюм профил силуэти (б)

Костюм шаклини уч ўлчамга эга ҳажмий-фазовий объект сифатида қараш керак. Костюм шакли унинг силуэтини тавсифлайди.

Костюм шакли конструктив йўллар билан айрим ҳажмлар ва костюм қисмларининг туташмаси орқали яратилади. Бу туташмалар чизиқлари конструктив чизиқлар дейилади. Улар ичига юклаш, рельефлар, шаклнинг

бўлиниш чизиқлари ва шаклнинг ҳажмини ўзгарирадиган кесик ва витачкалар киради. Агар бу чизиқлар декоратив безатилса (чок, бадий чоклар, шнур, тасма билан ва ҳ.к.), улар конструктив - декоратив чизиқлар дейилади. Бу ҳолда контрукциянинг ўзи эстетик функцияни бажаради.

Декоратив чизиқлар деталлар устига тикилган тасмалар ва чармдан бичилган тўғри чизиқли безаклар бўлиши мумкин. Силуэтлар куйидаги белгилар бўйича таснифланади: фигурада жойланиши бўйича (сал ёпишиб турадиган, ёпишиб турадиган, бемалол, кенгайган, пастга торайган) ва геометрик шакли бўйича (тўғри, трапециясимон, овал, учи кесилган икки учбурчак кўринишида ва Х-симон).

Мода ўзгаришида силуэт асосий воситадир. Геометрик шаклнинг кўринишидаги ўзгариш силуётдаги ўзгаришнинг белгисидир. Силуэт ўзгаришининг белгиси бўлган шаклнинг геометрик кўриниши ўзгарганда фақат конфигурацияси эмас, балки массаси ҳам ўзгаради.

5.2. КОМПОЗИЦИЯ КАТЕГОРИЯЛАРИ

Композиция назарияси кузатилаётган ҳодисалар орасидаги энг умумий ва энг муҳим алоқалар ва муносабатларни акс эттирувчи категорияларга асосланган бўлади. Либос композициясида тектоника билан хажвий - фазовий таркиб ана шундай категориялар ҳисобланади.

Тектоника шаклдаги конструкция ва материал бажараётган ишининг кўзга кўриниб турадиган аксидир.

Тектоника — бу асарнинг бадий қисмини конструкция ва қурилиш ашёлари орқали кўрсатади, сифат белгиси ҳисобланади. Бу эса буюмнинг муҳим белгиларидан биридир. Конструкторлик тизимини ўзлаштириш бадий асарнинг мезон талабига эга шаклни яратиш демакдир. Безак асарни нафосат жиҳатдан бойитса, шу билан бирга унга миллий мазмун йўналишини ҳам бағишлайди. Лекин ҳар қандай безак бериш иши меъёр чегарасидан чиқиб кетмаслиги керак. Тарихий костюм ҳам инсон фаолияти ва жамият

учун муҳит ҳозирлайди, лекин у ҳеч нарса тасвирламайди. У фақат геометрик шакллар мажмуасини яратади, холос. Аммо костюмнинг ташқи кўриниши ифода воситаларининг нафосат кучи жуда катта таъсирга эга. Бундай таъсирчанликни оширадиган воситалар қаторига рассомлик, ҳайкалтарошлик ва халқ амалий санъати безаклари намуналари ҳам киради. Улар замонни ифода этувчи сифатда - костюм билан уйғунлик касб этувчи муҳим қисмлар ҳисобланади. Табиийки, санъат воситаларининг синтези — умумий ҳодда олинган ҳар бир таркибий қисмининг сифатига ҳам боғлиқ бўлади.

Тектоник шакл - бу саноат буюми шакли конструкциясининг ва тайёрланиш усулининг материал хусусиятларини бадиий тушуниб етиш, уларни кўрсатиб бериш нуқтаи назаридан ифода топган иши. Материал ёки тайёрланиш усули буюмнинг тектоник шаклини топиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Рассом материал хусусиятларини, унинг конструкциядаги ишини ва буюмнинг тайёрланиш технологияси хусусиятларини - бўларнинг ҳаммасини умумий ғояга, яъни бадиий ва композицион мўлжалга бўйсундириб онгли равишда танлайди, топади, бўрттириб кўрсатади. Ҳар бир материалнинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, ана шу хусусиятлар мўайян шаклга асос қилиб олинади. Масалан, шифондан бўлаклари минимал микдорда бўлган майин, пластик, енгил шакл яратилса, парчадан каттик, «қуруқ» геометрик шакл ясалади. Материалдан буюмнинг кандай ишлаш нуқтаи назаридан фойдаланиш ҳар кандай буюмнинг чинакам тектониклигига эришишнинг муҳим шартидир. Агар мўайян материалнинг потенциал - конструктив имкониятларидан фойдаланилмаса ёки, бундан ҳам ёмони, ундан ғайритабиий тарзда фойдаланилса, унда тектоника бузилишидан кутилиб бўлмайди. Одамнинг ҳаракатлари натижасида чинакам зўр келишлар ҳисобга олинмаса, шакл конструкциясини ишлаётганда нотектониклик юзага келади.

Қачонки тектоника мўайян бадиий яхлитликнинг узвий қисми бўлса, шундагина у аниқ - равшан ва ифодали бўлиб чиқади. Фан - техника

революциясининг ютуклари - янги материалларнинг пайдо бўлиши тектоникага катта таъсир кўрсатади.

Нима учун тектоника композициянинг асосий категорияларидан бири ҳисобланади? Гап шундаки, конструкция ва шаклнинг конкрет материалда ифода топган ўзаро боғлиқлиги - бу энг муҳим жихат бўлиб, у бутун буюмнинг композициясини ва шу композиция устида олиб борилган ишни, яъни композицион усулдан бошлаб ва шакл характери, ҳамда унинг нюансларини топишга қадар композиция воситаларидан фойдаланишгача бўлган ишни белгилаб беради.

Ҳар бир буюм шаклига унинг ҳамма элементларининг бир-бири билан ва фазо билан ўзаро мўайян таъсир этиш нуқтаи назаридан қараш, яъни уни ҳажвий-фазовий структура деб ҳисоблаш мумкин. Бу структура баъзан эса жуда мураккаб бўлади. Ҳажвий-фазовий структуранинг мураккаблик даражаси қандайлигидан қатъий назар ундаги барча элементларнинг ўзаро алоқадорлик системаси тектоника билан бир қаторда чинаккам уйғунликка эришишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Костюм яратилаётганда унинг нимага мулжалланганлиги ва қандай шароитда ишлатилишини билаш керак. Костюм қулай, ишбоп ва чиройли бўлиши керак. Шунинг учун костюмнинг шакли, конструктив ҳал этилиши, материалларнинг танланиши, безаклари ва ранги унинг асосий вазифаларига, яъни эстетик ва амалий вазифаларига итоат этган бўлиши зарур.

5.3. КИЙИМ ШАКЛИНИНГ ТУЗИЛИШИ ҲАКИДА ТУШУНЧА. КИЙИМ СТРУКТУРАСИ ВА УНИНГ ТУЗИЛИШ ЖАРАЁНИ. ЛИБОС ШАКЛИНИ ҲОСИЛ ҚИЛИШДА ЧИЗИҚЛАР ВА ДЕТАЛЛАРНИНГ КОНСТРУКТИВ – БЕЗАК РОЛИ.

Кийим лойиҳалаш жараёнида унинг шакли чуқур аҳамиятга эга. Кийим шакли ўша замон услубига монанд бўлади. Кийимдаги шакл вақтдаги даврийликни ўзида сақлаб қолади.

Кийимни шакли қандай тўзилганлиги ва ривожланганлигини билиш учун унинг аҳамияти ва моҳиятини англаш керак. Дизайн соҳасидаги назарий

тушунчалар «Кийим шакли» тушунчасининг мазмунини тўлиқ изохлай олмайди. Кийим шакли кўпинча статик ҳолатда кўриб чиқилади. Ваҳоланки, у динамик система бўлиб ҳисобланади. Баъзида кийимнинг инсон билан боғлиқлигини, унинг ҳаракати ва пропорцияси билан боғлиқ ҳолатда қараб чиқиш керакдир. Ҳарбий хизматчиларнинг XIX аср давомида кийимлар рангининг ўзгариши урганилганда, факатгина уларнинг рангига эътибор бериб кифояланишимизга тўғри келади. Кийимнинг шакли ўрганилаётганда 4 даражага ажратишимизга тўғри келади. Газлама фактураси, ранги, безак чизиқлари ва кўринувчи чоклари - моддий декоратив даража Кийим эркинлик даражаси (танага епишувчанлиги - эркин ётиш ҳақ даражаси). Кийим шакли геометрик - ички тавсив сифатида (пропорция, геометрия, симметрия). Структуравий даража - одам танаси шаклининг пластиклиги - тана пластиклик даражаси.

Либос шаклининг юқоридаги даражалари бўйича урганиш чуқур ўзаро таҳлилни талаб этади. Шундай экан, кийим шакли динамик ҳолатда театрлаштирилган гуруҳ ёки бир кишилиқ манекенчилар ёрдамида намойиши билан олиб борилади.

Кийим намойишида асосан кийим моделининг фиксациясидан кўра, унинг пластик тилсимининг шакли хотирада қолади. Кийимлар намойишининг асосий мақсади - шакллар ғоясини, масалан геометрик шакллар ва уларнинг пропорционал мосликлари асосида тузилган кийимлар ассортиментини публика эътиборига беришдан иборат. Кийим шакли бунда ҳаракатда кўринади. Ҳаракат кийим шакли ҳақида маълумот берувчи омил бўлиб ҳисобланади. Маълум бир кийим шаклининг ўқилиши ва қабул қилиниши маълум бир вақт оралиғида юзага келади, яъни физикавий жисмнинг фазода ҳаракатланиши билан биргаликда биологик ўзгариш, кучланиш, товушлар, механик факторни - вақтинчалик фактор сифатида қабул қилиш керак. Кийим шакли маълум бир вақт мобайнида фазодаги аломатлар йиғиндисидан ҳосил бўлади.

Шундай қилиб, кийим шакли деганда фазовий вақт системасини динамик модели тушунилади. Ундан модел элементлари фигураси ва муҳити ўртасидаги кўп даражали структуравий боғлиқлигига эгадир. Кийим шаклини геометрик кўриниш – структура ва конструкция аниқлайди.

Шакл мавжудлигининг асосий қоидаси - унинг етуқлиги ва ташкил этилишидадир. Шакл 3 та аспектда бўлиши мумкин. Якка элементар модел системаси:

- Инсоннинг маълум образини тавсифловчи сифатида,
- Маҳсулотлар гуруҳининг умумий гоёсини берувчи тур сифатида,
- Вақтнинг умумий гоёсини аниқловчи максимум системани тавсифловчи базавий шакл сифатида.

Либосдаги геометрик кўриниш конструкция, материал ва пропорция шаклини тавсифлайди. Барча вариантлар учун асос бўлиб хизмат кўрсатувчи базавий ёки асосий шакл деб ҳисоблайди. Базавий шакл маҳсулотлар сериясига асос бўлиб, маълум услуб учун гоёвий шакл ҳисобланади. Услубий - базавий шакл бўлиб, вақтнинг маълум аҳамиятли аломатларини мужассамлаштирган шакл ҳисобланади. Классик шакл прогрессив урф - одатларни ўзида мужассамлаштириб ва уни келажакдаги ўзгаришини ўзида акс эттиради.

Классик шаклга мисол: рубашка, шим, пиджак, юмшок шляпа, шапка - кулоқчин. Классик шаклда - азалдан сақланиб келган ва ҳозирда функционал талабларга жавоб берувчи элементлар мужассамлашган бўлади. Шакл - нафақат ташкил этилган ҳажм, балки унинг фазо билан чегарасидир. Ҳар бир шакл оғирлик маркази ўқ ва симметрияга эга бўлиши лозим. Марказ шаклнинг катталиги ва унинг ҳаракатини аниқлайди ва психологик куч сифатида келтирилиши мумкин. Марказни нафақат унинг белгиларига кўра, балки визуал қабул қилинадиган тасвирлардан тарқалувчи кучлар ўзаро алоқаси орқали ҳам аниқлаш мумкин. Кийим шаклини ташкил этиш принципларини унинг структурасини тўлиқ урганган ҳолатдагина аниқлаш

мумкин. Бунинг учун шакл деталлари ва уларнинг ўзаро алоқа системаси нисбатлари бўлакларга бўлинган ҳолда урганилади.

Шакл ўрганилишининг турли аспектлари морфологик чизиқлари, функциялари, тайёрлаш технологияси бўлиб ҳисобланади. Структура - бирор бир объектнинг муаллақ «скелети» бўлиб қолмай, балки қоидалар мажмуаси бўлиб, бир объектнинг 1, 2, 3 чи ва ҳоказо элементлари ва ҳосилалари алмаштирилиши билан юзага келтирилади. Структура – кенг тарқалган тушунча бўлиб, у геология, математикада учрайди. Структура нафакат таҳлил учун, балки буюмнинг бирламчи қабули учун зарурдир. Структура - 2, 3 бўлакдан иборат система кўринишда қабул қилиниб, бўлакланувчи тушунчаси макроструктура бўлиб ҳисобланиди.

Макроструктура - унинг масштаби бутун асар масштабига тенг ёки системанинг тўлиқлигидир. Макроструктура деганда, маълум бир конструкция эстетик тинчлик асосида тўзилган маҳсулотлар гуруҳининг элементар структураси бўйича кетма-кетлиги тушунилади. Масалан: ўзбек халқи санъати мотивлари асосида яратилган уйинчилар, раққосалар қийимининг мураккаб ансамбли.

Микроструктура ёки элементар структура тушунчаси асосида макроструктура таркибини ташкил этувчи алоҳида моделлар тушунилади. Структурани англашдан мақсад - костюм аломатларининг сифати ўзгаришларини тушуниш, бу ўзгариш силжишни англатиш ва бу ҳақда ЭХМга маълумот шакли ўзгаришининг аҳамиятли ва аҳамиятсиз эканлигини ажратишдан иборат.

XIX-XX аср костюм шакллари таҳлил қилинганда, улар шаклининг геометрик шаклнинг маълум бир турига мансублиги аниқлиги, яъни шакл деталлари маълум бир шакл сифатида эканлиги маълум бўлади. Қийим шакллари таҳлили, улар силуетлари таҳлили билан ёндош бўлиб, улар трапеция, тўртбурчак, айланалар турли қанча шаклида берилган. Вақт утиши билан оддий, овалсимон, тўртбурчаксимон конфигурациялар мураккаблашиб келмоқда.

Кийим шакли замона услубига мос ҳолатда ўзгариб келади. XX аср костюмларидаги ҳам сифатий, ҳам миқдорий аломатлар таҳлил килинганда, кийимнинг ўзунлиги ва эни бел сатҳи, шакл проекцияси юзасига таянилиши кузатилди.

Устки кийимлар - пальто, плаш, куйлақларга нисбатан кам ўзгарувчан шаклдаги тўртбурчаклар ҳам вақт давомийлигида ўз қанчани ўзгартиради. Масалан: 1910 – 1944 йиллар ва 1966 йиллардаги аёллар кийимидаги шакл фарқлари. Ҳар бир мода цикли 103-106 йилни ташкил этади.

Кийимдаги асосий шакллар - 3 хил асосий геометрик структура - овал, трапеция, тўртбурчак.


Улар доим трансформацияланиб, бурчаклар катталиги ва чизиқлар кийишлиги ўзгариши билан ҳосил бўлади. Мода ва костюм мураккаб ўзаро ташкил этувчи система бўлганлиги сабабли, кийим шаклининг етуқлиги ва тўлиқлигини таъминлаш учун мода ривожланиши жараёнини бошқариш талаб этилади.

Костюм шакли конструктив йўллар билан айрим ҳажмлар ва костюм қисмларининг туташмаси орқали яратилади. Бу туташмалар чизиқлари конструктив чизиқлар дейилади. Улар ичига юклаш, рельефлар, шаклнинг бўлиниш чизиқлари ва шаклнинг ҳажмини ўзгарирадиган кесик ва витачкалар киради. Агар бу чизиқлар декоратив безатилса (чок, бадий чоклар, шнур, тасма билан ва ҳ.к.) улар конструктив - декоратив чизиқлар дейилади. Бу ҳолда контрукциянинг ўзи эстетик функцияни бажаради. Костюм силуэти деб ҳажмли шаклнинг унинг хусусиятларини ажратиб кўрсатувчи текисликда ифодаланишига айтилади. Костюмда мода йўналишларнинг алмашуви силуэтлар алмашуви билан характерланиши бежиз эмас. Костюм силуэти елка чизиқлари ва маҳсулот қомат қисми, енг боши, бел чизиги даражаси ва пасти характериға боғлиқ. Одатда костюм шаклини фронтал ва профил силуэтлар тавсифлайди (29 - расм).

Силуэт деб шакл кўриниши эътиборлигини таъкидловчи ҳажмийликнинг текисликдаги ифодасига айтилади. Кийимдаги мода

йўналишлари силуэтлар ўзгариши билан характерланиши тасодифий эмас. Костюм силуэти елка чизиқлари билан тананинг характериға, енгнинг юқори қисмиға, бел ва этак чизиқларининг жойиға боғлиқ.

Декоратив чизиқлар деталлар устиға тикилган тасмалар ва чармдан бичилган тўғри чизиқли безаклар бўлиши мумкин. Силуэтлар куйидаги белгилар бўйича таснифланади: фигурада туриши бўйича (сал ёпишиб турадиган, ёпишиб турадиган, бемалол, кенгайган, пастға торайган) ва геометрик шакли бўйича (тўғри, трапециясимон, овал, учи кесилган икки учбурчак кўринишида ва Х-симон). Мода ўзгаришида силуэт асосий воситадир. Геометрик шаклнинг кўринишидаги ўзгариш силуэтдаги ўзгаришнинг белгисидир. Силуэт ўзгаришининг белгиси бўлган шаклнинг геометрик кўриниши ўзгарганда фақат конфигурацияси эмас, балки массаси ҳам ўзгаради.





31 – расм. Геометрик шакли бўйича костюм силуэтлари


Бел чизиғи тикув буюми силуэтини шакллашда етакчи чизиқлардан бири ҳисобланади. Бел чизиғида кийимнинг зич ёдишиб тургани ёпишиб турувчи силуэтни; ўртача ёпишиб тургани — сал ёпишиб турадиган силуэтни, бел чизиғидаги кийимнинг кенглиги кўкрак чизиғидаги кенгликка деярли тенг бўлса — тўғри силуэтни, жуда бемалоли — кенгайган силуэтни ҳосил қилади. Ёпишиб турадиган силуэтнинг бел чизиғи равон бўлиб кўринади. Витачкалар рельефлар, ён чизиқлар равон эгри чизиқлар шаклида ўтказилади.

Структура деганда образли, функционал ва техник ечимга боғлиқ бўлган геометрик шакл элементларининг мўайян фазовий системасини тушиниш керак.

Костюм шакли костюм алоҳида ҳажмлари ёки қисмларини конструктив ечими ва қўшилиши йўли билан яратилади. Бу қўшилиш рўй берувчи йўллар

конструктив деб аталади. Уларга бириктирувчи чоклар, бўртма чоклар, кесиш, виточка шаклини ажратиш йўллари ва ҳоказо киради. Бу йўллар декоратив безалган бўлса баҳяқатор, кашта, боғич, тасма ва ҳоказо), улар конструктив-декоратив деб аталади. Бу ҳолда конструкциянинг ўзи эстетик функцияни бажаради. Кашта, тўр, мережка, тасма ва ҳоказо йўллари кўринишдаги соф декоратив йўллар ҳам мавжуд.

Асосий қурилиш материали сифатида газламалар ва трикотаж полотнолар ўз пластик хусусиятлари, драпировкаланиш даражаси билан шакл характери аниқлайди: унинг юмшоқлиги, оқувчанлиги, скульптура аниқлиги ёки қаттиқ қуруқлиги. Демак, шаклнинг пластик хусусиятлари унинг конструктив ечимига ҳам, газламалар хусусиятга ҳам боғлиқ бўлади.



32 –расм. Костюмда йўллар: а – конструктив; б – конструктив-декоратив; в, г – декоратив.

Кийим ишлаб чиқариш учун саноат ишлаб чиқарувчи газламалар тола тури: табиий (ўсимлик ёки ҳайвонлардан олинган), сунъий (ўсимлик ёки ҳайвонлардан олинган хом ашёни механик ёки кимёвий қайта ишлаш йўли билан олинган толалар) ва синтетик (кўмир, нефт ва бошқа смолаларни кимёвий қайта ишлаш йўли билан олинган толалар бўйича тизимлаштириш мумкин).

Газлама олиш учун ипларни тайёрлашда кўпинча етарли даражада гигиеник, механик, технологик, эксплуатацион ва эстетик талабларга жавоб берувчи турли толалар аралашмасидан фойдаланилади. Ипларни шакллантириш жараёнининг ўзи турли-туман: улар кўп ёки кам эшилган, фасонли эшилган, буклирланган, профилиланган ва ҳоказо бўлиши мумкин.

Тўқувчилик ва трикотаж ўрилишларнинг турли усуллари турли фактура юзали ва турли пластик тавсифли газламалар ва трикотаж полотнолар ишлаб чиқарилишига ёрдам беради. Масалан: юпка, тиник, капрон газламалар маълум тарангликка эга бўлади. Улардан шакли газлама енгиллигига мос келувчи хурпайган маҳсулотлар бажарилади. Бундай газламалардан маҳсулотлар кўринувчи чоклари минимал бўлиши керак (бундай газламаларда чоклар маҳсулот ташқи кўринишини кўполлаштиради ва оғирлаштиради). «Ёғсимон», «Оқувчан» (креп сатинга ўхшаш) газламалар одатда (сатин ўрилиши туфайли) яхши акс эттирувчанлик, ялтираш хусусиятига эга бўлади. Бундай газламалардан маҳсулотларни газламанинг фигура бўйлаб пластик ҳаракатини кўзда тутувчи етарли даражадаги ҳажмли қилиб бажарилади, бу енгил драпировкаланиш билан эришилади, шунда газламанинг ифодалилиги маҳсулот шаклини декоратив оҳанггача кўтаради.

Қуруқ газламалар (жун лавсан билан, зиғир толали лавсан билан ва ҳоказо) маҳсулот тайёрлашда маълум техник қийинчиликлар яратади, бироқ таранг пластикликка эга бўлади, улар одатда, юмшоқ, тинч тусларга бўялади. Улардан босиқ, бироз «юмшатишган» ёки қатъий аниқ шакллар (костюмлар, кўйлақлар, кўйлак-палтолари ва ҳоказо) яхши «ясалади». Шундай қилиб, костюм шаклининг пластик хусусиятлари ҳақида гапирганда (унинг

геометрик аниқлиги ёки юмшоқлиги, оваллиги ёки нотекислиги ва ҳоказо), биз материалларнинг маълум хусусиятлари ва шакл характери ўртасида тўғри боғланиш мавжуд. Бу демакки, умуман маълум геометрик турдаги шакл яратиш зарур бўлса, газламалар улкан турли-туманлигидан маълум конструктив ечими билан бу шакл доимийлигини таъминлай олувчиларинигина танлаш керак.

Кийим шаклини тасвирлашда қуйидаги асосий чизик гуруҳлари фойдаланилади.

Силуэт чизиклари - шаклнинг ташқи контурларини чегараловчи чизик.

Конструктив чизиклар - кийим шаклини ҳосил қилишдагина катнашадиган чизиклар; елка чоклари, виточкалар, енг ўтказиш чоклари.

Конструктив - декоратив чизиклар деб, ҳам шакл ҳосил қилувчи, ҳам декоратив вазифаларни бажарувчи чизиклар: буртмалар, кокеткаларни улаш чоклари, киркмалар, майда тахламалар, бўртма бурмалар, драпировкалар, бурмалар тушунилади.

Декоратив чизиклар - декоратив вазифаларнигина бажарувчи чизиклар: куйма бурмалар, икки томонлама куйма бурмалар, тасмалар, тўрлар, безак деталлар, фурнитура, кашталар, бантлар.

Шаклнинг бу хусусиятига кийим шакли катта-кичиклиги билан одам гавдасининг нисбати тариқасида, шунингдек икки ёки уч шаклнинг - уларни бир-бирига таққослаётгандаги нисбати тариқасида каралади. Факат қанча ўхшаш кийимларнигина ва уларнинг таркибий қисмларинигина катта-кичиклик жихатидан таққослаш мумкин.

Масса — кийим шаклининг яхлитлигига ёки унинг алоҳида қисмларининг (тана, енг, ёқа ва ҳ.к.) кўз билан кўринган сони ёки бу умуман кийим шаклини ёки ундаги алоҳида қисмларнинг оғирлик микдоридир.

Шакл массасининг кўриб, идрок этилишига қуйидагилар таъсир этади. Шаклнинг катта-кичиклигига мисол: каттароқ шаклнинг массаси каттароқ туюлади; Хажмдорлик даражаси - хажм характеридаги шаклнинг массаси максимал, чизикли характеридаги массаси эса минимал бўлиб кўринади.

Шаклнинг ўз чегараси доирасидаги конструктив, конструктив - декоратив ва декоратив чизиқларига қанчалик тўлганлик даражаси - кийим шакли чизиқларга сийрак тўлган бўлса, массаси минимал, энг кўп тўлган бўлса массаси максимал бўлиб кўринади.

6. КОМПОЗИЦИЯ ВОСИТАЛАРИ


Композиция воситалари орасида пропорцияларни, ўлчам нисбатларини биринчи ўринга қўйиш керак - бутун композицияни кўришнинг асоси мана шудир.

Шаклнинг бўлаклардан иборатлиги одам гавдаси тузилишининг мураккаблигидан, унинг қадди — қомати тузилишидан, неча ёшдалигидан, материалнинг характеридан ва кийимнинг тикилиш технологиясидан, моданинг нимага мўлжалланганлиги ва йўналиши қандайлигидан келиб чиқади.

Кийимдаги мутаносиблик — пропорция кийим алоҳида қисмлардаги мос ўлчамларнинг бир — бирига, ҳамда одам гавдасидаги мос ўлчамларга бўлган нисбатидир.

Тасвирланган буюмни унинг пропорциясига қараб, яъни буюм қисмлари узунлигининг кенглигига нисбати орқали билиш мумкин. Ҳар қандай буюм фақат ўзигагина хос бўлган маълум пропорцияларга, буюм қисмлари катталикларининг бир-бирига ва бутун буюмга нисбатан ўлчам нисбатларига эга бўлади. Буюмни билишда на унинг шакли, на ранги ёки материали пропорция каби шунчалик катта рол ўйнамайди. Расм чизишда пропорцияни ҳис этиш энг асосий муҳим кўрсаткичлардан биридир. Пропорциянинг бузилиши расм ҳақиқийлигини бузади. Ҳар қандай мураккаб шаклга турли нуқталардан қараганда у турлича қабул қилинади. Лекин унга қай томондан қараганга ва қайси кўринишда тасвирланганига қарамай, шакл асл ҳолдаги пропорцияси ва характерига мос бўлиши ва аниқланиши лозим. Кўзанинг турли кўринишдаги расмларидан буюмни билишимиз, тасаввур қилишимиз ва унга хос бўлган пропорция ва шаклни аниқлашимиз мумкин.

Агар буюм қисмларининг ўзаро нисбати расмда нотўғри тасвирланган бўлса, перспективада унинг тўғри чизилганлиги, ёки сояси ва ранги аъло даражада бажарилганлиги ҳам тасвиими ҳақиқий қила олмайди.




33 - расм. Кўзанинг турли хил кўриниши

Расмда буюм пропорциясини аниқ топиш расм солувчи кўзининг ўлчаш (чамалаш) қобилиятига боғлиқ. Кўз билан ўлчаш қобилияти натуран (аслидан) системали равишда расм чизиш мобайнида аста-секин ривожланади. Буюмлар гуруҳини чизишда мураккаброқ масалани ечишга — буюмлар гуруҳи пропорциясини топишга тўғри келади. Бу ҳолда буюмлар қисмлари ва катталикларини куз билан чамалаб таққослаш усули ишлатилади. Ўлчов бирлиги сифатида шу гуруҳдан бирон буюмнинг катталиги олинади.

Кандай пропорционал нисбатларни танлаш кийимга қўйиладиган функционал талабларга боғлиқ. Шунинг учун ҳамма ҳолларда бир хилда яхши бўлаверадиган қандайдир пропорция бўлиши мумкин эмас. Пропорция танлаш киши гавдасининг хусусиятларига ҳам - унинг бўйи, тўлалиги, қомат расолиги тузилишга ва албатта, ёшига ҳам боғлиқ.

Кийимнинг шакли ҳар хил бўлинишларга эга бўлиши мумкин, бунинг одам танаси шаклига, материал структурасига ва тикув буюмининг

технологиясига, кийимнинг вазифасига ва унга қўйиладиган талабларга боғлиқлиги билан тушунтириш мумкин.



34- расм. Қизлар гавдасининг тузилишидаги ўзаро мутаносиб нисбатлар (а); қизларнинг ҳар хил ёш гуруҳларига оид кийимларнинг конструктив шакли (б).

Пропорция — икки нисбатнинг тенглиги. Икки солиштирма миқдорнинг ижобий таассуроти уларни бир-бирнга мослигини билдиради. Солиштирма миқдорларнинг бир-бирига қонуний мослигини таъминлайдиган нисбатлар бор. Улар оддий ва иррационал турларга бўлинади. Оддий нисбатлар—бу бутун сонларнинг нисбати. Иррационал

нисбатлар— бу каср сонлар нисбати. Улар геометрик тузилма ёрдамида топилади ва нисбатлар тузилади. Деталлар размерларини, кийим қисмларининг аниқ нисбатларини ва унинг образли ечимини аниқлашда асосан сонлар нисбатида асосланган.

Конструктив поясларнинг горизонтал сатҳи одам фигурасининг пропорцияси билан узвий боғланган. Болалар фигурасига келганда, болалар бир текис ривожланмайди. Уларнинг қўл, оёқ ва бош ўзунликларининг нисбати ёшининг хусусиятларини аниқлайди. Болалар ёши бўйича бешта гуруҳга бўлинади. Ҳар бир ёш гуруҳига мансуб бўлган кийим мутаносиблиги ва ҳажми бўйича ўз хоссасига эга. Ўсмирлар костюмига келганда, унинг мутаносиблик ечими ва композицион тузилиши асосан катталар костюмига ўхшаш. Ўсмирнинг шаклланган фигураси кийимда ҳар хил (лекин унинг ёшига монанд) конструктив чизиқлар ва мураккаблашган бичимлар қўллашга рухсат беради.

Пропорция — бу кийим қисмларининг ўлчамларига биноан; бири-бирига ва одам гавдасига таққосланган нисбатлари. Кийимнинг бўйи, эни кўкрак қисми билан юбкасининг, енгларининг, ёқасининг, бош кийимининг, деталларининг ҳажми, узунлиги, кийим кийилган қад-қоматни кўриб идрок этишга, унинг ўлчамлари монандлигини фикран баҳолашга таъсир кўрсатади. Инсон гавдасининг табиий мутаносиблигига яқин бўлган нисбатлар энг чиройли, мукамал, «тўғри» кўринади.

Маълумки, бошнинг узунлиги киши бўйининг узунлигига 8 мартача жойлашади, бел чизиғи эса танани тахминан 3:5 нисбатда иккига бўлади. Турли йўллар билан табиатдаги, санъатдаги монандликни излаган қадимги рассомлар, архитекторлар, олимларнинг тадқиқотларида, чизмаларида, ҳисоблашларида «олтин кесим» тушунчасини учратамиз; бу тушунча математик йўлда 3:5, 5:8, 8:13, 13:21 ва ҳоказо сонлар нисбати тарзида ифода этилади. Бунда кичик қисм катта қисмга худди катта қисм бутун қисмга нисбати каби бўлади. «Олтин кесим» мутаносибликлари энг яхши

архитектура асарларида такрорланади, жонли табиатда кўп марта учрайди — яъни қонуний, доимий ҳисобланади.

Одам фигураси орасида ҳам мана шу пропорциялар такрорлангани энг пропорционал ҳисобланади. Костюмда табиий пропорцияларни ҳам, атайлаб бузилган пропорцияларни ҳам ишлатиш мумкин. Бу ерда турли вариантларни батафсил кўриб чиқишнинг иложи йўқ, чунки бунинг учун композиция қонунларини жиддий ўрганиш керак. Табиий мутаносибликлар, одатда, ҳар қандай фигура учун "фойдали" эканини ёдда сақлаш керак; айти вақтда кийдириб кўриш вақтида бирон чизиқни сал нари-бери суриб, "излаб кўриб" (масалан, бел чизиғини озроқ кўтариш ёки тушириш, елкаларни торайтириш ёки кенгайтириш, кўйлак, энг ўзунлигини, ёқа, чўнтаклар, белбоғ ўлчамини, сал ўзгартириш мумкин) гавда тузилиши камчиликларини тўзатиш мумкин.



35 – Расм. Одам гавдаси ва костюм пропорцияси

Одам гавдаси ва костюм пропорцияси ҳақида гапирилаётганда, қадимги Россиядаги ва антик Юнонистондаги бир-бирига ўхшамайдиган, аммо монандлиги, пропорциялари, чизиқлари, безаклари гениал бадий ҳисобланганлиги, табиатга қўшилиб кетишининг табиийлиги жиҳатидан

якин архитектура обидаларининг ўлмас гўзаллигини эслатиб ўтиш жоиз бўлади. Кийим яратиш кўп жиҳатдан меъморликка ўхшаб кетади — бу иккала санъат ҳам одамлаига бевосита тегишли, одамнинг табиий мутаносибликларидан келиб чиққан: ниҳоят, кийим одам билан бирга деярли ҳамма вақт бинолар орасида, ички хоналарда бўлади. Бинолар ҳам ўз навбатида табиий муҳитда, шаҳар архитектураси орасида бўлади. Шунинг учун турли замонларда архитектура ва кийим ўз даврининг бадий услубини акс эттирган: халқ кийими эса энг яхши, энг мукаммал, энг «мангу» нима бўлса, ҳаммасини ўзига сингдириб асрлар мобайнида сақлайди. Мода журналларидаги мақолаларни, расмлар изоҳини кўраётганда, аввало "силуэт" (бичим) тушунчасига дуч келамиз.

Масштаб ва масштаблик. Одатда деворий расмлар темпера ва минерал бўёқлар билан ишланади. Бунда девордаги ранглар мажмуаси орқали ҳосил бўладиган, акс этадиган буюм ёки безакларнинг томошабинга кўринадиган нисбий ўлчовини ҳам аниқ ҳисобга олган ҳисобланади. Чунки ҳар қандай бино инсоннинг яшаш шароити ва табиий иқлим хусусиятларига мослаб қурилиши керак. Уй - жойнинг ҳажми ва унинг миқёси ҳам шунга мос равишда белгиланади. Меъмор бирор иморат лойиҳасини тайёрлар экан, ундаги масштаб ўлчовини кўрсатиш учун, бир четига, одам тасвирини ҳам чизиб қўяди. Шунда лойиҳанинг ҳажми қандай бўлишини англаб олиш унчалик қийин бўлмайди. Аммо маҳобатли — бадий тасвирдаги масштаб бутунлай бошқача бўлиб, муаммо ана шу аниқ девор сатҳидан ва у билан томошабин оралиғидан келиб чиқади. Гоҳо унга танланган мавзу композициянинг турли ўзгаришларига сабаб бўлиши мумкин. Деворга маҳобатли рангтасвирлар ишлайдиган мусаввир ҳам ўз композициясини яратар экан, унда акс эттираётган шаклларининг бир четига одам тасвирини чизиш орқали масштаб миқёсини маълум қилади.

Миқёс ўлчовини кўрсатишда, бино композициясининг ҳажми ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бино кўламининг даражаси унинг дераза ва эшиклари ўлчовидан ҳам сезилади. Агарда деразалар ўлчами кичик бўлса, девор сатҳи

кузимизга катта бўлиб кўринади. Аммо кичик ўлчамдаги дераза эътиборимизни узоқ ўтмишга ҳам қаратади. Борди-ю, иморат ўлчамини ўзгартирмай унга катта ҳажмдаги дераза, ойналар қўйсак, гўё уй энди кўзимиз олдида янгича, замонавий кўриниш касб этгандек гавдаланади. Демак, миқёс (масштаб) ўлчови, ҳажм ўлчови билан чамбарчас боғлиқ экан.


Масштаб ўлчови билан бирга, улар орасини белгилайдиган «қадам оралиғи ўлчами» (метрик такрор) ҳам мавжуддир. «Қадам оралиғи» композицияда ёки (айрим қисмларнинг), кетма-кет бир хил такрорланишида ҳам учрайди. Айвон олди устунлари оралиқ масофасининг бир хил тақсимланиши, улар орасига ўрнатилган қирма панжаралар қаторининг бир хил такрорланиши бунга яққол мисол бўла олади. Уй тепасидаги новалар оралиғи ўлчамлари ҳам қадам ўлчамини ҳосил қилиб, шу бино ҳажмига ўз таъсирини кўрсатади.

Устунларнинг бир хил оралиқда ўрнатилганлиги, уйни кузимизга баланд, уларнинг оралиғи бир хиллиги айвонни бежирим ва шинам қилиб кўрсатади. Бунда устуннинг йўғон ёки ингичкалиги ҳам муҳим роль ўйнайди. Баланд шифтли айвонга қўйилган ингичка устунлар унинг юкини анча енгил қилиб кўрсатади, бинонинг бўйига бўй қўшади. Устуннинг йўғон бўлиши бино юкини устун ўз зиммасига олганини кўрсатади, айвоннинг салобатини оширади. Аммо бўларнинг ҳаммаси композиция масштаби ўлчови билан иморатнинг умумий ҳажмига мутаносиб бўлиши керак. Акс ҳолда иморат хуснини арзимаган камчилик билан бўзиб қўйиш мумкин. Тасвирий санъатда эса «қадам оралиғи» учрамайди, мақсад ранглар уйғунлиги ёки уларнинг ўзаро қарама-қаршилиги — контраст билан ҳал қилинади.

Кийимда пропорция гармониянинг яна бир муҳим воситаси - масштаблилиқ билан ажралмасликда бўлади.

Масштаблилиқ - шаклнинг ва ундаги элементларнинг одамга нисбатан, теварак - атроф фазога ва бошқа шакларга нисбатан мослигида. Кийимнинг масштаблилиги унинг абсолют катта-кичиклигига эмас, балки унинг инсон танасига мослигига қараб белгиланади. Масштаблилиқка эришиш пропорция

билан боғлиқ бўлади. Пропорцияларни ўзгартириш йули билан гавдани катталаштириб ёки кичиклаштириб кўрсатиб, гавдага чинакам ёки сунъий масштаб бериш мумкин.




36 - расм. Костюм қисм ва деталлари нисбатининг масштаблилиги

Масштаб — томошабинга нисбатан кўриш нуқтасини ҳисобга олган ҳолда, тасвир текислиги сатҳига нисбатан олинади.

Ритм - маромлилик тушунчаси, умумий кўринишда - бу шакл элементларининг навбатма - навбат конуний алмашланиб туришидир.

Маромлилик тушунчаси умуман олганда вақт давомида ёки фазода элементларнинг мўайян такроридир. Маромлиликнинг энг оддийси — бу бир элементнинг тенг оралиқларда такрорланиши. Маромлиликнинг бу хили метрик такрорланиш дейилади.



37 - расм. Композицияда ритмик тартиб

Элементнинг ўзини ёки элементлар орасидаги масофанинг орта бориши ёки камая бориши мутаносибли кетма-кет маромлиликини характерлайди. Маромлилик асосига мутаносибли нисбатлар қўйилган. Қуйидаги маромлилик чизиқлар (конструктив ва декоратив), декоратив деталлар (чўнтаклар, қопқоқлар, белбандлар, тугмалар, безак баҳяқаторлар ва ҳ.к., газлама фактураси (икки-уч хил фактуралар бирикмаси), ранглар (костюмда икки-уч хил ранглар бирикмаси), безак шакли каби элементлар ёрдамида яратилади.

Костюм композициясидаги маромлилик костюмни ташкил этган шаклнинг ҳамма қисмларини бир-бирига боғловчи воситалардан бири ҳисобланади. Акцентли (эътибор тортадиган) элементлар актив элементлар дейилади, акцентсизлари эса пассив элементлар деб юритилади. Актив элементлар ўртасидаги оралик (интервал) динамик одим деб аталади. Элементлар ҳаракатининг орта бориш тезлиги суръат дейилади. Оддий метрик қатор, яъни бир хил шаклларнинг тенг интервалларда такрорланиши композиция тузишга асос қилиб олинадиган энг оддий қонуният ҳисобланади.

Икки ёки ундан ортиқ оддий метрик қаторларнинг бирга қўшилганидан иборат қатор мураккаб метрик қатор деб аталади.

Шаклларнинг ва улар ўртасидаги интервалларнинг бирин-кетин қонуний ўзгара бориши (катталаша ёки кичрая бориши) шакллар жойланишининг ритмик тартиби дейилади.

Ритмик тартиблар қуйидаги схемаларда бўлиши мумкин: тенг элементлар такрорланиб туради-ю, улар ўртасидаги интерваллар ўзгара боради:

- шакл элементлари катталаша ёки кичрая боради-ю, интервал ўзгармайди.
- шакл элементлари ҳам, улар ўртасида интерваллар ҳам катталаша ёки кичрая боради.
- шакл элементлари радиал йўналишда катталаша ёки кичрая боради.

Ритм камая борадиган ёки орта борадиган бўлади. Бундаги суръат суръат секин, ўртача, тез бўлиши мумкин. Бу костюмда динамика ҳосил қилади.

Одам гавдасининг симметрия ўқиға нисбатан ечимларини турли хил жойланишидан фойдаланиб, шакл элементларининг ритмик тузилишига эришса бўлади. Костюм композициясида ритмик тузилишининг биргина туридан фойдаланиш камдан - кам учрайди.

Шаклнинг ҳамма элементлари – ҳажм чизиқлар, фактура, деталлар, безак ва ҳоказолар ритмик тузилиши мумкин. Костюм элементларининг бирлашиш схемасига биноан ритмик тузилиш вертикал, горизонтал, диагональ, спирал, нурсимон, радиал, бир томонли, қарама - қарши ва аралаш йўналишли бўлади.

Ритм тушунчаси умумий кўринишда бу шакл элементларининг навбатма-навбат қонуний алмашилиб туриши. Костюм композициясидаги ритм костюмининг ташкил этган шаклнинг ҳамма қисмларини бир-бирига боғловчи воситалардан бири ҳисобланади. Ритм ҳар қандай асарға мусиқийлик бахш этади, уни ҳаракатға солади. Ритм сабабли бош

композицион ғоянинг жарангдорлиги ортади, мўайян тартиб ва равонлик киритилади. Шакл элементларининг ва улар ўртасидаги интервалнинг такрорийлиги ритмнинг характерли аломати ҳисобланади.

Шаклларнинг ва улар ўртасидаги интервалларнинг бирин-кетин қонуний ўзгара бориши (катталашиши ёки кичрая бориши) шакллар жойланишининг ритмик тартиби дейилади. Ритмик тартиблар қуйидаги схемаларда бўлиши мумкин; тенг элементлар такрорланиб туради-ю, улар ўртасидаги интерваллар ўзгара боради; шакл элементлари катталашиб ёки кичкиналашиб боради-ю, интервал ўзгармайди; шакл элементлари ҳам, улар ўртасидаги интерваллар ҳам катталаша ёки кичрая боради.

Ритм камая борадиган ёки орта борадиган бўлади. Бундаги суръат секин, ўртача, тез бўлиши мумкин.

Костюм композициясида ритмик тузилишнинг биргина туридан фойдаланиш камдан кам учрайди. Шаклнинг ҳамма элементлари - ҳажм, чизиқлар, фактура, деталлар, безак ва ҳоказолар ритмик тузилиши мумкин. Костюм элементларининг бирлашиш схемасига биноан ритмик тузилиш вертикал, горизонтал, диаганал, спирал, нурсимон, радиал, бир томонли, қарама-қарши ва аралаш йўналишли бўлади. Элементларнинг ривожлана боришида ўз қонуният борлиги композицияни ритмик ҳал қилишнинг характерли хусусиятидир.



38 - Расм. Костюм элементлари ритмик ривожланишининг йўналиши

Композициявий таркибга кўра, ҳаракат масофа оралиғи (интервал) орқали оҳиста тасвирланса тамом бўлмайдиган, давом этадиган кўриниш касб этиши мумкин. Бундай ҳолда тасвир шартли равишда тамомланади. Уй беағи ҳисобланган палак нақшлари асосидаги композицияни асосан ритмдан иборат тасвирлар десак ҳам янглишмаймиз. Аммо, тасвирий санъатнинг барча соҳаларида ҳам ритм асосий, ҳал этувчи вазифани бажаравермайди.

Айрим композициялар воқелигида ритм ўзининг асосий бадииятли таъсирини кўрсатади. Вазн (ритм) композициянинг қонуний бир бўлаги бўлиши билан бир қаторда асар диапозонининг кенглигини белгилаши билан ҳам rassom ижодида катта ўрин тутати.



39 - расм. Костюмда ритм кўринишлари

6.1. РАНГ ВА УНИНГ ТАСВИРИЙ ИФОДАСИ

Атрофимизни турли-туман ранглар чулғаб олган. Ранг табиат бойлиги, унинг ҳаётий мосланувчанлигининг саҳий ифодаси, турмуш қувончи, безагидир. Кишиларга хос бўлган эстетик интилиш уларнинг ўзини ҳам бўёқлар яратишга ўргатади. Табиат бизга ранг тақдим этди, лекин унинг ранго-ранг жилваларидан, хоссаларидан тўғри фойдалана билиш, унинг тусларини ажрата билишга ўрганиш лозим. Инсон ажойиб бўёқларни кашф этди ва уларни мукаммаллаштирмоқда. Бўёқлар шойи газламаларда товланади, жунда жилваланади, улар расмга ҳаёт ва барҳаётлик бағишлайди.

Ранг қудратли, ҳал қувват куч сифатида ўз таъсирини ўтказадиган нарсалар, соҳаларининг саноғи йўқ.

Табиатда ҳам ранг худди қадим-қадимлардагидек кишилар ҳаёлини тўлқинлаштиришда давом этмоқда. Рангнинг инсон фаолиятига бўлган эмоционал таъсири жуда мураккабдир. Гёте, Леонардо да Винчи, Кандинский, Алпатов, каби буюк санъат назариётчилари ва рассомлар рангнинг психологик таъсири билан шуғулланиш. Турли ранглар ўлим ва ҳаётнинг рамзлари сифатида хурсандчилик ва қайғуни ифодалаган. Рангнинг инсонга бўлган эмоционал таъсири кўп қирралидир ва унга турлича нуқтаи назар билан қарамоқ керак. Масалан, девор сиртига суртган бўёқ ранги кўйлак ранги учун ёктириб танланганда ёқмаслиги мумкин. Инсоннинг хурсандчиликка, гўзалликка, равшанликка бўлган интилиши унинг табиатига хосдир, шунинг учун у доимо чиройли бўёқлами, гармоник уйғунликни афзал кўради. Халқ ижоди намуналари бўлган кашта, ироқи, гилам, чинни, сопол идишлар ва бошқа халқ ҳунармандчилиги буюмлари рангламинг жилоси ва ўзаро уйғунлиги билан инсонни ҳайратга солади.

Ранг эстетикаси бутун ижодий жараён билан органик равишда боғлиқ бўлиб, инсон тафаккурининг табиатни, атроф-муҳитни чуқур ва наздик идрок қилиш натижасидир. Одатда турли одамлар рангларга, худди мусиқадагидек, турлича муносабатда боғладилар. Ранг ҳам мусиқа каби инсон кайфиятига таъсир қилиши мумкин. Масалан, илиқ ранглар (сарик, олов ранг, қизил) таъсирчан, ҳаяжонлантирувчи, кўзғатувчидир, совуқ ранглар (бинафша ранг, кўк, ҳаво ранг ёки яшил) босиқ, тинчлантирувчидир. қизил ранг болалар ва аёллар, кўк эркеклар орасида оммалашгандир. Қизил рангдан қадимдан қизамиқ, қизилчани даволашда фойдаланганлар. шу билан бирга қизил ранг бош оғриғига ва чарчоққа сабаб боғлади, қон босимини оширади, яъни одамни қаттиқ ҳаяжонлантиради. Яшил ранг — ўсимлик ранги, одамни тинчлантиради, бинафша ранг — юрак ва ўпкага яхши таъсир қилади; сарик — илиқлик ҳиссини уйғотиб, кайфиятини кўтаради, иштаҳани очади; қора ранг — қоронғулик ва совуқ билан ассоциацияланади ва ҳ.з.

Осмондаги камалакнинг ранг-баранг товланишига ҳаяжонланмай қараб боғладими? Бу манзара ҳар доим завқ бағишлайди. Ана шу камалакни кишилар осмондан «ўзиб», унинг ранглари сеҳрини таркибий қисмларга (спектрга) ажратдилар ва табиатнинг ҳаяжонлантирувчи, ажойиб ҳодисасини фанга айлантириб, рангини ўз хоҳишларига бўйсундирдилар. Масалан, камалакнинг уч асосий ранги — қизил, сариқ ва кўк рангларда битмас-туганмас бойлик яширинган. ўлами; аралаштириб, сон-саноксиз ранг ва туслар ҳосил қилиш мумкин. Спектрда (камалакда) оқ, кул ранг ранглар йўқ. Улар алоҳида гуруҳни ташкил этади. Шу гуруҳга қора ранг ҳам қўшилади. Унинг кул рангдан фарқи янада тўқлигидир.

Ранг тасвир асарларида ранглар муносабати уйғунлаштирилиши катта аҳамият касб этса ўймакорликдаги ритм асар савиясини худди шундай ошириб кўрсатади. Композиция яратишда ритм тартибсиз буюм ёки тасвирий чизиқларни умумий андозага солиб қолмай, балки уларни томошабинларга яхлит, ботартиб бўлиб кўринишида катта аҳамият касб этади. Агар тасвирга ритмик ҳолатлардан қай бирини қўлласак, ҳаракатчан ёки суст динамик, статик бўлиши мумкин? Агар тасвирий чизиқларни ҳаракатчан давом эттирилса, у ҳолда бу ритм ифодаси чексиз йўналиш ҳосил этади ва шу услубга мансуб бўлиб қолади. Бордию, тасвир чизиқлари оҳангдорлиги ўзилиб қолса, ёки айрим-айрим шакллардан иборат бўлса, бу тасвирлар оралиғида тўхталиш (пауза) бўлса, у суст ритмли услубга мансубдир. Бу услуб шакллари ёлғиз, алоҳида ҳолда ҳам қўллаш мумкин. Шунини ҳам айтиш керакки, томошабин томонидан бундай ритм шакллари бир лаҳзада ёки узоқ муддат давомида қабул қилиниши ҳам катта аҳамиятга эга. Бу ҳолларда рассомнинг тасвирини қандай шароитда кўришни мўлжаллагани, тасвир ифодаси, ҳажми ва унинг чизиқларини тезқор, нозик ёки суст тасвирлагани ҳақида фикр юритиш мумкин. Сусти оҳангдаги чизиқларга ҳаракат тасвирий воситаларини қўллаб, уларнинг акс этиш ўрнини белгилаш, тўрини ўзлаштириш, бошқа услубга алмаштириш ҳам мумкин.

Табиат томонидан, ақл аралашувисиз яралган табиий борлиқ, тафаккур, сезги, дид ва фаросатга «янги ижодий топилмадек» ҳизмат қилиши муэдкин. Ҳар бир ижодкор воқеликни ўз шахсияти, тафаккури билан эътиборга молик томонларини синчиклаб кузатади ва шу идроклаб билган буюмларига «янгича маъно» ифода бағишлайди. Ана шу, мўайян табиий шаклни бошқа бир ижодкор яна бошқа композиция учун бутунлай «янги» қирраларини топиб шакллантириши ҳам мумкин. Шунинг учун табиат яратган воқелик устида чуқур ўйлаш, фикр юритиш, сиёсий, фалсафий талқинлар топиш, табиат ёрдамида зехни ўткирлаб сайқаллаш зарур.

Ижодкорнинг асосий вазифасини мавжуд воқеликни ақл кўзгусидан ўтказиб, бадиий талқин этишдир. Ижодкор азалдан шундай вазифани адо этиб келган. Ўтмиш маданиятимиз соҳиблари бўлган санъаткорларнинг яратган буюмлари кўлга олинса, вужудда қандайдир қувонч, кўтаринки кайфият сезилади. Чунки шу буқимларга аждодлар томонидан тасвирий тафаккур руҳи сингдирилган, гўзал, бадиий, нафосатли сайқал берилган.

Инсон ўзининг кўриш қобилияти билан табиат яратган барча ранг жилоларидан баҳраманд бўлади. Ёруғ дунёни нурсиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, уни рангсиз ҳам тасаввур қилиб бўлмайди. Табиат ўзининг ранг-баранг сеҳрли бўёқлари орқали қалбимизга қанчадан-қанча қувонч, шодлик, ғурур ва кайфият бағишлайди.

Тасвирий санъатда рангнинг тўтган ўрни ғоят катта. Рангни кўриш — бу табиатдош барча нарсаларни бир-биридан фарқ қилишдир. Фарқ қилиш, бу — куз билан кўрган буюм ҳақида фикр юргизиш, унга маъно-мазмун бериш, қолаверса ранглар воситаси билан улар ўртасидаги муносабатни ифодалаб санъат асарига жон ато этишдир. Рангларнинг ҳиссий аҳамияти ўз таъсирини инсонлар кузидагина акс эттириб қолмай, балки уларнинг руҳиятига ҳам таъсир қилади.

Ранглар тарифномаси ўрганилар экан, унинг янги-янги қизиқарли томонлари очилаверади. Ранг орқали дунё сирларидан хабардор бўлинади. Зангори ёки ҳаво ранг инсонлар фикрини осмон ва денгиз сари жалб этса,

сарик ва яшил (кўк) ранглар эса қуёш ва майсазорларни куз олдида намоён қилади. Ранглар соф физиологик таъсир кучини кишилар кузида акс эттирибгина қолмай, у сезгига, тафаккурга, дунёқарашга ва эстетик онгига ҳам таъсир ўтказади. Кишини унинг устидаги либос безаганидек, табиатни ранглар безайди.

Тасвирий санъатда ранглар воситасида қувонч, қўрқув, ҳаяжон ифода этилади. Ҳатто драматик образларга маъно бағишланади. Табиатдаги буюмларга, нарсаларга нисбатан кишиларнинг ижобий ёки салбий муносабатини ифодалайди. Нарсаларни бир-биридан фарқ қилиш — рассом учун кўри-ниб турган буюмлар рангини, ҳажмини тасвирий воситалар орқали ифодалаш ва таққослашдир. Таққослаш эса, бу кўз билан кўрган буюм ва нарсалар ҳақида фикр юргизиш, яна шу тасвирланмоқчи бўлган буюмни ижод жараёнида бадиий санъат асари даражасига кўтаришдир. Рассом куз илғамас рангларни бир-биридан фарқласа, топа билса, унга маъно юкласа, бу унинг табиатга онгли равишда, фалсафий ҳамда бадиий куз билан бокишидир. Табиатда учрайдиган ранглар асосан зангори, сарик, қизил, яшилдир. Агар рангларга бадиий образ юкланадиган бўлса, уларни қуйидагича таърифлаш мумкин: Сарик ранг — рангларни ичида энг ёруғи.

Ўзининг ўткирлиги билан интилиш, ҳаракатни ифода этади. Сарик ранг плакат санъатида шартли равишда қуёш, тонгги осмон ёки иссиқ ҳаво, жазирама саҳро ва ҳоказоларнинг тасвирий образини белгилайди. Қизил ранг — киши эътиборини жалб қилиш рамзи бўлиб, ички ҳарорати билан у одамлар қалбини иситади, руҳини кўтаради, ҳамда қувонч, ҳаяжон бағишлайди. Бундан ташқари, қизил рангни қалб ҳароратига, қонга қиёс қилиниши бежиз эмас, албатта. Зангори — бу ранг сарик ва қизил рангларнинг таъсир кучига нисбатан бўғиқроқ, сустроқдир. Ҳаво ранг — ўз таъсир кучи билан қалбга осойишталик бағишлайди, инсон ҳаёлини бепоён кенгликлар сари олиб кетади. Бу уч хил рангнинг ўзаро бирикмасидан кўплаб ранглар жадвалини яратиш мумкин. Агар, зангори ранг билан қизил ранг бир-бирига қориштирилса — бинафша ранг ҳосил бўлади. Сарик ранг билан

зангори ранг аралашмасидан, яшил, кўк ранг ҳосил бўлади. Қизил билан сариқ рангларнинг қўшилмасидан қовоқ, яъни қизил-сариқ зарғалдок ранглари ҳосил бўлади. Қизил билан яшил рангни бир-бирига аралаштирмаслик керак, чунки бундай қоришмада ранглар ўз кучини йўқотади ва натижада сифатсиз, хунук тусли паст ранг ҳосил бўлади. Ранг бирикмаси тасвирий санъат асарининг мазмунига чуқур маъно, тасвирига жон бағишлайдиган асосий воситадир.

Ҳозирги кунда, (меъморчиликда) бинолар қуришда ҳам рангдан кенг фойдаланилаётгани бежиз эмас. Қадимда меъморий обидалар салобатини ошириш учун, рангли кошинлардан, ганч ўймакорлигидан, бадиий шакл берилган ёғочлардан, тошлардан кенг фойдаланишган. Лекин, ҳозирги даврда замонавий уйларнинг сиртки деворларга берилаётган бадиий, амалий безаклар, заводларда тайёрлаб чиқарилмоқда. Булар санъат асари талабига тўлиқ жавоб бермайди. Шундай бўлса ҳам турли ранглар ишлатилгани туфайли, у томошабинлар кузига ўзгача бўлиб кўринади. Ранглар, нақшлар, безаклар санъат асарларида ўз вазифасини ўташ билан бирга, техника ва транспорт воситаларида ҳам зарурдир. Тез ёрдам машиналари рангининг оқ бўлиши, милиция машиналарининг светафор чироқлари рангида бўлиши, ўт ўчириш машиналарининг қизил бўлиши одамлар руҳиятига сингиб кетган. Узоқдан садо таратиб келаётган қизил машинани кўриш билан, ўт ўчирувчи машина экани дарров тушунилади. Касалхона деворларининг яшил ранг билан бўялиши ҳам бежиз эмас. Бу ранг кишиларга хотиржамлик бағишлайди. Фестивал, карнавал ва бошқа байрамларда сержило турли хил ранглардан фойдаланилиши, байрам кайфиятини яна ҳам оширишда кишиларга кўтаринки рух бағишлашда энг зарур мезондир.

6.2. КОСТЮМ КОМПОЗИЦИЯСИДА РАНГНИНГ ЎРНИ

Буюмнинг энг муҳим ахборот сифатларидан бири ранг ҳисобланади. Амалий санъат буюмларида рангнинг вазифаси турлича. Булар психологик, ижтимоий, эмоционал ва эстетик вазифалардир.

Ранг ҳаёт ва мамот тимсоли, қувонч ва ҳафалик ифодаси бўлиб келган: у иликликлик ва совуқлик, қуруқлик ва намлик, енгиллик ва вазминлик хиссини бериши мумкин. Бизнинг ҳис - туйғуларимизда ҳам ранг таъсири кучли. Ранг ҳамма вақтда жинс - ёш фарқини билдирадиган восита бўлган. Болалар кийими нозикрок тусли бўлади, ўсмирлар контраст рангларни маъкулрок куради, катта ёшлиларга чуқуррок ранг туслари ёқади. Аёлларнинг кийими эркаклар кийимидан кўра ёркинрок ва кўп ранглирок бўлади.

Олимлар ва таниқли рассомлар томонидан ранглар, уларнинг ўзаро физик таъсири ва томошабинга таъсири тўғрисида йиғилган маълумотлар бир тизимга солинади. Асосий ва оралик рангларнинг иш схемаси ранглар халқаси сифатида яратилиши тадқиқотларда асосий ўрин эгаллайди .

Ҳар хил ранглар кишига турлича таъсир қилади. Масалан, яшил ранг тинчлантиради, қизил толиқтиради, сариқ киши руҳини безовта қилади [10].

Асосий ранглар хили тўртта: қизил, яшил, сариқ ва кўк. Бу ранглар бошқа ранглардан кўзимизга тоза ранг бўлиб кўриниши билан фарқланади. Тоза шу маънодаки, улар тарқашида ранглар халқасида кўшни рангларнинг аралашмаси йўқ. Ранглар халқасининг асосий ранглари орасида - оралик ранглар жойлашган.

Ранглар халқасининг ўзаро перпендикуляр диаметрларининг учида жойлашган асосий ранглар ҳамма ранглар тусини ўз ичига олган ранглар доирасида чораклар чегарасини белгилайди. Хилма-хил туслар - асосий тўрт рангни аралаштириб, уларга қора ва оқ қўшиш натижасида ҳосил қилинади.

Буни ранглар халқасида кузатиш мумкин. Ранглар халқасида бир-бирига ҳар хил миқдорий нисбатдаги аралаш - ранглар штрих чизиқ билан белгиланган.

Агар бу рангларнинг ҳар бирига қора ва оқ ранг қўшса, бир хил тусдаги, лекин очлиги ва тўқлиги ҳар - хил бўлган чексиз ранглар қатори ҳосил бўлади. Рангнинг тўқлиги рангда асосий ранг туси мавжудлиги ва унинг оқишлик даражаси билан аниқланади. Очлик рангда қора ранг мавжудлиги билан аниқланади: қора ранг ранг туси ўзгаришига актив таъсир кўрсатади. Сарик рангга қора ранг аралашмаси жигар рангнинг ҳар хил вариацияларини беради, қизилга қора қўшилса — уни хиралаштириб жигарранг тус беради.

Ранг қора ёки оққа яқинлашган сари хроматик ва ахроматик ранглар ҳосил бўлади. Хроматик ранг деб («хромос» грекча ранг сўзидан) асосий рангларнинг аралашмасини ўз ичига олган барча ранглар дейилади, ахроматик — бошқа рангларни ўз ичига киритмаган, очлиги ҳар хил даражада бўлган фақат оқ ва қора ранглар. Бизга ранг илиқ ва совуқ туюлиши, буюм фарзидий яқинлашиши ёки узоқлашиши мумкин. Рангда сарик ёки қизил «ёнадиган» (унда буюм яқинлашгандек кўринади) ранг, ёки кўк (унда буюм узоқлашади) ранг мавжудлиги бу ҳодисани вужудга келтиради.

Ранг — костюм шаклининг ажралмас қисми. Унинг ифодали кўриниши костюмда ишлатилган ранглар гаммасига боғлиқ. Хаёлий ранглар доирасидан фойдаланиб бир-бирига мос тўшадиган шундай ранглар жуфтини топиш мумкинки, улар хусусиятларидан фойдаланиб яқин ёки контраст принципи бўйича бир-бирини тўлдириб туриши мумкин [11]. Агар бир-бирига яқин ранглар бирикмасига қаралса, бу ранглар ранглар халқасида бир-бирига яқин жойлашган икки ихтиёрий ранг бўлади. Ранглар доирасининг асосий чораклари ичида жойлашган ранглар бир-бирига яқин ҳисобланади. Асосий рангларнинг фақат тўрт хил бирикмаси бор: сарик-қизил, сарик-яшил, кўк-қизил, кўк-яшил. Контраст (яъни қарама - қарши) ранглар бирикмаси — динамика, драматизм, санъат асарининг идрок таъсирини кучайтирадиган композициянинг асосий воситаларидан бири. Контраст ҳар қандай шаклни активлаштиради.

Оқ - қора рангларнинг (яъни ахроматик) қарама - қаршилиқ тусида қурилган костюм шаклини хроматик гаммада ҳам бажариш мумкин. Бир хил хроматик ранг оқишлигига кўра бир-биридан фарқланиши, лекин тўқликда бир хил бўлиши мумкин. Бу ранглардан тузилган композиция шубҳасиз фақат тоза оч контрастлардан иборат. Бу ҳолда контраст ва тўқ ранглар мустасно қилинади. Шунга ўхшаш композициялар бир рангли ёки монохром кўпинча пастель туслар дейилади. Бу ранглар ахроматик туслар аралашмаси билан заифлашгани сабабли улар колоритига юмшоқлик мансуб. Бундай туслар композициясида қурилган костюм, одатда, юқори даражали улуғворликка эга. Юмшоқ ранглар гаммасида яратилган костюм ҳар қандай кишига — оч малла, қора ва ҳ.к. ярашади.

Либослар монанд ранглар композицияси кишининг образига, унинг индивидуал колористик хусусиятларига боғлиқ. Костюмнинг ранги албатта бу нозик фарқларни ҳисобга олиб, у билан ўхшаш ва контраст принципа мосланган бўлиши керак. Одамларнинг ёши бўйича фарқланишида кийим рангининг аҳамияти катта. Болалар кийимига нозик ва оч юмшоқ туслар хос, ўсмирлар контраст, катталар чуқур тусли рангларни афзалроқ кўришади.

6.3. РАНГ ТУРЛАРИ

Табиатдаги ҳамма ранглар хроматик ва ахроматик рангларга бўлинади. Хроматик ранглар деб буялган, яъни спектр рангларига айтилади. Хроматик рангларнинг хусусиятлари куйидагилар:

- Ранг туси - рангнинг шартли белгиси (қизил, кўк, тук сарик, хаво ранг ва ҳоказо) рангнинг номи шартли ёки биронта буюм, усимлик номига яқинлаштириб айтилади) лимонранг, апелсинранг, ўрикранг ва ҳоказо.
- Ранг тўқлиги - ранг кучининг ва хроматик рангга ахроматик ранг аралашгани билан ҳарактерланадиган ранг туклигининг кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади.
- Оқишлилик - хроматик рангнинг ок рангга яқинлик даражаси.

Ахроматик рангларда факат оқишлик хусусиятигина бўлади.

Спектрдаги ранглар энг соф, энг тўқ ранглар бўлади. Ок аралаш рангларни (пушти, хаворанг, баргикарам) постель (майин) ранглар дейилади. Кулранг қўшилса, тўқлиги кам бўлган одми ранглар чиқади. Рангларнинг гавдани ўзгартириб кўрсатиш хусусияти ҳам бор. Гавдани илиқ (сарғиш қизил ва сарғиш яшил) ранглар яқинлаштириб ва катталаштириб кўрсатади, совуқ (кўкиш қизил ва кўкиш яшил) ранглар узоқлаштириб ва кичрайтириб кўрсатади. Қора ранг гавдани максимал узоқлаштириб ва кичрайтириб, ок ранг эса максимал яқинлаштириб ва катталаштириб кўрсатади. Хроматик ва ахроматик рангларнинг бирга қўшилгани кийим композициясида жуда ифодали бўлиб чиқади. Ок ранг соф хроматик тусининг кучи ва жарангдорлиги юзага келади, байрамона манзаралилик хисси туғилади: ок ранг билан майин ранглар (ок - ҳаво ранг, оқ баргикарам ва бошқалар) узвий ва осонгина қўшилиб, софлик ва башанглик ҳиссини юзага келтиради. Қора ранг билан соф хроматик ранг бирга қўшилиб, кўзга ташланиб турадиган ва кескин кўринадиган ранглар ҳосил қилади. Қора ранг туснинг ёркинлигини ва софлигини бир қадар камайитириш хусусиятига эга.

Тегишиб турган ранглар билан ўзаро таъсири йўқ ранглар нейтрал ранглар дейилади. Кулранг, кўкимтир кулранг, яшилрок кулранг ва бошқа ранглар ана шундай рангларга киради. Баравар контрастлик ҳодисасини ҳисобга олиш - бет, кўз, соч рангига мослаб, кийим рангини танлашда жуда муҳим. Оптик нуқтаи назардан кўп сонли ранглар туркумидан тўртта асосий рангни ажратиш мумкин:

- тоза сарик,
- тоза қизил,
- тоза яшил,
- тоза кўк.

Ранглар халкасидаги факат шу рангларгина ўзининг қўшни ранглари билан қўшилма ранглар ҳосил қилмайди.

6.4. РАНГЛИ ХАЛҚА ТУШУНЧАСИ

Агар камалакни хаёлан давом эттирсак, у ранг халқасини ҳосил қилади. Бу халқадаги тўрт асосий ранг: қизил, сариқ, кўк, яшил орасида оралик ранглар деб аталадиган ранглар ётади. Ранг тусларининг табиий шкаласи қуёш нўрининг спектри — камалак бўлиб, унда ранглар маълум тартибда жойлашган. Спектрнинг энг четки ранглари — тўқ қизил ва кўк-бинафша ранглари аралаштириб тўқ сиёҳ рангни олиш мумкин. Агар спектрга қирмизи ранг киритилса ва уни халқасимон қилиб ўралса, табиий ранглар халқаси ҳосил боғлади.

Физик нуқтаи назардан барча ранглар тенг ҳуқуқлидир. Ранглар инсонга бўлган эмоционал таъсирига қараб иссиқ рангларга (қуёш, олов, ёруғлик ва ҳ. ранглари) ва совуқ рангларга (муз, сув, осмон, намозшом ранглари) бўлинади. Ранглар халқасига кўра тиниқ кўк ва тиниқ сариқ рангларда қизғишлик ёки яшиллик аломатлари йўқ. Худди шу каби, тиниқ яшил ва тиниқ қизилда сарғимтир ёки кўкимтир туслар йўқ. Бешта ранг бирикмасидан тузилган система турли йўналишдаги ранглар уйғунлигини ҳосил қилиш учун етарлидир. Ҳар бири 24 ранг тусидан тузилган ранглар халқаси системасидаги учинчи халқа асосий ва энг тўйинган рангларни ўз ичига олади. Тўртинчи ва бешинчи халқалар худди шу ранг тусларидан иборат, лекин уларнинг тўйинганлиги камайиб боради. Икки четки халқада эса, яъни иккинчи ва биринчида асосийга қараганда ранглар борган сари тўқроқ бўлиб боради. Шундай қилиб, ҳар бир 24 хил ранг 5 хил тўйинганлик ёки очиқлик даражасига эгадир.


Берилган ранглар халқаси негизида тўрт хил ранг мавжуд — сариқ, кўк, қизил ва яшил. Уларнинг барчаси асосий ранглардир, чунки уларнинг бирортасига ҳам бошқа асосий ранглардан зиғирча ҳам аралашмаган. Халқадаги асосий ранглар жуфтлари (сариқ ва кўк, қизил ва яшил) диаметр бўйича қарама-қарши томонда жойлашгани учун улар бир-бирига нисбатан контраст ва тўлдирувчи ранглардир. Тўйинганлик ва очиқлик даражасига қарамасдан тўрт асосий ранг орасида жойлашган ранг туслари оралик

ранглардир. Доирага кўра оралик ранглар ҳам тўрт гуруҳга бўлинган: қизил-сарик, кўк-қизил, кўк-яшил ва сарик-яшил. 31 - расмда рангларнинг миқдорий таркиби кўрсатилган: сап-сарик (100%), олов ранг-сарик (83% сарик ва 17% қизил), олов ранг-сарик (66% сарик ва 34% қизил), олов ранг (50% сарик ва 50% қизил), олов ранг-қизил (34% сарик ва 66% қизил) олов ранг-қизил (17% сарик ва 83% қизил), қип-қизил (алвон, 100%) ва ҳок. Ранглар доирасидаги 1—6 ва 20—24 ранглар тўйинганлиги ва очиқлигидан катъи назар илиқ ранглар, 8—18 эса совуқ ранглардир.

Асосий рангли халка доцент М.Шугаев томонидан яратилган. Асосий ранглар жуфтлиги: кўк - сарик, қизил – яшил ранглар ўзаро бир диаметр учларида жойлаштирилади.

Асосий ранглар орасидаги оралик ранглар рангли халканинг туртта чорагида жойлашади:

- сарик-қизил
- қизил - кўк
- кўк-яшил
- сарик-яшил..



40- расм. Рангли халка

Рангларнинг миқдорий таркиби ва рангли халканинг тузилиш
принциплари

- тоза сарик (100%),
- сарик (75%)-қизил (25%),
- сарик (50%)-қизил (50%),
- қизил (75%)- сарик (25%),
- тоза қизил (100%).

Юқорида келтирилган рангларнинг миқдорий нисбати тахминий ҳисобланади. Рангли халканинг тўйинганлик даражаси оқ ва кулрангнинг қўшилишидан ўзгаради. Турли хил тўйинганлик даражасидаги рангли халка системаси таҳлили қуйидагича хулосалар қилишга имкон беради. Бир диаметрда жойлашган ранглар – контраст ранглар ҳисобланади. Унда уларнинг ёруғлиги ва тўйинганлиги эътиборга олинмайди. Рангли халка тенг поғонали хусусиятга эга. Диаметр учигадаги барча ранглар ўз жуфтлигида инсон томонидан турли хил ҳосил қилинади.

Рангли халка юқорисидаги жойлашган сарик – яшил ва қизил – сарик ўзининг иссиқлиги ва тўйинганлиги фарқли равишда иссиқ ранглар ҳисобланади. Унинг пастка қисмида жойлашган ранглар эса кўк-яшил, қизил-кўк кийимни моделлаштиришда ўзининг психологик ва физик аломатларига кўра турли хил бўлади.

Композицияда тўртта асосий ранглар гуруҳидан фойдаланилади:

- монохром (бир тонли рангларнинг уйғун бирикмалари)
- кардош рангларнинг уйғун бирикмалари
- кардош-контраст рангларнинг уйғун бирикмалари
- контраст рангларнинг уйғун бирикмалари.

6.5. ХРОМАТИК КОМПОЗИЦИЯЛАРДА РАНГЛАР УЙЎУНЛИГИ

Ранглар уйғунлиги (гармонияси) қадимдан рассомлар ва олимларни жуда қизиқтириб келган. Хўш, ранглар уйғунлиги нима? Ушбу тушунча қандай мазмунга эга? Ранглар уйғунлиги — рангларнинг қонуниятли бирикмасидир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳар қандай уйғунлик маълум қонуният касб этиши мумкин, лекин ҳар қайси қонуният ҳам уйғунликни келтира олмайди. Бадий амалиёт ва тасвирий санъатда ранглар уйғунлигини баҳолашда маълум тарихий даврда шаклланган дид ва қарашлар билан ҳисоблашмоқ муҳимдир. Ранглар уйғунлигини қотиб қолган категория, ақида сифатида тушунмаслик керак. Хунук ва чиройли, уйғун ва мослашмаган рангларнинг ўзи йўқ. Ўзаро мослашмаган рангларнинг фактурасини ўзгартириб, уйғунлаштириш мумкин. Кўпинча текисликда ўзаро мувофиқлашмаган ранглар бирикмаси костюм шаклларида бутунлай бошқача — уйғунлашган кўринишда намоён боғлади. Гарчи бир хил миқдордаги икки рангни қўшганда ёқимсизроқ бирикма ҳосил бўлса-да, шулардан бирирунг миқдори озгина ўзгартирилса, худди шу ранглар бир-бири билан жуда ҳам уйғунлашиши мумкин.

Демак, рангларнинг уйғунлигига уларнинг ўзаро муносабатлари уйғунлиги сифатида қараш, яъни рангнинг барча асосий сифатлари — очиклик, тўйинганлик, ранг туси, ушбу ранглар эгаллайдиган юза ва шаклларни ҳисобга олган ҳолда, шу ранглар комбинациялари йиғиндиси сифатида қараш мақсадга мувофиқдир. Ранглар уйғунлигини эстетик жиҳатдан баҳолашнинг асосий мезони — визуал (кўз билан кўриш орқали) баҳолашдир. Ранглар уйғунлигига эришиш қонуниятларини билиш жуда муҳимдир, лекин улардан оқилона, индивидуал ижодни ривожлантирган ҳолда фойдаланган маъқул. Ранглар уйғунлигининг тўртта асосий гуруҳи мавжуд:

- рангларнинг бир тусли уйғунлашган бирикмалари (монохроматик);
- ўхшаш рангларнинг уйғунлашган бирикмалари;
- ўхшаш-контраст рангларнинг уйғунлашган бирикмалари;
- контраст ва қўшимча рангларнинг уйғунлашган бирикмалари.

Рангларнинг бир тусли уйғунлашган бирикмалари ахроматик ранглар қаторига жуда ўхшаш бўлиб, улардан фарқи шундаки, уйғунликнинг асосини қандайдир бир ранг туси ташкил этади. Бу ранг маълум миқдорда бирикувчи рангларнинг ҳар бирида мавжуддир. Ранглар эса бир-биридан фақат тўйинганлиги ва очиклиги билан ажралади.

Умумлашган ранг туси бир тусли бирикмалини тинч, вазмин, осойишта қилиб кўрсатади. Қўйилган масалага қараб, уйғунлик турии очиклик диапазонларида ташкил этилиши мумкин. Бир тусли ранглар уйғунлиги учун бирикувчи ранглар эгаллайдиган юзалар нисбати айниқса муҳимдир. Учта ранг учун юзалар тахминан бир хилда тенг тақсимланса, статик ҳолат келиб чиқади, юзалар бир-биридан кескин фарқ қилганда, рангнинг очиклиги ва тўйинганлиги бўйича ҳам контрастни кўрсатиш шарт.

Ўхшаш рангларга доирадаги барча оралик ранглар, шу жумладан, уларни ташкил қилувчи бир хил асосий ранглар киради. Халқада ёнма-ён жойлашган (қўшни) асосий ранглар ўхшаш эмас, лекин улардан ҳар бири қўшни оралик рангларга нисбатан ўхшаш бўлиши мумкин. Шундай қилиб,

Ўхшаш ранглар икки ёки битта асосий ранг қўшилган рангларни бирлаштиради. Ранглар доирасида ўхшаш рангларнинг тўрт гуруҳи мавжуд: сариқ-қизил, сариқ-яшил, кўк-қизил ва кўк-яшил. Ўхшаш рангларнинг уйғунлиги улар таркибига асосий ранглар қўшилганлиги билан характерлидир. Ўхшаш ранглар уйғунлиги ранглар тусининг ўхшаслилиги ва оз-моз қарама- қаршилигига (ҳалқа бўйича) асослангандир. Икки хил ўхшаш рангнинг уйғунлиги - бу ранглар бирикмасидаги икки асосий рангнинг ўзаро мувозанати эмас, балки икки таққосланувчи ранглар таркибига кирувчи бир асосий рангнинг кўз билан чамалаш орқали келиб чиқадиган мувозанатидир. Икки хил ўхшаш рангларда икки асосий рангни бирданига мувозанатлаш мумкин эмас. Бир асосий рангни эса мувозанатлаш унинг тўйинганлигини ўзгартириш (камайтириш) ҳисобига мумкиндир. Уч хил ўхшаш рангларни қандай қилиб уйғунлаштириш мумкинлигини қуйидаги мисолда кўриш мумкин. Тиниқ сариқ 1, олов ранг 3 ва қизғиш-олов ранг 4 да сариқ ва қизил ранг миқдори турлича. Кўрсатилган рангларнинг уйғунлигига эришиш учун ҳеч бўлмаса бир рангни мувозанатлаш керак, масалан, сариқ рангни. Бунинг учун тиниқ сариқ 1 очартирилади, яъни сариқ рангнинг миқдори камайтирилади; олов ранг 3 камроқ миқдорда очартирилади, яъни ҳам сариқ, ҳам қизил ранг миқдори бир вақтнинг ўзида камайтирилади.

Ниҳоят, қизғиш-олов ранг 4 миқдори ўзгартирилмайди. Натижада, тиниқ сариқ ранг миқдори учала рангда ҳам бир хил миқдорда қолади. Шу масалани икки хил рангга турни миқдорда қора рангни қўшиш билан ҳам ҳал қилиш мумкин. Ўхшаш контраст рангламинг уйғунлиги. Ўхшаш-контраст ранглар бирикмаси ранглар уйғунлигининг энг кўп тарқалган хилидир. Ранглар доирасида ўхшаш-контраст ранглар қўшни чоракларда жойлашган. Бўларга илиқ сарғиш-қизил ва сарғиш-яшил ранглар, совуқ кўкиш-яшил ва кўк-қизғиш ранглар, илиқ сарғиш-қизил ва совуқ кўк-қизғиш ранглар киради. Ҳаммаси бўлиб тўртта ўхшаш-контраст ранглар гуруҳини кўришимиз мумкин.

Ўхшаш-контраст ранглар турли гуруҳларининг уйғунлашган бирикмалари ранглар активлигининг кучайганлиги ва мураккаблиги билан характерлидир. Совуқ кўк-қизғиш ва кўкиш-яшил ранглар бирикмалари улардан принципаал тарзда фарқ қилади. Ва ниҳоят, илиқ сарғиш-яшил рангларнинг совуқ кўк-яшил ранглар билан бирикмалари ва илиқ сарғиш-қизил рангнинг совуқ кўк-қизил билан бирикмаси бутунлай бошқача кўринишда боғлади. Ўхшаш-контраст рангларнинг ҳамма бирикмалари ҳам бир хил даражада уйғунлашган эмас. Чунки ўхшаш - контраст рангларнинг бундай жуфтликлари ўртасида икки томонлама алоқа мавжуддир: яъни улар таркиби бир хил миқдордаги бирлаштирувчи асосий ранглардан ва бир хил миқдордаги контрастланувчи ранглардан тузилган. Ўхшаш - контраст рангли композициялар доирадаги уч ёки тўрт хил оралиқ ранглар қўшилмасидан ҳам тузилган бўлиши мумкин. Тажрибадан маълумки, ўхшаш-контраст ранглар соф ҳолда ҳам, яъни уларга ахроматик ранглар қўшилмаганда ҳам, ўзаро уйғунликка эга боғлади, қачонки икки қўшилувчи рангли композицияларда уларни бирлаштирувчи асосий ранг миқдори ва уларга контраст бўлган асосий ранглар миқдори тенг бўлса. Контраст рангламинг уйғунлашган бирикмалари ранг тусларининг уйғунлашган мувозанати уларнинг ўхшашлиги, ранг туси бўйича қондошлиги ёки аксинча, маълум қарама-қаршилиги, ранг сифатларининг ўзаро мос келмаслиги билан изоҳланади, тасвирий амалиётда уларнинг уйғунлашган бирикмаларига кўп мисоллар мавжуд. Биз учун контраст рангларнинг уйғунлашган бирикмалар ташкил қилишдаги имкониятини билиб олиш принципаал аҳамиятга эга. Контраст ранглар доирада қутб каби бир-бирига нисбатан жуда қарама-қарши жойлашган учун, уларнинг уйғунлашган бирикмалари ўз активлиги, кучли таассурот қолдирганлиги ва ҳаракатчанлиги билан тавсифланади. Контраст рангларнинг уйғунлашган бирикмасини ҳосил қилиш учун даставал дастлабки ранг танланади, кейин доирадан тахминан унга контраст бўлган ранг аниқланади. Бир рангни, масалан, бошланғичини, имкон даражасида тўйинган қилиб олган маъқулдир. Ундан ташқари, рангларни очиқлиги

бўйича ҳам бир-бирига яқин танлаш тавсия қилинади (очиқлик даражаси бўйича кучли контраст ранг кучини қирқади). Бирикмадаги учинчи ранг бошқа икки контраст ранг туслари қаторидан танланади.

6. 6. ЛИБОСДА МОНОХРОМ РАНГ БИРИКМАЛАРИНИ КУРИШ ПРИНЦИПЛАРИ

Бир тонли уйғун рангли бирикмалар асосини битта кандайдир рангли тон асосини ташкил этиб, бу ранг бирикадиган ранглар таркибига маълум микдорда иштирок этади. Турли хил ёруғлик фаркланиши билан уйғунлик ҳосил килинган бўлиши мумкин. Бир тонли бирикмаларни тузиш учун бир тонли учбурчак кўринишдаги соявий қатор курилади. Учбурчакнинг асосида ахроматик ранглар, ён томонидан ахроматик ранглар, чўккида маълум бир тўйинган ранг олинади:

-учбурчакнинг чап томонидаги ранглар қорайиб келади

-учбурчакнинг унг томонидаги ранглар оқариб келади

							8							
						7		9						
					6				10					
				5						11				
			4								12			
		3										13		
	2												14	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15

41– расм. Ранглар учбурчаги

Изох: 1- ок ранг

2-7 қўшилма ранглар

8 – тоза хроматик ранг

9-15 қорамтир ранглар

15 - қора ранг.

Рангли халқалар системасида қардош – контраст оралиқ чоракларда жойлашади. Қардош контраст рангларнинг тўртта гуруҳи мавжуд:

- сарик-қизил ва кўк-қизил ранглар,
- кўк-қизил ва кўк-яшил ранглар,
- кўк-яшил ва сарик-яшил ранглар,
- сарик-яшил ва сарик-қизил ранглар.

Қардош – контраст рангларнинг турли хил уйғун бирикмалари юқори рангли активлиги ва мураккаблиги билан тавсифланади. Рангли халқанинг вертикал ва горизонтал диагоналлари учларида жойлашган рангли бирикмалари ўзига хос уйғунликни юзага келтиради. Бу шундай изохлади - қардош-контраст ранглар жуфтлиги орасида икки томонлама алоқа мавжуд:

-улар (асосий) бир хил миқдордаги бирикувчи ранглардан ташкил топган

-улар (асосий) бир хил миқдордаги контраст ранглардан ташкил топган. Икки қардош контраст рангларнинг уйғун бирикмалари уларга ахроматик (ок ва қора) рангларнинг қўшилиши натижасида бойийди.

Либосда контраст - қўшимча ранглар бирикмасини қуриш принциплари

Рангли халқанинг карама-карши чоракларида жойлашган қўшимча ранглари контраст -қўшимча ранглар дейилади:

- сарик - қизил ва кўк -яшил
- сарик - қизил ва кўк -қизил.

Рангларнинг оптик қўшилишидан ҳосил бўладиган хроматик ранглар қўшимча ранглар деб айтилади. Улар рангли халқа диаметрининг карама – карши учларида учрашади (кўк, яшил, қизил ва сарик). Қўшимча ранглар уйғун ранглар бўлиб ҳисобланади. Ранглар вазминлиги уларнинг карама-

карши сифатлари билан юзага келтирилади. Шундай қилиб, қўшимча ва контраст ранглар кутбий хусусиятларга эга.

Уларнинг уйғун бирикмалари ўзининг антикалиги ва қизиқарлиги билан ҳамда рангларнинг ҳаракатчанлиги билан тавсифланади.

Рангларнинг уйғун бирикмаларини ҳосил қилиш учун маълум бир ранг ёруғлик даражаси билан яқин бўлган ранглардан фойдаланилади. Дастлабки ранг бўлиб, тўйинганрок ранг олинади. Контраст рангларнинг бирикмалари динамика, драматизм ва ҳис – туйғуни ўткирлигини, семириш ифодасини берувчи композиция воситаларидан ҳисобланади. Контраст ранглар ҳар қандай рангни активлаштиради.

Либосда хроматик рангларнинг 3 ва 4 рангли бирикмаларини куриш принциплари. Бадиий ижодиёт амалиётида икки рангли композициялар нисбатан кам учрайди. Оддий уйғун рангли бирикмалар таркибига учинчи ёки тўуртинчи ахроматик ранглар иштирок этиши уни анча бойитади. Икки рангли композицияларга Америка қўшма штатлари пул бирлиги – доллар мисол бўла олади.

Уч рангнинг уйғун бирикмалари учбурчак принциплари асосида тузилади. Тенг ёнли учбурчак бирикмалар - учбурчак асосида ётувчи икки кардош ранг ва учбурчак тўғрисидаги контраст ранглар бирикмаларидан ҳосил бўлади.

Тенг томонли тенг ёнли принцип бўйича бирикмалар - учбурчак асосидаги икки кардош контраст ва чўққидаги асосий контраст ранг тенг ёнли учбурчак бўйича бирикмалар - учбурчак асосида икки кардош – контраст ва уларнинг умумий ранги – учбурчак чўққисида ранглар уйғунлиги учун асосий ранглар оқартирилади ёки қорайтирилади. Тенг бурчакли учбурчак бўйича бирикмалар бунда кардош контраст рангдан ва контраст рангдан фойдаланилади. Катетида кардош контраст ранглар гипотенузада контраст ранглар уч хил рангнинг барча бирикмалари учбурчак асосида бирикиб, чиройли актив ва уйғун рангларни ҳосил қилади.

Тўрт рангли бирикмалар тўртбурчак асосида олиб борилади. Бунда кардош ранглар контраст ранглар ўртасидаги боғлиқликдан фойдаланилади. Ранглар ўртасидаги тўртбурчак боғлиқлик квадратга алмаштирилганда актив рангли бирикмалар ҳосил қилинади. Ахроматик ранглар бирикмаларнинг турли ёруғлик фарқини ўзида мужассамлаштирган ранглар икки ёки уч рангда уйғунлик асосида бирикмалар ҳосил қилади. Рангли бирикмаларни ҳосил қилиш учун тенг поғонали ахроматик қатордан фойдаланилади. Бунда ранглар тенг даражада бир-биридан ўзининг ёруғлиги билан фарқланади. Рангли халқада ўзаро яқин жойлашган икки қардош рангнинг бирикмаси нюансни ва икки узоқда жойлашган ранглар контраст рангли бирикмани ҳосил қилади. Уч хил рангнинг уйғун бирикмалари қуйидаги асосий миқдор ва ёруғлик жиҳатдан фарқланадиган бирикмаларда ифодаланади.

Ёруғ ўртача ва қорамтирдан тенг нисбатда. Ёруғроқдан кўпроқ ва унга ёруғлик даражаси бўйича яқин ўрта тон ва кам қорамтир. Кўпроқ қорамтир тонга яқин ўрта тон кам ёруғ тон. Бу қонуният хроматик рангга, ҳамда ахроматик рангга тегишли.

Буюмнинг энг муҳим информациявий сифатларидан бири ранг ҳисобланади. Амалий санъат буюмларида рангнинг вазифаси турлича. Булар психологик, ижтимоий, эстетик вазифалардир.

Ранг ҳаёт ва мамот тимсоли, қувонч ва ҳафалик ифодаси бўлиб келган: у илиқлик ва совуқлик, қуруқлик ва намлик, енгиллик ва вазминлик ҳиссини бериши мумкин: бизнинг хис - туйғуларимизда ҳам ранг таъсири бор.

Ранг ҳамма вақтларда жинс - ёш фарқини билдирадиган восита бўлган. Болалар кийим нозикроқ тусли бўлади, ўсмирлар контраст рангларни маъқулроқ куради, катта ёшлиларга чуқурроқ ранг туслари ёқади. Аёлларнинг кийими эркаклар кийимидан кўра ёркинроқ ва кўп ранглироқ бўлади.

Рангларнинг гавдани ўзгартириб кўрсатиш хусусияти ҳам бор. Гавдани илиқ (сарғиш қизил ва сарғиш яшил) ранглар яқинлаштириб ва

катталаштириб кўрсатади, совуқ (кўкиш қизил ва кўкиш яшил) ранглар узоқлаштириб ва кичрайтириб кўрсатади. Қора ранг гавдани максимал узоқлаштириб ва кичрайтириб, оқ ранг эса максимал яқинлаштириб ва катталаштириб кўрсатади.

6.7. РАНГЛАР ИЛЛЮЗИЯСИ

Ранглар ва ранглар бирикмаларининг хусусиятлари кийим моделлаштиришда ишлатиладиган иллюзиялар комплексини бунёд этади. Битта ранг қайси рангнинг фонида туришига қараб ҳар - хил кўриниши мумкин. Масалан, кичик кулранг квадрат қора қоғоз фонида оқ қоғоз фонига нисбатан бирмунча очроқ кўринади. Оқ буюмлар тўқ фонда нафакат очроқ, балки яссиноқ кўринади, худди шундай тўқ буюмлар оч фонда тўқроқ ва яссиноқ бўлиб қолади.

Кулранг кичик квадрат катта қизил қоғоз устида яшил тусли кулранг кўринади, кўк рангли қоғозда сарғиш-кулранг, яшил ранг устида — кизғиш-кулранг, тўқ сариқ ранг устида — кўкимтир кулранг, келтирилган мисолдан кулранг фон рангидан қўшимча тус олиб ўз рангини ўзгартиргани кўриниб турибди. Бу ҳодиса хроматик контраст дейилади.

Либосда тоза ранглар ишлатилганда хроматик контрастлар таъсирининг олдини олиш учун контурлаш усулидан фойдаланилади. Унинг ролини нейтрал кўпроқ қора рангли безак мағиз) бажаради. Барча тўқ ранглар очларга нисбатан «оғир» ранг дейилади, очлари эса «енгил». Агар оғир ранглар енгил ранглар устига жойлаштирилса, бу ҳодиса айниқса намоён бўлади.

Рангларнинг фазовий хусусиятлари орасида рангли юзаларни ҳаёлан узоқлашгани ёки яқинлашгани кузатилади. Кўрингандан келган туйғу ҳамма кишиларда бир хил эмас, лекин бу ҳодисанинг қандайдир қонуниятини чиқариш мумкин. Шунингдек, оч ахроматик ранглар, одатда, буюм шаклини аниқлашга кўмаклашади, қора ранг эса ёруғ сояларни бўғиб, шаклни тўғри уйғунлаштирмайди. Бўялган юзани яқинлаштириш қобилияти иссиқ ва оч

рангларда (сарик, тўқ сарик, қизил) кучлироқ. Бўялган юзани узоқлаштириш қобилятига совуқ ва тўқ ранглар (бинафша, кўк, зангори, яшил) эга. Иссик рангларни туртиб чиққан ранг, совуқларни эса чекинган ранг дейилади.

Ранг буюмнинг шаклини ва ўлчамини фаразий ўзгартира олганини ҳисобга олиб, тўла ва гавдали кишилар кийимида шаклларни фаразий кичрайтирадиган ранг ва туслардан фойдаланган маъқул. Тўла ва баланд бўйли аёлларга газлама рангини танлашда совуқ чекинадиган кўк, (зангори, яшил, феруза, зумрад, бинафша, кул ранг, кўк) рангларни тавсия қилиш мумкин. Қора ранг, бир тарафдан, тўла фигурани фаразий сипороқ ва келишганроқ кўрсатади, лекин иккинчи тарафдан тўла думалоқ елкаларни ва йўғон белни аниқ кўрсатади. Озғин, баланд бўйли аёлларга иссик рангли (оч жигарранг, тамаки ранг, фил суягининг ранги, очик - шоколад ранг, асал ранги, терракота ранги, тўқ қизил, банан ранг) газламалар тавсия қилиш мумкин. Унчалик баланд бўлмаган озғин аёллар учун ўз кийимларида мураккаб ранглар гармониясини ишлатмасликлари керак, чунки улар шундай ҳам кичик фигурани яхлитлигини бузишади. Бундай нозик фигураларга энг содда икки рангли гармониялар ярашади.

Қуёш ёруғида деярли ҳамма ранглар оқаради ёки сал сарғаяди. Кундузи сарик сарғиш-яшил энг ёруғ ранг бўлиб кўринади, кечкурун эса - зангори. Қош қорайган пайтда энг биринчи қизил ранглар йўқолади, тонготарда ҳам улар энг кеч кўринади, лекин зангори ранглар узоқ вақт яхши кўринади. Тарқоқ кундузги ёруғликда кўк, бинафша, зангори, кўк-яшил ранглар ёрқин кўринади. Кечкурун электр ёруғида ранглар сарғиш тусга эга бўлади ёки хиралашади, ёки аксинча, ёрқин бўлиб чуқурлашади. Масалан, ҳамма қизил ранглар ёрқинлашади, кўк сариклар - очик олтин ранг, сариклар оқаради, илиқ яшил - тўкроқ кўриниб ёрқинлашади, совуқ яшил ранглар - хиралашиб тўкроқ кўринади, оч зангори кул ранг ёки кул ранг зангорига ўхшаб қолади, тўқ кўк қорамтир кўринади, бинафша ёки қизғиш бинафша, ёки кирроқ хира кўринади.

Рангларнинг ёритилганликка боғлиқ равишда ўзгариши - бир хил шароитда илиқ ва совуқ ранглар оптик жиҳатдан ўзаро қарама-қарши хусусиятлари билан фарқланади. Кундузги ёруғликда илиқ ранглар яқинлашаётгандек, совуқ ранглар эса узоқлашаётгандек таассурот қолдиради. Сарик ранг, масалан, бўялган юзани кенгайтириб, уни томошабинга яқинлаштиради. қизил ранг кундузги ёруғликда олдинги планга чиқади, ғира-ширада эса узоқлашаётгандек туюлади. Электр ёруғлиги табиийсига қараганда анчагина сарикроқдир, шунинг учун рангтасвир билан табиий ёруғликда шуғулланган маъқулдир. Агар электр чироғи ёруғлигида ишланганда қизил, олов ранг ва сарик ранглар очроқ кўринади; кўк, ҳаво ранг ва сиёҳ ранг тўқлашади, қизил тўйинганроқ бўлиб, оч-сарик оқдан, ҳаво ранг яшилдан, тўқ кўк қорадан деярли фарқ қилмайди. Қоронғилаштирилган ва ёритилган буюм шакллари кўз олдимизда турганда, биз нафақат илиқ ранг ва ярим сояни фарқлашимиз, балки энг ёритилган жойда ранглар қандай тақсимланганини идрок этишимиз зарур. Кўпинча рассом ўз кўзига ишонмай, қоидаларга мурожаат қилади. Лекин тажриба шуни кўрсатадики, шахсий кузатувларсиз қоида бўйича ишланганда ҳаёт нотўғри тасвирланиши мумкин.

Аёллар уст кийими учун газлама танлаганда ёритилганлик кундузги бўлиши керак.

Қуёш ёруғлигида қора ва тўқ жигарранг ранглар кўримсиз кўринади (чангли ва эскирок). Костюмда фаразий кўринишлар ранглар бирикмаларини идрок қилишда, айниқса кучлироқ намоён бўлади.

Юзанинг ҳар хил эгриликлари ранг идрок қилишни кучайтириши ёки заифлаштириши мумкин. Бу одам фигурасидаги костюмнинг айрим майдонлари ёритилганлик даражасига боғлиқ. Рангларнинг бир-бирига нозик ўтиши буюмнинг жойланиши ва ёритилганлик хилига боғлиқ ҳолда кўзга кўриниши мумкин.

Костюм шакли геометрик ҳажмлар бирикмасини ифодалагани учун оптик фаразийликлар муҳим аҳамиятга эга. Икки тенг квадрат (оқ ва қора) ўлчамлари бўйича ҳар хил кўринади. Агар шу квадратларни вертикал ва

горизонтал чизиклар билан бўлинса, биринчи ҳолда квадрат чўзиқрок кўринади, иккинчисиди эса — кенгрок кўринади. Лекин бу иллюзияларнинг намоён бўлиш чегараси бор. Масалан, агар ўша квадратларнинг ораси кам масофага чизиклар билан бўлинса, карама-қарши иллюзия ҳосил бўлади.

Ранг композициянинг энг жонли, ифодали элементларидан биридир. Ранг даврга хос ижтимоий муносабатларни ифодалайди. Масалан, арғувон ранг ҳамма вақт жамиятнинг имтиёзли табақаларига хос ранг бўлиб ҳисобланган; қора ранг, жигар ранг, яшил, тўқ кўк рангдаги кийимларни шаҳарликлар ва кул ранг кийимларни фақат хунармандлар кийишган.

Ранглар ёшдаги фарқни билдирадиган восита бўлиб ҳам ҳисобланади. Ранглар ҳис-туйғуга жуда катта ва ҳар хил таъсир кўрсатади. Баъзи ранглар кишига таскин беради (тинчлантиради), кўнгилни кўтаради, кўзни кувонтиради; бошқалари - ҳаяжонлантиради, маъюслантиради ва ташвишлантиради. Тўқ ёки нафис ранглар, ёқимли ва хира ранглар фарқ қилинади [12]. Юқорида елтирилгандек, жами ранглар хроматик (бўялган) ва ахроматик (бўялмаган, яъни туссиз) рангларга ажратилади (оқ, кул ранг ва қора ранг ахроматик ранг ҳисобланади). Асосий хроматик ранглар тўртта: сариқ, кўк (зангори), қизил ва яшил. Улар бошқа рангларнинг ҳаммасидан шуниси билан ажраладики, кузимизга тоза, жуда «соф» бўлиб кўринади; бошқача айтганда, рангларга бўлинган доирадаги қўшни рангларга оид туслар гўё сариқ, кўк, қизил ва яшил ранглар таркибида йўқдек туюлади. Бошқа ранглар ана шу тўртта асосий рангнинг аралашувидан ҳосил бўлади ва оралиқ ранглар деб юритилади.

Кийимни лойиҳалашда икки-уч (камдан-кам ҳолларда тўрт) рангга мурожаат қилинади, чунки ранглар кўпайиб кетса, уларнинг уйғунлиги ва бирлиги бузилади. Ранглар бирлигига бўёқлар тусининг хилма-хиллиги, ёрқинлиги ва тўйинганлиги ҳосилдир. Уч хил рангнинг гармоник нисбати ёрқинлик даражаси жиҳатидан асосий рангларнинг тўрт хил қўшилиши билан ифодаланади: ёрқин ранг, ўртача ранг ва тўқ ранг барабар миқдорда қўшилган; ёрқин ранг кўпроқ, ўртача ранг ёрқинроқ рангга яқинлашган ва

тўқ ранг камроқ қўшилган; тўқ ранг кўпроқ, ўртача ранг тўқ рангга яқинлашган ва ёрқин ранг камроқ қўшилган; ўртача ранг кўпроқ, ёрқин ранг ва тўқ ранг камроқ қўшилган (28, 29- расм).

Гармоник қўшилиш (бирлик) ҳосил қилишнинг бу қонуниятлари ранглар каторига ҳам тўла дахлдордир (қизилдан қора рангга ёки сарикдан оқ рангга томон). Рангларнинг бундай қўшилиши монохром қўшилиш деб аталади [4]. Тўртта асосий ранг ёрдамида ранглар доирасини тузиш мумкин, моделлаштириш жараёнида бу доирадан осонликча фойдаланиш мумкин. Ранглар доирасида рангларни яқин (бир-бирига хил тўшадиган, ўхшаш), яқин-контраст ва контраст (бир-бирига хил тушмайдиган) турларга ажратиш мумкин.

Яқин ранглар бир-бирига яқин жойлашиб, доиранинг чорак қисмини эгаллайди. Асосий ранглардан бири уларни ўзаро боғлайди; бу ранглар таркибида қўшимча рангларга хос туслар бўлмайди. Яқин ранглар бирлиги уйғун бўлсада, таъсирчан бўлмайди. Яқин - контраст ранглар доиранинг ён тарафдаги чорак қисмини эгаллайди: кўкимтир-қизил ва кўкимтир-яшил, сарғиш-қизил ва сарғиш-яшил, сарғиш-қизил ва кўкимтир-қизил, сарғиш-яшил ва кўкимтир-яшил. Яқин-контраст ранглар яқин рангларга нисбатан активроқ ва кўркамроқдир.

Контраст ранглар доиранинг қарама - қарши томондаги чорак қисмини эгаллайди (сарғиш-қизил ва кўкимтир-яшил, сарғиш-яшил ва кўкимтир-қизил); уларнинг бир-бирига ҳеч қандай ўхшашлиги йўқ. Контраст қўшимча ранглар — тоза сарик билан тоза кўк ранглар, тоза қизил билан тоза яшил ранглар. Контраст ва қўшимча ранглардан анча ёрқин ва хис-туйғуга активроқ таъсир этадиган қўшимча ранглар ҳосил этиш мумкин [12].

Барча ранглар ўзаро боғлиқ бўлиб, бир-бирига таъсир этади. Қора фонда барча ранглар очилиб, равшан кўринади; ёруғ фонда, аксинча, одмилашади (равшанлик контрасти). Бирор рангга қандайдир хроматик ранг қўшилгандагина эмас, балки унга қора ёки оқ ранг аралаштирилганда ҳам унинг характери ўзгаради.

Икки хил ранг (хроматик ва ахроматик ранглар)нинг аралашувидан ҳосил бўладиган четки контраст ранглар иллюзиясининг ажойиб кўринишларидан биридир. Бу ҳодиса таққосланаётган ранглар четида уларга хил келмайдиган ранг пайдо бўлишидан иборат.

Равшан, тўйинган, ёқимли («илиқ») ранглар камроқ тўйинган, хира, совуқ рангларга қараганда масофани яқинроқ қилиб кўрсатади.

Рангларнинг баравар контрасти деб юритиладиган ҳодиса ҳам мавжуд. Бу ҳодиса шундан иборатки, ёнма-ён турган ранглар муҳитга қараб тусини ўзгартиради. Масалан, контраст ранглар ёнма-ён турса, уларнинг контрастлиги (хил келмаслиги) кучаяди. Кул ранг қора фон устида очроқ бўлиб, камроқ тўйинган ранглар янада хирароқ бўлиб кўринади. Оч ранглар ҳажмни катталаштириб, тўқ ранглар эса кичиклаштириб кўрсатади. Оч ва тўйинган, ёрқин ранг газламадан тикилган кийимда жусса каттароқ бўлиб кўринади. Қизил ва сариқ ранглар жуссани катталаштириб кўрсатади, гўё олдинроққа суради ва қиёфани кўзга яққол ташланиб турадиган қилади. Қора ранг кийим жуссанинг контурларини очиқ-ойдин кўрсатади.

8. КИЙИМДАГИ ДЕКОР ВА ТАНЛАНДИГАН МАТЕРИАЛЛАР. МАТЕРИАЛЛАРНИНГ ПЛАСТИК ВА МАНЗАРАЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ. МАТЕРИАЛЛАРНИНГ РАСМИ ВА ФАКТУРАСИ.

Кийимни ҳажмли шакл деб каралганда унинг қандай материалдан тикилганини билиш керак (газламалар, трикотаж, мўйна, чарм, замша, нотўқима материаллар, қават газламалар, плёнка, ёғоч, пластмасса, шиша ва бошқалар).

Бу материаллардан ҳар бирининг ўз пластик хусусиятлари (майинлик, осилувчанлик, дағаллик ва шу кабилар), декоративлиги (фактура, ранг, нақш, гул), физик-механик хусусиятлари (зичлик, қайишқоқлик, чўзиловчанлик, киришувчанлик, титилувчанлик ва бошқалар) ва гигиеник хусусиятлари (ҳаво ўтказувчанлик, нам ўтказувчанлик, чанг ўтказувчанлик, иссиқлик ўтказувчанлик ва ҳоказо) бўлиб, шаклнинг характери ва конструктив ечими қандай хал этилишини ушбу хусусиятлар белгилаб беради.

Масалан, ҳарир шифон газламалар майин, осилувчан, драпировкабоп бўлади, шунинг учун улардан чоклари минимал даражада кам, юмшоқ овалсимон шакл яратилиши керак, бунда драпировкалар, бурмалар, майин тахламалар, клёш бичиқ ҳисобига шакл ҳосил қилади: бемалол ташланиб турадиган (крепсатин типига) газламаларнинг драпировкабоп эканлиги етарли даражада ҳажмли, гавда бўйлаб "сирпаниб" осилиб турадиган кийим тикиш имконини бериб, газламанинг жимирилаши унинг юқоридаги хусусиятларини кучайтириб кўрсатади: синтетика аралаш жун газламалардан жуда аниқ, катъиян геометрик шаклдаги буюмлар тикилади.

Материалларнинг гигиеник хусусиятлари ҳам кийим шаклини ҳосил қилишга таъсир этади. Масалан, ҳаво ўтказиши ва нам ўтказиши ёмон материаллардан бўлган кийимларни, кийим тагидаги ҳаво вентиляция бўлиб туриши учун, гавдага ёпишмайдиган очиқ шаклли қилиб тикиш тавсия этилади.

Фактура - бу материал юзасининг тузилишини характерловчи хусусият. Фактура табиий (мўйна, тери, ёғоч, замша ва бошқалар) ва механик йул

билан олинган ҳосила бўлади. Материаллар силлик, ғадир - будур, ялтироқ, хира, тукли ва ҳоказо фактурали бўлиши мумкин. Ҳосила фактуранинг характери материалнинг кандай усулда (тўқимачиликда, тўр тўқишда ва ҳоказо) олинганига, юзадаги бўртик қисмларнинг баланд - пастлигини ва ипларнинг мериал зичлигини белгилайдиган чалишиш характериға боғлиқ. Сатҳ бирлигига тўғри келадиган фактура элементларининг катта - кичиклиги ва микдорига қараб материалларнинг юзаси ифодалилиги жиҳатидан ҳар хил бўлади.

Ҳар бир фактурада бадиий образ белгилари бўлади. Фактура совуқлик ва илиқлик, енгиллик ва вазминлик ва бошқа таасуротлар ҳосил қилиши мумкин.

Фактура танлашда мавсум кийимнинг нимага мўлжалланганлиги, одамнинг жинси, ёши ва гавда тузилиши тури ҳисобига олиниши керак. Кечқурунги башанг кийимларга олийжаноб ялтиллайдиган сидирға материаллар ишлатилади, лекин олачипор газламалар зинхор - базинхор тўғри келмайди.

Газламаларнинг фактура хусусиятлари умуман шаклни ва унинг қисмларини идрок қилишда кўз алданиши пайдо бўлинишига таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, вазмин, хира, тукли фактуралар шаклни катталаштириб кўрсатади.

Шаклнинг ва умуман гавданинг идрок этилишида нақш гулнинг муҳим аҳамияти бор. Шаклни нақш гулдан ажратиб бўлмайди. Ҳамонки шаклда нақш гул бор экан, демак нақш гул шаклнинг зарур компоненти, бир қисми бўлиб туради. Нақш гулнинг ҳам костюм сингари кўп асрли тарихи, халкларга, миллатларга мансублиги бор.



42 - расм. Ўзбек миллий ипакларидаги мотивлар

Материалларнинг кўпдан - кўп хил гулларни куйидаги декоратив мотивлар қанчада бўлади деб қарак мумкин:

1. Абстракт ёки геометрик мотивлар.
2. Реалистик ёки буюмли мотивлар (ўсимликлар, ҳайвонлар, буюмлар)

Аралаш мотивлардан иборат расмлар жуда кўп ишлатилади. Расм майда, ўртача, йирик бўлиши мумкин.

Турли кийим турларини моделлаштиришда нафис гул танлашга жиддий муносабатда бўлиш керак ва нақш гул характерлари билан хусусиятларини жинс - ёшга, гавда тузилишининг типига, кийим нимага ва қайси мавсумга мўлжалланганига, тикиш усулига қараб ҳисобга олиш керак.

Болалар кийимидаги нақш гул композицияси айниқса, аниқ, равшан, тушуниш осон, кўпинча қизиқ - қизиқ расмли бўлиши керак, чунки болалар кийимидаги нақш гулининг фақат эстетик эмас, балки билим орттириш вазифаси ҳам бор.

Катта ёшли кишилар майда ёки ўртача гулли, босикроқ бўғик тусни маъкул кўришади.

Кундалик кийимда майда ва ўртача гулли газлама ишлатилади, бордию, газлама йирик гулли бўлса, унда гуллар сокин колоритли бўлиши керак.

Башанг кийимларда ва истироҳат кийимларида расмлар диапозони жуда кенг бўлади.

Кийимни бичаётганда жуфт деталларда, виточкаларда, чокларда расмлар мос келишини, деталлар чокида раппорт сақланишини назорат қилиб бориш керак.

Накш гулли материалларда турли чизиқлар, бұртма чоклар, драпировкалар, майда деталлар кам сезиладиган бўлгани учун, улар ифодали чикмаслигини ёдда тутиш керак.

Уларни кўринарли қилиш учун сидирға газламадан мағиз, тасма ва ҳоказолар қўйиб, қўшимча безак керак бўлади.

Безак композициясининг мустакил элементи эмас - бу қўшимча, зийнат бўлиб, кийимда у йўқ бўлиши ҳам мумкин.

Ҳозирги сон - саноксиз безакларни материали ва шаклига биноан қуйидаги гуруҳларга ажратса бўлади:

1. Барча турдаги бўртма чокларни, тахламалар, бўртма бурмалар, драпировкалар, плессе, гофрэ, безак баҳяқаторларни тикиш натижасида ҳосил бўладиган безаклар.
2. Кийимни ўз материалидан ёки безак газламадан ясалган деталлар ёрдамида безак (қуйма бурмалар, икки томонлама қуйма бурмалар, айлана бурмалар, бейкалар, мағизлар, бўртма мағизлар, бантлар, галстуклар, хлястиклар, фаталар, погонлар ва ҳоказо).
3. Махсус безак материаллар (тўр, тасма, попук, ленталар, гуллар ва бошқалар) ёрдамида безаш.
4. Фурнитура (туғмалар, тўқималар, декоратив пистонлар, блочка - пистонлар, "чақмоқ - тақилмалар" ва бошқалар).
5. Кашта, коплама безак, эмблемалар.
6. Бошқа материаллар (мўйна, тери, трикотаж, замш, тўр полотно ва ҳоказолар) ёрдамида безаш.
7. Кийим деталларига босма гул солиб безаш.



43 - расм. Тарихий кийимда газлама ва безак

Безаш турини, унинг жойни танлаш кийимнинг тури ва нимага мулжалланганлигига, кийим шаклига, материалнинг фактурасига, жинс-ёш омилига, одам гавдасининг турига, гавданинг шахсий хусусиятларига, характерига боғлиқ.

8.1. ГАЗЛАМА РАСМИ

Газлама расмлари турли-туманлигини геометрик, ўсимлик, ҳайвон ва аралаш характердаги расмлар билан кўрсатиш мумкин бўлиб, бунда геометрик расмлар алоҳида ўрин тўтади. Геометрик характердаги расм соф геометрик ёки кучли геометриклаштирилган шакллардан ясалади. Уларга классик расмлар (нўхат, йўл, катакча ва уларнинг вариантлари) киради. Геометрик шакл ва йўлларнинг мумкин бўлган барча уйғунликлари фойдаланилади. Ўсимлик характердаги расм ўсимлик дунёсининг тасвирий ва услублаштирилган шаклларида иборат бўлади.

Тўқимачилик расмида хайвонлар тасвири кўпинча кучли услублаштирилган ечимда бўлади – кўпинча чизиқлар ёки текисликлар нақшли ечимлар ёки мултипликацион юмшоқ ҳазил сифатигача етказилади. Бундай газламаларда аралаш мотивдаги расмлар кенг қўлланади. Композициянинг «лоскут» ечими ўсимлик ва геометрик мотивлар уйғунлигида тузилади. Мавзуй расмлар сувенир бош ва тикувчилик рўмолларида яққолроқ намоён бўлади. Газламада бажарилган расм аниқ нақш мотивларнинг кўп ёки кам сонидан иборат бўлиши мумкин, улар миқдори турли-туман. Газламада такрорланувчи (рапортда) расм ўлчами эса ишлаб чиқариш шароитлари (босмалаш валининг кенглиги, босмалаш элаги юзаси ва ҳоказо)дан боғлиқ бўлади. Газлама купон расмга (рапорт газлама кенглигига тенг) эга бўлиши мумкин, бундай газламалар, одатда, тантанали ёки ёзги (дам олиш) учун мўлжалланган бўлади.

Кийим турли турларини моделлаштиришда газлама расмларини танлашга жиддий қараш, унинг характери ва хусусиятлари жинс ёш белгига қараб кийим тақсимланишига кўра, функционал вазифаси, мавсум ва кийимни тайёрлаш характериға жихатларидан ҳисобға олиш лозим. Болалар кийими учун газламалар ҳар доим композиция алоҳида аниқлиги, мураккаб бўлмаган, кулгили расмларнинг осон ўқилиши ва ранг софлиги билан ажралиб туради. Кекса ёшли кишилар учун газламалар паст тусларда, нақшли мотив майда ёки ўртача катталиқдаги расмлар билан бажарилади. Бироқ бу одатлардан тез-тез чекинадилар. Бундай газламалар кўпинча ёшлар замонавий костюмида модали оҳангға эга бўлади.

Кекса одамлар эса вазифасиға кўра кўпроқ очиқ тусдаги етарлича контраст нақшли шакл ишланмали газламалардан фойдаланишади. Бундай газламалардан кийимлар «ёшартиради» ва фигура контуридан эътиборни узоқлаштиради. Кийимлар тайёрлашдаги газламалардан фойдаланишдаги ҳозирги эркинликка қарамай таъкидлаш мумкинки, эркаклар учун сорочкалар ишлаб чиқаришда афзаллик нақшли мотив майда ёки ўрта катталиқдаги расмли, босиқ колоритда геометрик ёки кучли

услублаштирилган характердаги ёки етакчи мураккаб ранг услуб оҳангида ёки соф ранглار нисбатида ҳал этилган аралашликдаги газламаларга берилади. Кийимларнинг амалий фаолияти жамоада ўтади. Жамоа иши шароитлари маълум даражада костюмнинг характерини ҳам, у учун газлама танлашни ҳам маълум даражада аниқлайди. Иш учун костюм ўз жихозлари, рангли ечимга эга маълум хонада яқин масофада қабул қилинади.

Кийим (кўйлақлар, блузкалар, юбкалар, сарафанлар, эркақлар сорочкалари ва ҳоказо) майда ёки ўртача расмли анча контраст рангли газламалардан яратилиши мумкин.

Газламанинг йирик расми юмшоқ колорит ёки нақшли шакл элементларини «нозик» ишланишини талаб этади. Бу принципларда кундалик кийимнинг ҳал этилиши нафақат индивидуал костюм яратишга, балки кишилар жамоасини маълум яхлитликда қабул қилишга имкон беради. Форма кийимини моделлаштиришда маълум даражада индивидуалликнинг намоён бўлиш имконияти маълум даражада тораяди, бироқ бундай костюм меҳнат жамоасини атроф-муҳитда кўпроқ ифодалироқ намоён этади.

Байрамона ва турли дам олиш турлари учун мулжалланган костюмларда жуда кенг расмлар қамрови бўлган газламалардан фойдаланилади.



44 - расм. Бир йўналишли ва нақш мотивли ипак газламалар

Кийимларнинг мавсумларга кўра бўлиниши газлама расмларини танлашда ҳам акс этади. Йил фаслининг совуқ вақти учун кийимни (кузги - кишки давр) илиқ, тўйинган тусли геометрик абстракт ва услублаштирилган расмли газламалардан бажариш афзалроқ, иссиқ палто ва курткалар учун плаш гуруҳ газламалари совуқ, ёстик тусларида бажарилади. Иссиқ йил фасли (баҳорги-ёзги давр) кийими учун тасвирий характердаги енгил ўсимлик расмли ўткир контраст ранглар ёки очик соф тусли газламалар кўпроқ тўғри келади. Газлама расмини танлашга кийимни тайёрлаш учун муҳим таъсир этади. Индивидуал буюртмалар бўйича кийим тайёрлашда расмларнинг бир йўналишлиги ёки нақш мотиви катталиги каби хусусиятлар майда расмли газламадагидан кўра газлама сарфи кўплигини ҳисобга олмаганда алоҳида қийинчилик туғдирмайди.

Шаклнинг кейинги жуда муҳим хусусияти – бу ранг. Маҳсулотни тайёрлашда газлама ажралмас тавсифи сифатида ранг маҳсулот хусусиятига, баъзан эса унинг тимсолий тавсифига айланади. Биз «қизил сарафан», «бинафша ранг берет» ва ҳоказо сўзларни ҳар бир буюм ўз аниқловчисига эга бўлган оддий сўз бирикмасидек қабул қилмаймиз. Бу сўз бирикмалари мустақкам тимсолларга айланиб қолган киши тасаввурида ранг – объектнинг энг ҳажмли, ифодали тавсифи. Турли шароитларда бир рангнинг ўзи киши индивидуаллигини акс эттира олади ва халқда бир давр давомида тимсолий маъно касб этиши мумкин (қора ранг – аза ранги. Бугунги кунда ёш келишган қизлар ўз ташқи имкониятларини қора ранг билан ажратиб туришини яхши кўришади).

Кийимнинг жинс ёш белгиси, функционал вазифаси, касбий тегишлилигига кўра мўлжалланишини аниқловчи тавсиф сифатида рангга нисбатан анъанавий муносабатлар мавжуд. Масалан, тўқ рангларнинг жарангдор фаоллиги – мактабгача ёшдаги болалар кийимини тавсифлайди. Ўсмирлар костюм рангининг мода таклифларини кузатиб боришади, бироқ кўпинча уларнинг шаклланиб бораётган дунёқарашидаги максимализмига,

жўшқин энергияси ва спорт билан қизикишига мос келувчи, контрастларни афзал кўришади. Ўрта ёшлилар мода таклифларига эҳтиёткорона муносабатда бўлишади ва кўпинча мураккаб рангларнинг чуқур жиддий тусларини афзал кўришади. Кийимга нисбатан функционал ёндашув унинг ранг тузилишини аниқлайди. Кийимнинг кундалик ва тантанали, остки кийим ва устки кийимларга мавжуд бўлиниши бугунги кундаги моданинг кучли таъсирига қарамай таққослашда ранг ечимида барибир принципал фарқланишга эга. Ранг костюм хусусияти сифатида кўп омилларга ва энг аввало костюм вазифасига боғлиқ бўлган мураккаб ходиса. Костюм шакли билан боғлиқ ҳолда у катта маълумот ҳажмига эга ва маълум маънода белги функциясини бажаради.

Материалнинг ранги, расми ва фактураси - фонини зич тулдириб турган йирик расмли одам ёки тук рангли металллар ва фактураси ялтирок материаллар массаси максимал, фонини сийрак тулдириб турган майда расмли очик ранг, оқиш материаллар фактураси сийрак материаллар массаси минимал бўлиб кўринади. Кийимларни лойихалаётганда унинг массасини ёшга, мавсумга ва кандай мақсадга мулжалланганлигига боғлиқлигини ҳисобга олиш керак. Масалан, ясли ёшидаги ва мактабгача ёшдаги болалар кийимининг массаси енгил бўлиши учун уларни ҳамма вақт очик, майин рангли, майда сийрак расмли материаллардан тикилиши мақсадга мувофиқдир; қишки кийим ҳам кўринишдан енгил бўлиши керак; чунки унинг табиий вазни нисбатан катта бўлади, шунинг учун улар хурпайган турли фактурали материаллардан тикилади; мактаб битирувчиларининг тантанали маросимдаги кўйлаklarини ок, пушти, хаворанг ва бошқа рангдор гулли материаллардан тикилади, чунки бунда ёшларга хаёлчанлик хос бўлгани учун шўхчанлик, қушдек енгиллик, парвоз ҳисси сезилиб туриши керак.

Кийимни оммавий ишлаб чиқаришда расмнинг бундай хусусиятлари умуман тўғри келмайди. Улар газлама сарфланишини оширади, бу маҳсулот номувофиқлигига олиб келади. Шундай қилиб, газлама расмини танлаш

катор омиллар билан шартланади: кийимнинг ёш - жинс белгиси, мавсум, функционал вазифаси ва тайёрлаш усули бўйича мўлжалланиши. Бу омилларни маҳсулотни оммавий ишлаб чиқаришда ҳисобга олиш жуда зарур.

8.2 МАТЕРИАЛ ФАКТУРАСИ

Фактура – газлама тузилишининг ташқи намоён бўлишидир. Маълум фактура таъсирларига иплар шакли ҳосил қилишдан бошлаб газлама ҳосил бўлиши бутун жараёни натижасида эришилади. Фактура катталиги ва унинг газлама юзаси бирлигига элементлари миқдorigа кўра газламалар ифодалилиги турлича бўлган юзага эга.

Кийим - хажмли шакл деб қаралганда, унинг қандай материалдан тикилганлигини билиш керак (газамалар, трикотаж, мўйна, чарм, замша, нотўқима материаллар қават газламалар, плёнка, ёғоч, пластмасса, шиша ва ҳоказо). Бу материаллардан ҳар бирининг ўз пластик хусусиятлари (майинлик, осилувчанлик, дағаллик ва шу кабилар), декоративлиги (фактура, ранг, нақш гул), физик-механик хусусиятлари (зичлик, қайишқоклик, чўзилувчанлик, киришувчанлик, титилувчанлик ва бошқалар) ва гигиеник хусусиятлари (ҳаво ўтказувчанлик, нам ўтказувчанлик, чанг ўтказувчанлик, иссиқлик ўтказувчанлик) бўлиб, шаклнинг характери ва конструктив ечими қандай ҳал этилишини шу хусусиятлар белгилаб беради. Масалан, ҳарир шифон газламалар майин, осилувчан, драпировкабop бўлади, шунинг учун улардан чоклари минимал даражада ҳам, юмшоқ овалсимон шакл яратилиши керак, бунда драпировкалар, бурмалар, майин тахламалар, клёш бичиқ ҳисобига шакл ҳосил қилинади; ялтирок, ташланиб турадиган (крепсатин типигадаги) газламаларнинг драпировкабop эканлиги етарли даражада хажмли, гавда буйлаб «сирланиб», осилиб турадиган кийим тикиш имконини бериб, газламанинг жимиралишиб унинг юқоридаги хусусиятларини кучайтириб кўрсатади; синтетика, аралаш жун газламалардан жуда аниқ, катъиян геометрик шаклдаги буюмлар тикилади. Физик-механик хусусиятларни билиш - тўғри шакл бериш учун ҳам (масалан, трикотажнинг чўзилувчанлиги киши гавдасига ёпишиб турадиган кийим тикиш имконини беради), зарурат

бўлганда тикишдан олдин материалларни декатировка қилиш (намлаб-иситиб ишлов бериб, киришмайдиган қилиб олиш) учун ҳам имкон беради.

Материалларнинг гигиеник хусусиятлари ҳам кийим шаклини ҳосил қилишга таъсир этади. Масалан, ҳаво ўтказиш ва нам ўтказиши ёмон материаллардан бўлган кийимларни, кийим тагидаги ҳаво вентилизациясини таъминлаш учун, гавдага ёпишмайдиган очиқ шаклли қилиб тикиш тавсия этилади.

Газламаларнинг декоратив хусусиятлари шаклнинг геометрик қанчани танлашдагина эмас, балки шакл ҳосил қилиш принципларида ҳам, шаклдаги ички ечимларни танлашда ҳам катта аҳмиятга эга.

Фактура - материалнинг энг ифодали хусусиятларидан бири ҳисобланади, у сезилувчан информация манбаи бўлиб хизмат қилади.

Фактура - бу материал юзасининг тузилишини характерловчи хусусият. Фактура табиий (мўйна, тери, ёғоч, замша) ва механик йул билан олинган ҳосила бўлади. Материаллар силлик, ғадир-будур, ялтироқ, хира, тукли фактурали бўлиши мумкин. Ҳосила фактуранинг характери материалнинг қандай усулда (тўқимачиликда, тур туқишда олинганига, юзасидаги буртик қисмларининг баланд-пастлигини ва ипларнинг материал зичлигини белгилайдиган характерга боғлиқ. Сатх бирлигига тўғри келадиган фактура элементларининг катта-кичиклиги ва микдорига қараб материалларнинг юзаси ифодалилиги жихатидан ҳар хил бўлади

Фактура хусусиятларига етарли эътибор бермаслик кўпинча битта кийимда турли материаллар нокулай бирга қўшилиб қолишига олиб келиб, бу шаклни бўлиниб ва номонанд кўринадиган қилиб қўяди. Бадиий режа ва ечимлар турлилиги сабабли, эксплуатацион, технологик ёки иктисодий зарурат боисдан битта кийимда ҳар хил фактуралар ишлатиш мумкин. Бунда бирон кийимда ҳам, умуман костюмда ҳам фактураларнинг сифат ва микдор жихатидан бирга қўшилишларини бўрттириб кўрсатган маъкул. Ҳар бир фактурада бадиий образ белгилари бўлади. Фактура совуқлик ва илиқлик, енгиллик ва вазминлик ва бошқа таасуротлар ҳосил қилиши мумкин.

Фактура танлашда мавсум, кийимнинг кандай мақсадга мулжалланганлиги, одамнинг жинси, ёши ва гавда тузилиши турлари ҳисобга олиниши керак. Оқшомда кийиладиган башанг кийимларга олийжаноб ялтилайдиган сидирга материаллар ишлатилади, лекин олачиפור газламалар зинхор-базинхор тўғри келмайди.

Газлама хусусиятлари толалари таркиби, ўрилиш структураси ва пардозлашга боғлиқ. Газламанинг асосий хусусиятларидан бири — унинг пластикаси — кийимга шакл бериш хусусияти. Бу хусусият ҳар битта моделга ўзига хос стиль ва композицион тузилишни белгилайди.

Костюмнинг шакли ва композицияси газлама фактураси, яъни газлама сиртки кўринишига боғлиқ. Аёллар уст кийимини лойиҳалашда ҳар хил фактурали газламалар ишлатилади (устки юзи силлиқ, тукли расмли ва ҳ.к.).

Кийимнинг ҳажмийлигини аниқлашда газлама фактураси катта аҳамиятга эга. Турли газламалар кийим ҳажмини катталаштиради, юзаси силлиқ газламалар эса фаразий шаклни кичрайтиради.

Кийимнинг ҳар бир тури ўзига мос безакли безакларни жойланиш принципини талаб қилади. Аёллар ва болалар устки кийимида безак сифатида қуйидаги унинг вариантлари ишлатилиши мумкин: ҳар хил фактура, ранг, декоратив деталлар, фурнитура ва конструктив усуллар.

Жун газлама билан бахмал ёки ипак каби бирикмалар инглиз классик костюмида кўпдан бери маълум. Бу бирикма ҳозиргача тантанали маросимларда кийиладиган ва сахнада кийиладиган костюмда қўлланади.

Жун газламалардан тайёрланган костюм ва пальтоларда болалар кийимида ёқа, енгларнинг қайтарилган учи каби деталлар трикотаждан тайёрланиши мумкин.

Пальтонинг мўйна ёқаси рангли ва фактурали безак. Фурнитура (тугмалар, тўқалар, тасма, боғич ва ҳ.к.) безак сифатида қўлланиши мумкин.

Декоратив деталлар (қопқоқлар, чўнтаклар, листочка, белбандлар ва ҳ.к.) аёллар уст кийимида ва болалар кийимида безак сифатида қўлланиши

мумкин. Лекин безак қанчалик яхши бўлмасин унинг миқдори меъёрга бўлиши зарур.

Газлама фактурасини ифодалашда чекка чегаралар бу юза бирлигига бу элементларнинг катта бўлмаган миқдоридаги жуда йирик элемент, шунда газлама бўртма чокли каби қабул қилинади (бўртма чокли бархат); элемент жуда майда, элементлар миқдори бунда шунчалик каттаки, газлама деярли силлиқ каби қабул қилинади (креп ўрилишли газламалар). Газлама юзаси характери бўйича газламаларни силлиқ, дағир-дуғир, букирланган, бўртма чоклиларга ажратиш мумкин. Ҳар бир гуруҳ ичида ўралиш тури, иплар шаклланиш характери, тола турига кўра ўз бўлинишлари бўлади: силлиқ - ялтироқ (тенг акс этувчи), ялтироқ (йўналтирилган акс эттирилишли), нурсиз (тарқоқ акс эттирилишли), майда ва ўрта заррачали дағирлик, буклирланган – ўртача ва йирик заррали, бўртма чокли – расмли, йўл-йўл. Шундай қилиб, газлама рассом-моделер учун икки муҳим тавсифларга эга – аниқ пластик ва фактура хусусиятлари.

Амалиётдаги бу кийим тайёрлаш газламалари тавсифлари белгидек бўлиб қолган. Улардан бирини қабул қилиниши бошқаси тўғрисида ва умуман газлама тўғрисида тасаввурни чақиради. Костюм ташкил этилишида технологик ва пластик хусусиятлар, фактура, ранг ва расми бўйича турли газламалардан фойдаланилади (газламалар ва трикотаж, плёнкали ва нотўқима материаллар ва бошқалар). Улар костюмнинг умуман вазифаси ва унинг ҳар бир алоҳида қисмидан келиб чиққан ҳолда танланади. Бу доираларда контраст қўлинишлар ҳам, ва албатта, жуда яқин фактурали газламалар танланиши табиий. Шаклнинг фактура ва пластик хусусиятлари, унинг конфигурацияси яхлит шаклни қабул қилинишида иллюзиялар пайдо бўлишига таъсир этади ва шу сабабли ўрта стандарт ўлчамлардан оғган фигурага кийимни лойиҳалашда яхшилаб ҳисобга олиниши керак.

Моделлаштириш вақтида газламанинг структура хоссаларидан фойдаланилади. Газлама структурасининг хилма-хиллигига ипларни турлича (ипак, пахта ипи, жун ип, синтетиква сунъий тола)дан фойдаланиш йўли

билан эришилади; шундай иплардан тўқилган газламадаги хусусиятлар трикотажда ҳамда нотўқима газламаларда бўлмайди. Креп тўқилишидаги юпқа майин шойи ва жун газламалар ҳар хил юзали ҳажмий формалар ҳосил қилишга имкон беради. Чўзиладиган майин газламалардан кўндаланг ва қия йўналишда чиройли бурмалар ҳосил қилиб бўлади. қаттиқ ва хурпайган юпқа газламалар фақат қия йўналишда бурмаланади. Газламадаги танда ва арқок ипларининг бир-бирига нисбатан силжиш ҳамда эластик чўзилиш хоссасидан кийим деталларини қия бичишда фойдаланилади. Газламанинг фактураси унинг муҳим кўрсаткичи бўлиб, кийимнинг ташқи кўринишини белгилаб беради. Фактура газлама сирти (юзаси)нинг ишланиш сифати (тури)дир. Газламани сирти текис ва ғадир-будир, хира ва ялтироқ, шаффоф ва хира ва хоказо фактурали бўлиши мумкин.

Газламанинг фактураси унинг юза бирлигига тўғри келадиган туклар, тугунчалар, бўртма йўллар ва хоказоларнинг кўп-озлигига боғлиқ. Кийимнинг ҳажмийлиги, зичлиги, массасини белгилашда газламанинг фактураси муҳим рол ўйнайди. Газламанинг фактураси кучайиши (яъни, газлама сиртининг ғадир-будирлиги, туклилиги ортиши) билан кийимнинг ҳажми, зичлиги ва вазни ошади. Сирти текис газламадан тикилган кийим, аксинча, енгил ва кўринишидан ихчам бўлади.

Газламанинг гуллари деганда, уни тўқиган вақтда ҳосил қилинган ёки газламани пардозлаш жараёнида босилган нақшлар, ёхуд кийимни тикиш вақтида солинган гул ва безаклар тушунилади. Гулларни ташкил этувчи элементлар абстракт, геометрик шаклда бўлиши, шунингдек, ҳайвонот ёки ўсимликлар дунёсига хос бўлиши мумкин. Кийим тарихининг ҳар қайси босқичига ўз безак турлари ва уларни ишлатиш усуллари хос бўлган. Кийимни моделлаш тажрибасида ишлатиладиган безак турлари хилма-хил бўлиб, улар композициядаги асосий ғоя бўлиши ёки костюмдаги мўлжалланган бадий-образли ғояни кучайтирадиган ёки бойитадиган бўлиши мумкин.

9. КОСТЮМ - АХБОРОТ ВОСИТАСИ.

Жамият ривожланиши билан биргаликда кийимда ҳам табиат ва жамиятдаги ўзгаришлар акс этади. Кийимдаги шакл ва ранг - табиий элементларнинг тимсоли бўлиб, уларнинг такрорланиши ҳисобланади ва табиий элементлар бўлиб, ҳайвонот олами ёки биологик жараён имитацияси (татуировка, барг ва теридан ёпинчик) тушунилади. Ҳар қандай давр ва халқнинг хусусиятлари ўзига хос архитектура, интерьер атроф муҳитга боғлиқликни ўзида қайд этади. Шу туфайли, кийимни санъатнинг бошқа элементлари билан нафақат биргаликда, балки услуб ривожланишда асосий аҳамиятга эга деб айтиш мумкин. Ҳақиқийликнинг кийимда акс этиши қандай восита, усул ва системада фойдаланиб амалга оширилади? Бу савол бир неча 10 йилликни ўз ичига қамраб олади.

Кийим - коммуникациянинг маълум бир кўриниши бўлиб, у услуб, мода, ўша давр эстетик ва илмий концепциялари, жамиятнинг, моддий ва маънавий ҳаётнинг тарзи, даражаси, технологияси ва ҳоказолари тўғрисида маълумот беради. Ҳақиқийликнинг диалектик тасвири шундаки, образни ўрганиш шакли - унда қарама - қаршиликни акс эттириш белгиси шартлили элементлардан фойдаланилади. Биринчи навбатда белгилар тил доирасида идеал образларнинг моддийлаштирилган шакли бўлиб хизмат қилади. Шунинг эътиборга олиш керакки, бизни ҳақиқийликни белгилар ёрдамида акс эттириш жараёни эмас, балки кийим соҳасидаги ўрганиш ва ижод имкониятларини кенгайтириш шартлари қизиқтиради. Кийимнинг маданият элементлари - тасвирий санъат, адабиёт, театрда нисбатан эгаллайдиган ўрнини аниқлаш учун кийимнинг мазмуний хусусияти ёки коммуникацион моҳиятини англаш эътиборга лойиқдир. Агарда кийим тузилиши шакл ва атроф - муҳит жиҳозлари структурасига адекватлиги аниқ бўлса, у ҳар қандай кўринишдаги маълумотни бера олишга қодир. Худди шундай ҳолда, кийимни коммуникациянинг кўриниши сифатида кўриб чиқиш мумкин.

Либосда ҳам архитектурадаги сингари маълум бир содир бўладиган воқелик ва жиҳозларнинг ассоциатив тушунчалари ҳукмронлик қилади.

Кийим ривожланиш тарихининг давомийлиги даврида унинг шакли геометрик ва абстрактив элементлари асосида қурилади. Бу замонавийлик кийимда акс этмайди дегани эмас. Кийимнинг мастиклиги, ритмиклиги, композицион таркиби, уларнинг тартиб, жойлашув ритми маълум эмоционал хис - туйғу ёки оддий эмоционал туйғуни чақиради. Кийим образининг ҳақиқийлик билан таққослаш жараёни - унинг тил моҳияти ёритилиши асосида ётади ва у (семиотика ва синтакматика) терминлари билан ифодаланилади.

Семиотика - объектнинг сифати ўзига хослиги ва ифодалаш маъносини ёритади. Б. В. Мантанов ёзишига кўра, гносиологик шартлилик билимнинг мажбурийликдан халос этиб, кейинги ифодани олдинлаб - идеал моделга ўтиш демакдир, яъни ифода воқеиликдаги асосни кўрсатиш демакдир. Кийимдаги системавий тимсол - рассомдан томошабинга информациянинг ўзатилишидир. Бундай боғлиқда кийим ва код маълумотлар манбаи ўртасида коммуникация ўрнатилиш усули ҳисобланади. Бунда кийим мазмуни маълум белги, тимсол ва бошқалар билан «кодлаштирилади». С. Эзшезининг таъбирича, бадиий асарнинг томошабин томонидан қабул қилиш даражаси; тажриба, ҳаёлий ҳолати, ахлоқ, ижтимоий келиб чиқишига боғлиқ. Демак, маълум бир ифода турли томошабин томонидан турлича қабул қилиниши мумкин. Рассомнинг ғояси маълум бир қисқа тимсол бўлиб, «калит» ёки «код» билан белгиланиши мумкин.



XIX аср. Зодагон эркак кийими.

45– расм



XIX аср. Амалдор эркак кийими.

46 – расм

Кийим белгиси - коммуникацион функцияни бажариб, ижтимоий нюансларни чегаралайди, яъни кийим иктисодий даражаси белгиси кийим маълум ғоявий гуруҳга таъаллуқлилик (художўй, замонавий, консерватив) кийим этник сифат белгиси (минтакавий, миллий), кийим жинсий фарқлилик белгиси, кийим инсоннинг дид белгиси, кийим маданият белгиси дастлаб белгилилик одам танасининг қисмлари ва унинг функцияларини белгилайди (45, 46 – расмлар). Кейинчалик у либос тури, материалнинг шакли, ранги, деталларнинг жойлашуви, таснифи, кийимнинг ифодаси ва безаклари сифатида ишлатилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Пармон Ф. М. Композиция костюма. М.: Легпромбытиздат, 1985 г.
2. Пармон Ф. М. Художественное проектирование одежды промышленного производства. М., Легпромбытиздат, 1981 г.
3. Козлова Т. В. Эстетика проектирования одежды. М., Легкая индустрия, 1989 г.
4. Козлова Т. В. Моделирование и художественное оформление женской и детской одежды. М., Легкая индустрия, 1990 г.
5. Ростовцев Н. Н., Игнатьев С. Е., Шорохов Е. В. Рисунок. Живопись. Композиция. М., Просвещение, 1989 г.
6. Козлова Т. В. Основы теории проектирования костюма. М., Легпромбытиздат, 1988 г.
7. Дейнека. А. Из моей рабочей практики. Москва, Издательство Академии художеств СССР, 1961 г.
8. Фаворский В. А.. О композиции. Москва, «Искусство» 1933, № 1.18-6.
9. Янчевская Е. Л. Аёллар устки кийимини конструкциялаш., Тошкент, Ўқитувчи., 1998 й.
10. Рогова А. П. Эркалар ва болалар устки кийимини конструкциялаш асослари Тошкент,
11. Сойилов Т. Композиция. Тошкент. Ўзбекистон. 1999 й.
12. Abdullaeva Q. M. Tikuvchilik buyumlarini loyihalash va modellashtirish asoslari., Toshkent., 2006 y .
13. Ҳасанбоева Г. К., Шомансурова Ш. М., Махсус композиция, Тошкент, Янги аср авлоди, 2007 й.
14. Ҳасанбоева Г. К., Тўқимачилик дизайни тарихи, Тошкент, Иқтисодиёт молия, 2006 й.
15. X. X. Kamilova, N. K. Hamrayeva, Tikuv buyumlarini konstruksiyalash, Tohkent, Cho`lpon nomidagi nashriyot – matbaa ijodiy uyi, 2011 y.
16. Г. Каримова., Х. Комилова, Реклама ва дизайн, Тошкент, O`zbekiston, 2012 й.

